Mustaqil ishlarni tashkil etishda internet va axborot manbalaridan doimiy foydalaniladi.

Tavsiya etilayotgan mustaqil ishlarning mavzulari:

15. Kadrlar tayyorlash milliy modeli va uning tarkibiy qismlari (4 soat).

16. Demokratik jamiyatda o'qituvchilik kasbi va unga qo'yiladigan talablar (4 soat).
17. Pedagogikaning ilmiy tadqiqot metodlari (6 soat).
18. Shaxs rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar (6 soat).
19. Ta'lim mazmunini belgilab beruvchi me'yoriy-huquqiy hujjatlar (6 soat).
20. Ta'lim metodlari tasnifi (6 soat).
21. Ta'limni tashkil etishning zamonaviy shakllari (6 soat).
22. O'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini baholashning reyting tizimi (6 soat).
23. Bolalar jamoasining shakllanish darajalari va bosqichlari (4 soat).
24. Tarbiyaning umumiy metodlari tasnifi (6 soat).
25. Tarbiya turlari mazmuni, maqsad va vazifalari, shakl va metodlari (8 soat).
26. Ta'lim sohasida davlat siyosatining asosiy tamoyillari (4 soat).
27. Ta'lim muassasasini boshqarishga doir me'yoriy-huquqiy hujjatlar (6 soat).
28. Korrektсион pedagogik faoliyat turlari va metodlari (4 soat).

2.5. Fanni o'qitish jarayonini tashkil etish va o'tkazish bo'yicha tavsiyalar. "Pedagogika nazariyasi" fanini o'rganish davomida mashg'ulotlar paytida axborot (taqdimot, multimedia texnologiyalari) va ta'limning zamonaviy texnologiyalari (rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyalari, fanni to'liq o'zlashtirishga yo'naltirilgan texnologiyalar, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari) hamda interfaol metodlar ("Aqliy hujum", "Venn diagrammasi", "T-chizma", "Erkin yozish", "Bir-biridan so'rash") qo'llaniladi. Bundan tashqari darsliklar, o'quv qo'llanmalari, ma'lumotnomalar, pedagogik entsiklopediyalar va lug'atlar, ma'ruza matnlari, tarqatma materiallaridan foydalaniladi.

2.6. Taqvim-mavzuiy reja.

№	Mavzu	Ajratilgan soat	Dars turi	Fanlararo va fan ichidagi bog'liqlik	Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati	Mustaqil ish topshiriqlari	Ta'lim texnologiyasi va interfaol metodlar
1	2	3	4	5	6	7	
1.	Pedagogika fan sifatida. Pedagogikaning tadqiqot metodlari	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Kirish ma'ruzasi ta'lim texnologiyasi; "B-B-B" chizmasi

				aloqadorlikda o'rganiladi.			
2.	Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. Pedagoglik kasbining jamiyatdagi o'rni	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	1,2 (as); 1 (qo'sh)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Klaster" grafik organayzeri
3	Shaxs rivojlanishining qonuniyatlari	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Muammoli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Toifalash" jadvali
4	Yagona pedagogik jarayon	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; tayanch konspekt.
5	Didaktika pedagogik ta'lim nazariyasi sifatida	2	m'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "CHalkashtirilgan mantiqiy zanjirlar ketma-ketligi" interfaol metodi
6	Ta'lim jarayoni yagona tizim sifatida. Ta'lim qonuniyatlari va tamoyillari	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; klaster grafik organayzeri

7	O'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi mazmuni	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Besh minutlik esse"
8	Ta'lim metodlari va vositalari	3	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Muammoli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Toifalash" jadvali
9	Ta'limni tashkil qilish shakllari va turlari. Dars – maktabda ta'limni tashkil qilishning asosiy shakli. O'rta maxsus va kasb-hunar ta'limida ta'limni tashkil etish shakllari	3	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Muammoli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Eng muhim tushunchalar, takrorlash" interfaol metodi
10	O'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini tashxis etish	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Muammoli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Besh minutlik esse" interfaol metodi
11	Tarbiya jarayonining mohiyati va mazmuni. Tarbiya qonuniyatlari va tamoyillari	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Nima uchun" grafik organayzeri

12	Jamoa tarbiya ob'ekti va sub'ekti sifatida	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Muammoli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Baliq skeleti" grafik organayzeri
13	Tarbiyaning umumiy metodlari	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Pog'ona" grafik organayzeri
14	Ilmiy dunyoqarashni shakllantirish. O'quvchilarning aqliy tarbiyasi	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Muammoli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Eng muhim tushunchalar, takrorlash" interfaol metodi
15	Fuqarolik tarbiyasi. Huquqiy tarbiya	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Anjuman-ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Toifalash jadvali"
16	Mehnat tarbiyasi. Iqtisodiy tarbiya	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Anjuman-ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Pinbord" texnikasi
17	Axloqiy tarbiya	2	ma'ruza	Mazkur mavzu	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan	Anjuman-ma'ruza ta'lim

				O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.		ishlash, konspekt qilish	texnologiyasi; "Klaster" grafik organayzeri
18	Estetik tarbiya	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Anjuman-ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "T-chizma" grafik organayzeri
19	Ekologik tarbiya	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Anjuman-ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Qanday" grafik orgayzeri
20	Jismoniy tarbiya	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Anjuman-ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "CHalkashtirilgan mantiqiy zanjirlar ketma-ketligi" interfaol metodi
21	Oila tarbiyasi asoslari	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Anjuman-ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Eng muhim tushunchalar, takrorlash" interfaol metodi
22	O'zbekiston Respublikasida ta'lim tizimi. Ta'lim sohasida	2	ma'ruza	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt	Ma'lumotli ma'ruza ta'lim texnologiyasi; "Eng muhim

	davlat siyosatining asosiy printsip-lari			va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.		qilish	tushunchalar, takrorlash” interfaol metodi
23	Ta’lim muassasasi menejmenti	2	ma’ruza	Mazkur mavzu O’zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o’zaro aloqadorlikda o’rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma’lumotli ma’ruza ta’lim texnologiyasi; “Besh minutlik esse” interfaol metodi
24	Korreksion pedagogika asoslari	2	ma’ruza	Mazkur mavzu O’zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o’zaro aloqadorlikda o’rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ma’lumotli ma’ruza ta’lim texnologiyasi; “Klaster” grafik organayzeri
25	O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Barkamol avlod O’zbekiston taraqqiyotining poydevori” asarida ta’lim va tarbiya masalalari.	2	seminar	Mazkur mavzu O’zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o’zaro aloqadorlikda o’rganiladi.	1,2 (as); 3(qo’sh)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Rivojlantiruvchi seminar texnologiyasi; guruhlarda ishlash, to’rt darajali testlar
26.	Pedagogika fan sifatida.	2	seminar	Mazkur mavzu O’zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o’zaro aloqadorlikda o’rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ta’limiy seminar texnologiyasi; guruhlarda ishlash, to’rt darajali testlar
27	Shaxsning rivojlanishi, ijtimoiylashuvi va tarbiyasi.	2	seminar	Mazkur mavzu O’zbekiston tarixi, falsafa va	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Refleksiv seminar texnologiyasi; guruhlarda ishlash, to’rt darajali testlar

				psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.			
28	Didaktika pedagogik ta'lim nazariyasi sifatida.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Ta'limiy seminar texnologiyasi; guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
29	Ta'lim jarayoni qonuniyatlari va tamoyillari.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
30	O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi mazmuni.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
31	Ta'lim metodlari va vositalari.	4	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
32	Ta'limni tashkil etish shakllari va turlari.	4	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar

				o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.			
33	Ta'lim olganlikni tashxis etish.	4	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
34	Tarbiya jarayonining mohiyati va mazmuni. Tarbiya tamoyillari.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
35	Jamoa tarbiya ob'ekti va sub'ekti sifatida.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
36	Tarbiyaning umumiy metodlari.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
37	O'quvchilarni falsafiy dunyoqarashga tayyorlash. O'quvchilarning aqliy tarbiyasi.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar

				o'rganiladi.			
38	Shaxs madaniyatini shakllantirish tizimida fuqarolik tarbiyasi. Huquqiy madaniyatni shakllantirish.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
39	Mehnat tarbiyasi va o'quvchilarni kasbga yo'naltirish.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
40	Shaxsda axloqiy madaniyat asoslarini shakllantirish.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
41	O'quvchilarda estetik madaniyatni shakllantirish.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
42	Oila o'ziga xos pedagogik tizim sifatida.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
43	O'zbekiston	2	seminar	Mazkur	3,4,5,6	adabiyotlar	Guruhlarda

	Respublikasi ta'lim tizimi.			mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	(as)	bilan ishlash, konspekt qilish	ishlash, to'rt darajali testlar
44	Ta'lim muassasasi menejmenti.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar
45	Korreksion pedagogika asoslari.	2	seminar	Mazkur mavzu O'zbekiston tarixi, falsafa va psixologiya fanlari bilan o'zaro aloqadorlikda o'rganiladi.	3,4,5,6 (as)	adabiyotlar bilan ishlash, konspekt qilish	Guruhlarda ishlash, to'rt darajali testlar

2.7. Didaktik vositalar.

1. Jihozlar va uskunalar, moslamalar: elektron doska-Hitachi, LCD-monitor, elektron ko'rsatgich (ukazka).

4. Video-audio uskunalar: video va audiomagnitofon, mikrofon, kolonkalar.

5. Kompyuter va multimediali vositalar: kompyuter, Dell tipidagi proektor, DVD-diskovod, Web-kamera, video-ko'z (glazok).

2.8. Baholash mezonlari.

Talabani "Pedagogika nazariyasi" fani bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarini baholashda quyidagi mezonlarga asoslaniladi:

a) 86-100 ball uchun talabani bilim darajasi quyidagilarga javob berishi lozim: 1) pedagogikaning fanining paydo bo'lishi va rivojlanishi; pedagogika fanining asosiy kategoriyalari; Kadrlar tayyorlash milliy modeli va uning tarkibiy qismlari; shaxs rivojlanishining umumiy qonuniyatlari; yaxlit pedagogik jarayon va uning tuzilishi, pedagogik jarayonning qonuniyatlari va tamoyillari; didaktikaning ob'ekti, predmeti, asosiy kategoriyalari; ta'lim jarayoni hamda uning qonuniyat va tamoyillari; ta'lim mazmuni va uni tanlab olish mezonlari; ta'limning

shakl, metod va vositalari, ta'lim olganlikni tashxis etish; tarbiya jarayoni, uning qonuniyat va tamoyillari; tarbiya mazmuni; tarbiyaning umumiy metodlari; tarbiya turlari; ta'lim muassasasi menejmenti; korreksion pedagogikaning umumiy asoslariga doir aniq bilimlarga ega bo'lishi; 2) pedagogik jarayonni tashkil etish va boshqarish; ta'lim mazmunini belgilovchi me'yoriy hujjatlar bilan ishlash; ta'lim-tarbiyaning metod, shakl va vositalarini amalda mustaqil qo'llay olish; o'quvchilarining BKMLarini nazorat qilish ko'nikmalarini egallagan bo'lishi; 3) pedagogik tafakkur ioritish; mustaqil mushohada ioritish; ijodiy fikr iorita olish malakalari ega bo'lishi lozim.

b) 71-85 ball uchun talabaning bilim darajasi quyidagilarga javob berishi lozim: 1) pedagogikaning fanining paydo bo'lishi va rivojlanishi; pedagogika fanining asosiy kategoriyalari; Kadrlar tayyorlash milliy modeli va uning tarkibiy qismlari; shaxs rivojlanishining umumiy qonuniyatlari; yaxlit pedagogik jarayon va uning tuzilishi; didaktikaning ob'ekti, predmeti, asosiy kategoriyalari; ta'lim jarayoni va uning o'ziga xosliklari; ta'lim mazmuni va uni tanlab olish mezonlari; ta'limning shakl, metod va vositalari, ta'lim olganlikni tashxis etish; tarbiya jarayoni, uning mazmuni; tarbiyaning umumiy metodlari; tarbiya turlari; ta'lim muassasasi menejmenti; korreksion pedagogikaning umumiy asoslariga doir bilimlarga ega bo'lishi; 2) pedagogik jarayonni tashkil etish va boshqarish; ta'lim mazmunini belgilovchi me'yoriy hujjatlar bilan ishlash; ta'lim-tarbiyaning metod, shakl va vositalarini qo'llay olish; o'quvchilarining BKMLarini nazorat qilish ko'nikmalariga ega bo'lishi; 3) pedagogik tafakkur ioritish; mustaqil mushohada ioritish; ijodiy fikr iorita olish malakalari ega bo'lishi lozim.

v) 56-70 ball uchun talabaning bilim darajasi quyidagilarga javob berishi lozim: 1) pedagogikaning fanining paydo bo'lishi va rivojlanishi; pedagogika fanining asosiy kategoriyalari; Kadrlar tayyorlash milliy modeli va uning tarkibiy qismlari; shaxs rivojlanishining umumiy qonuniyatlari; yaxlit pedagogik jarayon va uning tuzilishi; didaktikaning ob'ekti, predmeti, asosiy kategoriyalari; ta'lim mazmuni va uni tanlab olish mezonlari; ta'limning shakl, metod va vositalari; ta'lim olganlikni tashxis etish; tarbiya jarayoni; tarbiyaning umumiy metodlari; tarbiya turlari; ta'lim muassasasi menejmenti; korreksion pedagogikaning umumiy asoslariga doir umumiy bilimlarga ega bo'lishi; 2) pedagogik jarayonni tashkil etish va boshqarish; ta'lim mazmunini belgilovchi me'yoriy hujjatlar bilan ishlash; ta'lim-tarbiyaning metod, shakl va vositalarini qo'llay olish; o'quvchilarining BKMLarini nazorat qilish ko'nikmalarini egallashi lozim.

g) fanning mazmunini DTSda belgililangan minimal BKMLar darajasida o'zlashtirmagan talabalarga 55 va undan past ball qo'yiladi.

Reyting jadvali.

Maksimal ball – 100 b.

JN (joriy nazorat) – max. 40 b.

ON (oraliq nazorat) – max. 30 b.

YaN (yakuniy nazorat) – max. 30 b.

Saralash ball – 55 b.

86-100 ball – “5” baho.

71-85 ball – “4” baho.

55-70 ball – “3” baho.

Nazorat turi	Nazorat shakllari	Har bir nazorat uchun belgilangan maksimal ball	Nazorat soni	Nazorat shakllari bo'yicha belgilangan maksimal ball
Joriy nazorat	1. Семинар маш-ғулотлари	15	2	30
	2. Мустақил иш	10	1	10
	Jami:	40	1	40
Oraliq nazorat	1. Test	15	1	15
	2. Коллоквиум	15	1	15
	Jami:	30	1	30
Yakuniy nazorat	1.Yozma ish	30	1	30
Jami:		100	5	100

III. O'quv-uslubiy adabiyotlar va elektron ta'lim resurslari ro'yxati.

Asosiy darslik va o'quv qo'llanmalar

5. Mavlonova R., To'raeva O., Xoliqberdieva K. Pedagogika. – T.: O'qituvchi, 2001.
6. Asqarova O'.M., Hayitboev M., Nishonov S. – T.: Talqin, 2008.
7. Pedagogika. // M.Toxtaxodjaevaning umumiy tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati, 2010.
8. Подласый И.П. Педагогика. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2000.
9. Пидкасистый И.П. Педагогика. – Ростов-на-Дону.: Педагогика, 2003.
- 10.Ziyomuxammedov B. Pedagogika. – T.: Turon-Iqbol, 2006.
- 11.Харламов И.Ф. Педагогика. – М.: Гардарики, 2005.
- 12.Сластени В.А., Исаев И.Ф. Педагогика. – М.: Академия, 2005.
- 13.Сталяренко Л.Д. Общая педагогика. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2003.
- 14.Селиванов В.С. Основы общей педагогики: теории и методики. – М.: Академия, 2000.
15. Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh.A. Pedagogika nazariyasi. - T.: “Fan va texnologiyalar” nashriyoti, 2008.

Qo'shimcha adabiyotlar

7. Barkamol avlod orzusi /Tuzuvchilar: Sh.E.Qurbonov va boshqalar. T.: Sharq, 1999.
8. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. – T.: O'zbekiston, 2001.
9. Kaldibekova A.S., Xodjaev B.X. O'quvchilarning bilish faolligini oshirish yo'llari – T.: TDPU, 2006.
10. Ismoilova Z. Pedagogikadan amaliy mashg'ulotlar. – T.: Fan, 2001.
11. Ochilov M. Muallim qalb me'mori. – T.: O'qituvchi, 2001.

Elektron ta'lim resurslari

1. [www. tdpu. uz](http://www.tdpu.uz)
2. www. pedagog. uz
3. www. Ziyonet. uz
4. www. edu. uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**“Педагогика назарияси” фани бўйича
таълим технологияси**

Тошкент – 2011

2.1.1. Кириш маърузаси таълим технологияси модели
Мавзу: Педагогика фани ҳақида умумий тушунча. Педагогиканинг
предмети, мақсад ва вазифалари.

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли кириш маъруза
Машғулотнинг режаси	1. Педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари. 2. Педагогика фанининг асосий категориялари. 3. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги. 4. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда педагогика фанининг ўзига хосликлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: 1) педагогика фанининг тузилишини шарҳлаш; 2) педагогика фани миқёсидаги методик ва ташкилий ишларнинг хусусиятлари, муддати ва баҳолаш мезонлари билан таништириш; 3) педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш; 4) педагогика фанининг асосий категорияларини ажратиб кўрсатиш; 5) педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини баён этиш; 6) педагогика фанининг илмий-тадқиқот методларини ажратиб кўрсатиш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1) педагогика фанига ажратилган умумий соатлар, уларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари вақтда тақсимланиши, фаннинг модул-блоклари ҳақида тушунчага эга бўлинади; 2) педагогика фани бўйича машғулотларнинг бориши, БКМларни назорат қилиш турлари, шакл, метод ва воситалари, назоратларни ўтказиш вақти ва баҳолаш мезонлари ҳақида аниқ тасаввурлар шакллантирилади; 3) педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини билиб оладилар; 4) педагогика фанининг асосий категорияларини ўзлаштирадилар; 5) педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини таққослайдилар; 6) педагогика фанининг илмий-тадқиқот методларига доир тасаввурларга эга бўладилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Б–Б–Б” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

Кириш маърузасининг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (20 минут)	1.1. Мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётларни баён этади (1-илова).	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди (2-илова).	“Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади.
	1.3. Фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради (3-илова).	Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади
	1.4. Фан миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради (4-илова).	
	1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради (5-илова).	Рейтинг қайдномасини тўлдиришади
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади (2-илова).	“Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади.
	2.2. Педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини ёритиб беради (6-илова).	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
	2.3. Педагогика фанининг асосий категорияларини ажаратиб кўрсатади ва ҳар бирига таъриф беради (7-илова).	
	2.4. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини кўрсатиб беради (8-илова).	
	2.5. Педагогика фанининг илмий-тақдимот методлари ҳақида маълумот беради (9-илова).	
3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут)	3.1. “Б–Б–Б” график органайзерининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади (2-илова).	“Б–Б–Б” график органайзерини “Билиб олдим” устунини тўлдиришади.
	3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.	Ўз тасаввурларини бошқаларники билан таққослайди.
	3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдиради.

Педагогика фани ҳақида умумий тушунча. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари

Режа:

- a. Педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари.
- b. Педагогиканинг асосий категориялари.
- c. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
- d. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. Подласый И. П. Педагогика. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2003.
3. Лихачев Б. Т. Педагогика. - М.: Юрайт, 2003.
4. Слостенин В.А., Исаев И. Ф., Шиянов Е. Н. Общая педагогика. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2003.
5. Тохтаходжаева М., Нишоновна С., Ҳасанбоев Ж., Мадьярова С., Кальдыбекова А ва бош. Педагогика. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.

Б/Б/Б чизмаси


Б/Б/Б чизмаси – Биладан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мазкур график органайзер мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Талабаларда тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар:

1. Жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.
2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2-бўлимларини тўлдирадилар.
3. Маърузани тинглайдилар.
4. Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биладан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

“Педагогика” курсининг тузилиши



Фаннинг ҳажми

№	Машғулоти тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий (лекция)	36	IV
2	Семинар	36	IV
3	Курс иши	-	-
4	Мустақил иш	48	IV

Рейтинг назорати

Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳар семестрда жорий назорат (ЖН), оралиқ назорат (ОН) ва якуний назорат (ЯН) натижалари асосида баҳоланади.

Рейтинг назорати жадвали

Кузги семестр

Назорат тури	сентябр					октябр				ноябр				декабр					январ			Балл	Ўтиш бали
	1 ҳафта	2 ҳафта	3 ҳафта	4 ҳафта	5 ҳафта	6 ҳафта	7 ҳафта	8 ҳафта	9 ҳафта	10 ҳафта	11 ҳафта	12 ҳафта	13 ҳафта	14 ҳафта	15 ҳафта	16 ҳафта	17 ҳафта	18 ҳафта	19 ҳафта	20 ҳафта	21 ҳафта		
ЖБ (амалий машғулоти лар)			5		5		5		5		5		5		5		5					40	22
ОБ								15										15				30	16,5
ЯН																				30		30	16,5
ЖАМИ																						100	55

Жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш балларининг тақсимланиши

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖБ (амалий машғулоти)	20	20		40	22
ОБ (ёзма иш, тест назорати)	15	15		30	16,5
ЯН (якуний ёзма иш)			30	30	16,5
ЖАМИ:				100	55

ЖБ ни баҳолаш мезонлари

“Педагогика” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг назарий билимларни ўзлаштиришни ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлганлигини аниқлаш учун қўлланилади ва умумий рейтинг баллининг 45% ни ташкил қилади. У оғзаки савол жавоб ва амалий топшириқларни бажариш билан амалга оширилади. Ҳар бир амалий машғулотда ЖБ сўров, педагогик масалаларни ечиш, семинарлар ўтказиш каби шаклларда амалга оширилади. Талабалар ЖБ да бутун баллар қўйилади:

Талабанинг ўзлаштириш даражаси	Талабага қўйиладиган балл
Педагогика назарияси бўйича етарли назарий билимга эга. Саволларга жавоб беришда аниқ мисоллар келтира олади. Машғулотларда фаол.	5 Аъло, 86-100%
Талаба саволларга аниқ жавоб бера олади. Мисоллар келтира олади. Топшириқларни бажаришда жиддий бўлмаган хатоларга йўл қўяди. Ўз касбига қизиқади.	4 Яхши 71-85%
Топшириқларни бажаришда баъзи хатоликларга йўл қўяди. Қизиқиши суст. Таянч тушунчаларга асосланиб ўқув материали мазмун-моҳиятини баён этиб бера олади.	3 Қониқарли 55-70%

ОБ ни баҳолаш

Оралик баҳолаш “Педагогика” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалар ва малакалари аниқланади.

Фан бўйича 2 та ОН ўтказиш режалаштирилган. 1 ОН ёзма иш шаклида ўтказилади (15 балл). 2 ОН тест назорати шаклида ўтказилади (15 балл).

ЯБ ни баҳолаш

Фан бўйича ЯБ якуний ёзма шаклида ўтказилади. ЯБ га 30 балл ажратилган.

Якуний назорат ишини баҳолашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:


Баҳолаш тартиби	Баҳолаш мезонлари	Ёзма ишни баҳолаш баллари
Ҳар бир савол учун алоҳида баҳоланади	1. Жавобнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги	Ҳар бир тўғри жавоб учун 8 балл (жами 24 балл)
	2. Жавоб беришда ижодий ёндашиш, ўз фикрларини баён этиш, танқидий фикр юритиш, мисоллар келтириш, хулоса чиқариш	Ҳар бир савол учун 2 балл (Жами 6 балл)
ЖАМИ		15

Педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари

Педагогика – таълим ва тарбия жараёнини яхлитликда ўрганадиган фан соҳаси

Педагогика фанининг **объекти** – педагогик воқелик


Педагогика фанининг **предмети** – таълим-тарбия жараёни, мазмуни, қонуниятлари, шакл, метод ва воситалари



Педагогиканинг асосий категориялари



Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги



Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари

**2.1.2. “Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти”
мавзусидаги маълумотли маъруза таълим технологияси модели**

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Машғулот режаси	1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари. 2. Демократик жамиятда педагоглик касби. 3. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
қув машғулотининг мақсади	Талабаларда Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг мазмуни; педагоглик касби; ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар; Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагоглик касбига доир ғоялари ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: - Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг моҳияти ва асосий таркибий қисмлари билан таништириш; - педагоглик касбига тавсиф бериш; - ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ҳамда Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагоглик касбига доир ғоялари билан таништириш.	Ўқув фаолияти натижалари: - “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг таркибий қисмлари” деб номланган чизма-слайди ёрдамида Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини билиб оладилар; - “касб”, “мутахассис”, “педагог”, “ўқитувчи” тушунчалари билан танишадилар; - “педагог шахси модели” билан танишиш орқали педагогнинг шахсий ва касбий фазилатларини ўзлаштиришади; - Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагоглик касбига доир ғояларини ўзлаштирадилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Эркин ёзиш” интерфаол методи, “Кластер” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти” мавзусидаги
маълумотли маърузанинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (10 минут)	1.1. Талабаларга беш минут вақт мобайнида кадрлар тайёрлаш миллий моделига доир эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова).	Ўз дафтарларига эркин равишда жамиятнинг сиёсий тизимига доир фикрларини ёзишади.
	1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади.	Ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашишади.
	1.3. Мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхати билан таништиради (2-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	2.1. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг моҳияти ва асосий таркибий қисмлари билан таништиради (3-илова).	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
	2.2. Педагоглик касби билан боғлиқ тушунчаларга таъриф беради (4-илова).	
	2.3. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ҳамда Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагоглик касбига доир ғоялари билан таништиради (5-илова).	
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг педагог шахси ва унга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида “Кластер” график органайзерини тақдим этади (6-илова).	“Кластер” график органайзерини гуруҳларда тўлдиришади.
	3.2. “Кластер” график органайзерини намойиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.	Ўз фикрларини бойитади
	3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	Ўз тасаввурларини қўшимча маълумотлар билан бойитади

“Эркин ёзиш”

Ўқитувчи талабаларга беш минут вақт давомида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақида билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талабалар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабаларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

2-илова

Мавзу: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Педагоглик касбининг жамиятдаги ўрни


Режа:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари.
2. Демократик жамиятда педагоглик касби.
3. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.31-61.
3. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
4. Тохтаходжаева М., Нишонова С., Ҳасанбоев Ж., Мадьярова С., Кальдыбекова А ва бош. Педагогика. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.
5. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
6. Очилов.М. Муаллим – қалб меъмори. – Т.: Ўқитувчи, 2001.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг моҳияти ва таркибий тузилмаси



Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари

1. **Шахс** – узлуксиз таълим жараёнининг объекти, субъекти, истеъмолчиси ва амалга оширувчиси.


2. **Давлат ва жамият** кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилидир.

3. **Узлуксиз таълим** – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

4. **Фан** юқори малакали мутахассисни тайёрлайди ва улардан фойдаланади, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқади.

5. **Ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик



4-илова

“Касб”, “мутахассислик” ва “педагог” тушунчалари

Касб – шахсга қўйиладиган маъулм бир талаблар билан тавсифланувчи меҳнат фаолиятининг алоҳида тури.

Мутахассислик – бирор касб доирасидаги, таълим натижасида эгалланган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисини тавсиф этувчи ҳамда уларнинг қўйилиши ва ўзлаштираётган малакасига мувофиқ муайян касбий-педагогик вазифаларни ҳал этилишини таъминловчи фаолият тури.

Педагог – таълимий фаолиятнинг хилма-хил турлари билан шуғулланувчи шахсга нисбатан қўлланиладиган умумий тушунча.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ШАХСИ МОДЕЛИ



Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий ҳамда Абу Райҳон Бериунийлар ўқитувчининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишларига алоҳида аҳамият қаратадилар. Уларнинг фикрларича, яхши ўқитувчи бошқалардан шу жиҳати билан фарқ қилади: ўзи эга бўлган билимларни ёшларга беминнат ўргатади, ҳар бир ишда уларга намуна бўла олади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида ўқитувчи болаларга таълим беришдек масъулиятли бурчни бажариши зарурлигини уқтирар экан, уларга фаолиятда муваффақиятга эришиш гарови бўлган қуйидаги тавсияларни беради: болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш; берилаётган билимнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишига эътиборни қаратиш; таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш; талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши; фанга кизиқтира олиши; берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши; билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш; ҳар бир сўзнинг боалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Алишер Навоий ўз даврининг айрим мактабдорлари эга бўлган сифатлар, хусусан, қаттиққўллик, таъмагирлик ва жоҳилликларни қоралар экан, ўқитувчининг маънавий қиёфасига нисбатан жиддий талабларни қўяди. Хусусан, “мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса. ... Ярамасликлардан қўркса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фикс ишларни мумкин, балки ҳалол қилса, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир”.


Айни ўринда ўқитувчи меҳнатининг машаққатли эканлигини таъкидлаб ўтади: “Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин.

Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундай кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) куллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

**“Педагог” мавзусидаги кластер гарафик органайзерини тузиш учун
намуна**



2.1.3. “Шахс – тарбия объекти ва субъекти сифатида” мавзусидаги муаммоли маърузанинг технологик модели

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Муаммоли маъруза
Машғулот режаси:	1. Шахс ҳақида умумий тушунча. 2. Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар. 3. Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашувига доир билимларини таркиб топтириш
Педагогик вазифалар: 1) муаммоли савол, масала ва вазиятларни ўқув бирлигига мувофиқ равишда тақдим этиш; 2) муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 3) “индивид”, “инсон”, “шахс” тушунчаларининг фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиш; 4) шахснинг ривожланиши билан боғлиқ назарияларнинг моҳиятини тушунтириб бериш; 5) шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни тавсифлаш; 6) ривожланиш ёш давларини таснифлаш ва ўзига хосликларини очиб бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1) муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади; 2) шахснинг ривожланиши билан боғлиқ назарияларнинг моҳиятини англаб оладилар; 3) шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни билиб оладилар; 4) билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш мезонларини билиб оладилар; 5) “индивид”, “инсон”, “шахс” тушунчаларининг фарқли жиҳатларини англаб олишади; 6) шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни қиёслайдилар; 7) ирсият (гендер хусусиятлар), муҳит ва таълим-тарбиянинг шахс ривожланишига таъсирига доир хулосаларга келадилар; 8) ривожланиш ёш давлари таснифини ўрганадилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

“Шахс – тарбия объекти ва субъекти сифатида” мавзусидаги муаммоли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотида кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	1.1. Мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади (1-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)	2.1. Талабалар эътиборига биринчи масалага доир муаммоли савол, вазифа ва топшириқни тақдим этади (2-илова).	Муаммоли савол, вазифа ва топшириқни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиради ва бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасаввурларини бойитади. Тинглайдилар, мунозараларда иштирок этадилар.
	2.2. Талабаларни муаммоли савол, вазифа ва топшириқни ечишга даъват этади.	
	2.3. Муаммоли савол, вазифа ва топшириқни ҳал этиш орқали биринчи ўқув бирлигини баён этади.	
	2.4. Талабаларга режадаги иккинчи масалага доир муаммоли савол, вазифа ва топшириқ билан мурожаат этади (3-илова).	
	2.5. Муаммоли савол, вазифа ва топшириқни ҳал этилиши асосида иккинчи ўқув бирлиги мазмунини очиб беради.	
	2.6. Талабаларга режадаги учинчи масалага доир муаммоли савол ва вазифани тақдим этади (4-илова).	
	2.7. Муаммоли савол ва вазифани ҳал этилиши асосида учинчи ўқув бирлигини баён этади.	
	2.8. Мавзу юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	
3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (25 минут)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосаларни шакллантиради.	“Беш минутлик эссе” ёзишади. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.
	3.2. Талабаларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазалирини билиш мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади (5-илова).	
	3.2. “Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.	
	3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	

Мавзу: Шахс тарбия объекти ва субъекти сифатида

Режа:

1. Шахс ҳақида тушунча
2. Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. Подласый И. П. Педагогика. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2003.
3. Лихачев Б. Т. Педагогика. - М.: Юрайт, 2003.
4. Сластенин В.А., Исаев И. Ф., Шиянов Е. Н. Общая педагогика. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2003.
5. Тохтаходжаева М., Нишонова С., Ҳасанбоев Ж., Мадьярова С., Кальдыбекова А ва бош. Педагогика. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.

1-ўқув бирлигига доир муаммоли савол, вазифа ва топшириқлар

1. Муаммоли савол. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега қарға ўртача 200-300 йил яшайди. Лекин унинг болалиги узоғи билан беш-олти ой давом этади. Инсон ўртача 60-70 йил умр кўради. Бироқ у 20-25 ёшларида мустақил ҳаёт бошлайди. Мазкур ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

2. Муаммоли вазифа. Қуйида келтирилган жумлаларни ўқинг ва жумлага мос келадиган бир сўз билан ифодаланадиган жавобни топинг.

1) ўзи истамаган ҳолда бировга ёмонлик қилиб қўйса ҳам, мазкур ишидан афсусланади, виждон азобида қийналади –

2) индивидлар ичида бир тур –

3) жамиятда ўз ўрнига эга, ижтимоий аҳамиятга эга мақсад йўлида бир ёки бир нечта кишини ўз орқасидан эргаштира олади –

3. Муаммоли топшириқ. Қуйида келтирилган атамалар иерархиясига эътибор қаратинг ва уларнинг жойлашиш тартибига ўз муносабатингизни билдиринг.

- 1) ривожланиш;
- 2) шаклланиш;
- 3) тарбия;
- 4) ўз-ўзини тарбиялаш;
- 5) ўз-ўзини такомиллаштириш.

2-ўқув бирлигига доир муаммоли савол, вазифа ва топшириқлар

1. Муаммоли савол. Қуйидаги фикрларга қўшиласизми?

- “Агар болалар мунтазам танқид қилинса, алдашга ўрганади”;
- “Агар болалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинса, дунёни гўзал кўришга ўрганади”;
- “Агар болаларга ҳурмат билан муносабатда бўлинса, улар олийжаноб ва сахий бўлишни ўрганишади”.

2. Муаммоли вазифа. Қуйидаги фикрлар билан танишинг, уларда шахс ривож масаласи қайси нуқтаи назардан ўрганилаётганлигини тушунтиринг.


1) инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-ҳаракатлари туғма инстинкт ва эҳтиёжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунушга мажбур, шу билан бирга табиий эҳтиёжларини ҳам намоён қилиб боради;

2) инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётий фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашади;

3) инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги – қизиқишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади;

4) шахс яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат унинг фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт натижалари – мотив, мақсад, қизиқиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

2. Муаммоли топшириқ. “Шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар” чизмасини тугалланг.



3-ўқув бирлигига доир муаммоли савол ва вазифа

1. Муаммоли савол. Нега айнан шахснинг ривожланиш жараёнини даврлаштиришда унинг ёши асос қилиб олинади? Нима учун шахснинг

ривожланиш ёш давларини таснифлашда турли фанлар билан боғлиқликда хилма-хиллик кўзга ташланади?

2. Муаммоли вазифа. Ўзингизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлингизни кўз олдингизга келтиринг ва қуйидаги чизмага асосланиб, ривожланиш босқичларингизни даврлаштиринг.

Ёш даврининг номланиши	Ётакчи фаолият	Билиш фаолияти объекти	Ёш даврининг янги хусусияти

5-илова

“Беш минутлик эссе”.

Ёзма топшириқнинг ушбу турида талабалардан қуйидаги икки топшириқни бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш ва улар барибир жавобини ололмаган битта савол бериш сўралади.

2.1.4. Маълумотли маъруза таълим технологияси
Мавзу: Ягона педагогик жараён.
Маълумотли маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Машғулот мавзусига кириш. 2. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. 3. Маъруза матнини тарқатиш. 4. Тақдимот технологияси асосида маърузани тақдим этиш. 5. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш. 6. Мавзуни якунлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда ягона педагогик жараён ва унинг ўзига хосликлари; ягона педагогик жараённинг тузилиши; ягона педагогик жараённинг қонуният ва тамойиллари ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> - педагогик жараённи яхлит ҳодиса сифатида тушунишнинг тарихий асослари билан таништириш; - “ягона педагогик жараён” тушунчаси моҳиятини тушунтириб бериш; - ягона педагогик жараённинг тузилишини асослаб бериш; - ягона педагогик жараённинг қонуният ва тамойилларини очиб бериш. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> - педагогик жараённи яхлит ҳодиса сифатида тушунишнинг тарихий асосларини билиб оладилар; - “ягона педагогик жараён” тушунчаси моҳиятини англайдилар; - ягона педагогик жараённинг тузилишини ўрганишади; - ягона педагогик жараённинг қонуният ва тамойилларини ўзлаштирадилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Тоифалаш жадвали” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

Маълумотли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради. 1.2. Мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади.	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади. 2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг ягона педагогик жараён ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Тоифалаш жадвали” график органайзерини тақдим этади. 3.2. “Тоифалаш жадвали” график органайзерини намойиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	“Тоифалаш жадвали” график органайзерини гуруҳларда тўлдиришади. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқни ёзиб олишади.

Мавзунинг таянч тушунчалари

1. Жараён – белгиланган натижага эришишга йўналтирилган ҳаракатлар кетма-кетлиги.

2. Яхлитлик – объектнинг ички бирлиги, объект қисмлари орасидаги тартибланган алоқа ва боғланишларнинг мавжудлиги.

3. Педагогик жараён – бу таълимий ва ривожлантирувчи вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳаракати давомида ривожланувчи махсус ташкил этилган фаолият.

4. Тизим – ташқи муҳит билан боғлиқликда янги интеграллашган хусусиятга эга мақсадли йўналтирилган ўзаро алоқадор элементлар мажмуи.

5. Педагогик тизим – шахсни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён иштирокчиларининг атроф-муҳит, ўз-ўзи билан ҳамкорлиги асосида ўзаро ҳаракатланувчи ижтимоий шартланган яхлитлик.

6. Педагогик қарашлар – яхлит ва мустақил концепция тарзида мураккаблашмаган, бироқ таълим назарияси ва амалиётининг маълум даврдаги ривожланиш тенденциясини акс эттирувчи ғоялар.

7. Педагогик назария – аниқ педагогик концепция ва унинг реал педагогик амалиётда қўлланилишини ёритиб берувчи кенг доирадаги тушунча.


ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН


Кўплаб жараёнларнинг ички алоқадорлиги йиғиндисидир. Унда ўқитиш, таълим, тарбия, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари бирлашади.

Педагогик жараён катталарнинг педагогик фаолияти ва тарбиячиларнинг бошқарувчилик роли туфайли фаол ҳаётий фаолият натижасида боланинг ўзини-ўзи ўзгартиришининг мақсадга йўналтирилган мазмундор, ташкилий ҳаракатидир.

Ўқув-тарбия жараёнининг асосий хусусияти – ягоналик, ундаги барча таркибий қисмларни сақлаб қолиш зарурияти.

Яхлитлик асосига таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлаш педагогик жараённинг моҳиятини ташкил этади.





**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ МУРАККАБ ИЧКИ
МУНОСАБАТЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДА НАМОЁН
БЎЛАДИ:**

**УНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ЖАРАЁНЛАРНИНГ
БИРЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ**

**УНДАГИ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЯХЛИТЛИГИ ВА ТЕНГ
ҲУҚУҚЛИЛИГИ**

**УМУМИЙ МАВЖУДЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИКНИ
САҚЛАШ**

ЯГОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ТУЗИЛИШИ

ЯГОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

АНИҚ МАҚСАДЛИ ТАРКИБИЙ ҚИСМ ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТНИНГ БАРЧА КЎП ОБРАЗЛИ МАҚСАД ВА
ВАЗИФАЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ

МАЗМУНЛИ ТАРКИБИЙ ҚИСМ УМУМИЙ МАҚСАД БИЛАН
БИРГА , ХУДДИ ШУНДАЙ АНИҚ ВАЗИФАНИ ҚЎЯДИГАН
МАЪНОНИ АКС ЭТТИРАДИ.

ФАОЛИЯТЛИ ТАРКИБИЙ ҚИСМ – ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ
ЭТИШВА БОШҚАРИШДА ПЕДАГОГЛАР ВА
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ

ЖАРАЁННИНГ НАТИЖАЛИ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ УНИ
АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ АКС ЭТТИРАДИ

Педагогик жараённинг қонуниятлари		
И. П. Подласый таснифи бўйича:	М. Коджаспиров таснифи бўйича:	А.С.Калдыбекова таснифи бўйича:
<p>✓ Тарбия ва ижтимоий тизимларнинг алоқадорлиги: аниқ тарихий шароитлардаги тарбия характери жамиятнинг эҳтиёжлари, иқтисодий, миллий-маданий ўзига хосликлари билан аниқланади.</p> <p>✓ Таълим ва тарбия орасидаги: бу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг кўптомонлама ўзаро таъсирини, бирлигини белгилаб берувчи алоқадорлик.</p> <p>✓ Тарбия ва фаолиятнинг алоқадорлиги: тарбиялаш – фаолиятнинг турли турларига тарбияланувчиларни жалб этиш демакдир.</p> <p>✓ Тарбия ва шахс фаоллигининг алоқадорлиги: агар унинг объекти(шахс) бир пайтнинг ўзида субъекти сифатида акс этса, тарбия муваффақиятли амалга ошади, яъни шахс ўзининг фаол хулқ-атворини, шахсий эркинлигини, мустақиллигини, фаолиятдаги эҳтиёжини намоён этади.</p> <p>✓ Тарбия ва мулоқотнинг алоқадорлиги: тарбия жараёни ҳар доим одамлар – ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳаракатида кечади.</p> <p>✓ Бола тарбияси муваффақияти тўғридан-тўғри шахслараро алоқаларнинг интенсивлиги ва бойлигига боғлиқ бўлади.</p> <p>✓ Педагогик жараённинг динамик қонунияти – таълим олувчининг кейинги барча муваффақиятларининг қиммати унинг дастлабки босқичлардаги муваффақиятига боғлиқ бўлади.</p> <p>✓ Педагогик жараёнда шахснинг ривожланиши қонунияти – шахс ривож даражаси ва суръати:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ирсият; • тарбия ва ўқув муҳити; • педагогик таъсир этиш усул ва воситаларининг қўлланишига боғлиқ бўлади. 	<p>✓ Ижтимоий шарт-шароитлар билан шартланганлик қонунияти: таълим ва тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитларга боғлиқлиги.</p> <p>✓ Инсон табиати билан боғланганлик қонунияти:</p> <ul style="list-style-type: none"> • шахсни шакллантиришда мулоқот ва фаолиятнинг ҳал қилувчилик роли; • таълим ва тарбиянинг таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал ўзига хосликларига боғлиқлиги. <p>✓ Тарбивий жараён моҳиятининг шартланганлик қонунияти:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тарбия, ўқитиш, маълумот ва шахс ривож жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги; • ўқув-тарбиявий жараёнда шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқаси. 	<p>✓ Таълим ва тарбия жамиятнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда амалга ошади.</p> <p>✓ Тарбия, ўқитиш, маълумот ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги қонунияти.</p> <p>✓ Тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг бирлиги қонунияти.</p> <p>✓ Таълим ва тарбия жараёнида мулоқотнинг ҳал қилувчилик роли қонунияти.</p> <p>✓ Педагогик жараёнда таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.</p> <p>✓ Педагогик жараёнда жамоа ва шахснинг ўзаро алоқадорлик қонунияти.</p> <p>✓ Педагогик жараён вазифалари, шакллари, методларининг ўзаро алоқадорлик қонунияти.</p>

<p>✓ Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш қонунияти – педагогик таъсирнинг самарадорлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • таълим олувчилар ва педагоглар орасидаги қайта алоқаларнинг интенсивлиги; • таълим олувчиларга кўрсатиладиган коррекцияли таъсирларнинг асосланганлиги ҳамда характери, қимматига боғлиқ бўлади. <p>✓ Педагогик жараёнда ҳиссиёт, мантиқийлик ва амалиётнинг бирлиги қонунияти – ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳиссий идрокнинг сифати ва интенсивлиги; • идрок этилганнинг мантиқий англаниши; • англанишнинг амалий қўлланилишига боғлиқ бўлади. <p>✓ Ташқи(педагогик) ва ички(билиш) фаолиятнинг бирлиги қонунияти – педагогик жараённинг самарадорлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • педагогик фаолиятнинг сифати; • тарбияланувчиларнинг шахсий ўқув-тарбиявий фаолиятининг сифатини шарт қилиб қўяди. 		
---	--	--

Педагогик жараённинг тамойиллари	
Ю.К.Бабанский таснифи бўйича:	Б.Т.Лихачев таснифи бўйича:
<ul style="list-style-type: none"> ✓ педагогик жараённинг мақсадга йўналтирилганлиги; ✓ таълим ва тарбия мазмунининг илмийлиги; ✓ таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, тушунарлилик; ✓ тизимлилик ва кетма-кетлик; ✓ онглилик, фаоллик, ташаббускорлик, таълим олувчиларнинг ижодкорлиги; ✓ таълим ва тарбиянинг ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати билан алоқаси; ✓ таълим ва тарбиянинг жамоавий характери; ✓ кўргазмалилик; ✓ онгли талабчанлик билан биргаликда таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш; ✓ таълим ва тарбиянинг қўлай метод, шакл ва воситаларини танлаб олиш; ✓ сабабийлик, онглилик ҳамда таълим, тарбия ва ривожланишининг амалий натижалари; ✓ тарбияга комплекс ёндашув. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ўқув-тарбия жараёнининг ижтимоий-қадриятли мақсадга йўналганлиги; ✓ таълим олувчилар фаолиятининг турли турларининг ўзаро ҳаракатини ташкил этишга комплекс ёндашувни амалга оширилиши; ✓ бутун ўқув-тарбиявий ишларнинг ҳаёт билан боғлиқлиги; ✓ таълим ва тарбия жараёнида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш, жамоада таълим ва тарбия; ✓ таълим олувчиларга талабчанлик ва ҳурматнинг бирлиги; ✓ таълим олувчилар ҳаётига раҳбарлик қилишда уларнинг ташаббускорликларини ҳисобга олиш; ✓ барча таълим олувчилар ҳаётини эстетизациялаш; ✓ таълим ва тарбиянинг бошқарувчилик роли; ✓ таълим олувчиларнинг билиш, меҳнат ва бошқа фаолиятларини рағбатлантиришни ҳисобга олиш, уларда ишга бевосита қизиқиш уйғотиш орқали ахлоқий-иродавий кучини фаоллаштириш; ✓ таълим олувчиларда барча турдаги фикрлашни ривожланишини ҳисобга олиш, кетма-кетлик ва тизимлилик; ✓ кўргазмалилик; ✓ тушунарлилик; ✓ сабабийлик.

“Ягона педагогик жараён” мавзусига доир тоифалаш жадвали

“Ягона педагогик жараён” тушунчаси тавсифи	Ягона педагогик жараённинг тузилиши ва таркибий қисмлари	Ягона педагогик жараённинг қонуниятлари	Ягона педагогик жараённинг тамойиллари

2.1.5. “Дидактика – таълим назарияси” мавзусидаги визуал маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Машғулот режаси	<p>1.Таълим назарияси (дидактика) педагогиканинг таркибий қисми сифатида.</p> <p>2. Дидактиканинг объекти, предмети, вазифа ва функциялари.</p> <p>3. Дидактиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.</p> <p>4. Дидактиканинг асосий категориялари.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда таълим назарияси сифатида дидактика ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: - “дидактика” тушунчаси, унинг объекти ва предмети билан таништириш; - дидактиканинг функцияларини шарҳлаш; - дидактиканинг асосий категориялари моҳиятини тушунтириб бериш; - дидактиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини очиб бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: - “дидактика” тушунчаси, унинг объекти ва предмети билиб олишади; - дидактиканинг функцияларини ўрганишади; - дидактиканинг асосий категориялари билан танишадилар; - дидактиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ҳақида маълумотга эга бўладилар..
Таълим методи	Визуал-маъруза, тушунтириш, чалкаштирилган атамалар, “Кластер” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация, визуал материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Дидактика – таълим назарияси” мавзусидаги визуал маърузанинг
технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради (1-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
	1.2. Мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади (2-илова).	Режадаги масалалар билан танишадилар ва адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар
	1.3. Тартибланмаган ҳолатдаги мавзуга доир асосий тушунчаларни тақдим этади (3-илова) ва талабалардан уларни тўғри кетма-кетликда жойлаш-тиришни сўрайди.	Мавзуга доир асосий тушунчаларни мантиқий кетма-кетликда жойлаштиришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	2.1. “Дидактика” тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ёритиб беради (4-илова).	“Дидактика” тушунчасининг маъносини ва мазкур тушунчани фанга ким киритганини билиб оладилар.
	2.2. Дидактиканинг объекти, предмети, вазифа ва функциялари билан таништиради (5-илова).	Дидактиканинг объекти, предмети, вазифа ва функцияларини билиб оладилар.
	2.3. Дидактиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини кўрсатиб беради (6-илова).	Дидактиканинг методика, тиббиёт, сиёсатшунослик, фалсафа, этнология, педагогик психология билан ўзаро алоқадорликда ўрганлиши ҳақида маълумотга эга бўўладилар.
	2.4. Дидактиканинг асосий категорияларини баён этади (7-илова).	Дидактиканинг асосий категориялари билан танишадилар ва ўзлаштирадилар.
3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг дидактика ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Кластер” график органиайзерини тақдим этади (8-илова).	“Кластер” график органиайзерини гуруҳларда тўлдиришади.
	3.2. “Кластер” график органиайзерини намоиш эттириш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.	Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.
	3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	Топшириқни ёзиб олишади.

Мавзу: Дидактика – таълим назарияси

Мақсад: дидактика педагогик таълим назарияси сифатида ўзининг объекти, предмети, вазифалари ва асосий категорияларига эга эканлигини билиб олиш.

Кутиладиган натижа: “дидактика” тушунчаси, унинг объекти ва предмети, вазифа ва функциялари, дидактиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, дидактиканинг асосий категорияларини ўзлаштириш.

2-илова

Режа:

1. Таълим назарияси (дидактика) педагогиканинг таркибий қисми сифатида.
2. Дидактиканинг объекти, предмети, вазифа ва функциялари.
3. Дидактиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
4. Дидактиканинг асосий категориялари.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Педагогика. /А.Қ.Мунаваров таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 62-63 бетлар.
2. Ҳасанбоев Ж. ва б., Педагогика – Т.: Фан, 2006. – 167-171 бетлар.
4. Тохтаходжаева М. Ва б., Педагогика. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008.
5. Подласый И.П. Педагогика. В 2-х книгах. 1-часть. М.: ВЛАДОС, 1999. – ст. 29-316.
6. Современный словарь по педагогике. Сост. Рапоцевич Е.С. М.: Современное слово, 2001. – ст. 181-184.

3-илова

Мавзуга доир асосий тушунчалар

Қуйидаги мавзуга доир асосий тушунчалар билан танишинг ва уларни тўғри кетма-кетликда жойлаштиринг.

- () Дидактиканинг асосий категориялари.
- () Дидактиканинг объект ва предмети.
- () Дидактика педагогик тизим сифатида.
- () Дидактиканинг вазифа ва функциялари.
- () Дидактиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
- () Дидактиканинг тушунчалар тизими

Мавзуга доир асосий тушунчалар (тўғри жавоблар)

1. Дидактика педагогик назария сифатида.
2. Дидактиканинг объект ва предмети.
3. Дидактиканинг вазифа ва функциялари.
4. Дидактиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
5. Дидактиканинг тушунчалар тизими.

4-илова

Дидактика (от греч. *didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

➡ “**Дидактика**” атамаси илк бор немис педагоги **Вольфганг Ратке** томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 г.) деб номланган маърузасида қўлланилган

➡ Дидактика илмий билимлар тизими сифатида биринчи маротаба чех педагоги **Ян Амос Коменский**нинг “Буюк дидактика” (1657 й.) асарида очиб берилган.

5-илова

Дидактиканинг объекти – ўсиб келаётган авлодга ижтимоий тажрибаларни, миллий ва жаҳон маданиятини узатишга йўналтирилган фаолиятнинг асосий тури ҳисобланган таълим беришдир.

Дидактиканинг предмети сифатида ўргатиш (ўқитувчи фаолияти) ва ўрганиш (ўқувчиларнинг билиш фаолияти), уларнинг ўзаро ҳаракати акс этади.


Дидактиканинг вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:
- таълим жараёни ва уни амалга ошириш шарт-шароитларини баён этиш ва

тушунтириш;

- янги таълим тизими, таълимнинг янги технологияларини, такомиллашган шакллари ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнига таъсир этувчи омиллар, таълим қонуният ва тамойилларини таҳлил этиш ва изоҳлаш.



6-илова




Дидактиканинг тушунчалар тизими ўз ичига фалсафий, умумназарий ва хусусий-назарий тушунчаларни қамраб олади.

Фалсафий категориялар – “умумийлик ва алоҳидалик”, “моҳият ва ҳодиса”, карама-қаршилик, алоқадорлик ва бошқалар.

Умумназарий тушунчалар – “тизим”, “тузилиш”, “функция”, “элемент” ва б.

Ўзаро яқин фанларга доир тушунчалар: “идрок этиш”, “ўзлаштириш”, “кўникма”, “ривожланиш”, “бошқариш”, “қайта алоқа”.





2.1.5. “Таълим жараёни – яхлит тизим сифатида. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари ” мавзусидаги маълумотли маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим тушунчаси ва моҳияти. 2. Таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифи. 3. Таълим функциялари. 4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятлари. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва тузилиши. 5. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти. 6. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши. 7. Таълим қонуниятлари ва тамойилларининг шаклланиш тарихи. 8. Таълим қонуниятлари. 9. Таълим тамойиллари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда таълим жараёни яхлит тизим эканлиги ҳақидаги яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: <ol style="list-style-type: none"> 1. Таълим тушунчаси ва унинг моҳиятини баён этиш. 2. Таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифини тушунтириш. 3. Таълим функциялари ҳақида маълумот бериш . 4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятларини ёритиб бериш. 5. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилишини кўрсатиб бериш 6. Таълим қонуниятлари ва тамойилларини ёритиб бериш. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> - таълим тушунчаси ва унинг моҳиятини билиб олади; - таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифини англаб олади; - таълимнинг таълим бериш, тарбияловчи ва ривожлантирувчи функциялари ҳақида маълумотга эга бўлади; - ўқитувчининг бошқарувчилик фаолияти ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг таркибий қисмларини билиб олади. - билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилишини ўзлаштиради; - таълим қонуниятлари ва тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўлади.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация, визуал материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

“Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари” мавзусидаги визуал маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади (1-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	1. Таълим тушунчаси ва унинг моҳиятини баён этиш (2-илова).	“Таълим” ва “таълим жараёни” тушунчаларининг ўзаро фарқини билиб оладилар
	2. Таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифини тушунтириш (3-илова).	Таълим жараёни таълим мақсади, таълим натижаси, ўқитувчи фаолияти ва ўқувчи фаолияти, ўқув материали мазмуни, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари каби таркибий қисмлар йиғиндиси эканлиги ҳақида маълумотга эга бўладилар
	3. Таълим функциялари ҳақида маълумот бериш (4-илова) .	Таълимнинг таълим бериш, тарбияловчи ва ривожлантирувчи функциялари моҳиятини идрок этадилар
	4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятларини ёритиб бериш (5-илова).	Ўқитувчининг бошқарувчилик фаолияти таркибий қисмлари (режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш) ҳамда ўқувчиларнинг билим олиш фаолияти ҳақида маълумотга эга бўладилар
	5. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилишини кўрсатиб бериш (6-илова)	Билимларни ўзлаштириш жараёнинг звенолари (идрок этиш, англаш, билимларни мустаҳкамлаш ва амалиётда қўллаш)ни ўзлаштирадилар
	6. Таълим қонуниятлари ва тамойилларини ёритиб бериш (7-илова).	Таълимнинг умумий қонуниятлари ҳамда таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойиллари ҳақида тасаввурга эга бўлишади

3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг слайд-презентация материаллари билан қайта танишиб чиқишларини ташкил этади.	Слайд-презентация материаллари билан танишиб чиқадилар
	3.2. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.	Топшириқни ёзиб олишади.

Мавзу: Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари

Режа:

1. Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим тушунчаси ва моҳияти.
2. Таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифи.
3. Таълим функциялари.
4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятлари. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва тузилиши.
5. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти.
6. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши.
7. Таълим қонуниятлари ва тамойилларининг шаклланиш тарихи.
8. Таълим қонуниятлари.
9. Таълим тамойиллари.

Адабиётлар:

1. Педагогика. /А.Қ.Мунаваров таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Ҳасанбоев Ж. ва б., Педагогика – Т.: Фан, 2006.
3. Тохтаходжаева М. Ва б., Педагогика. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008.
4. Подласый И.П. Педагогика. В 2-х книгах. 1-часть. М.: ВЛАДОС, 1999.
5. Калдибекова А,С., Ходжаев Б.Х. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари. Т.: ТДПУ, 2006.

Таълим ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш, уларда амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган жараёндир.

Таълим ва таълим жараёни (дидактик жараён) синоним тушунчалар эмас. Жараён бу яхлит педагогик ходиса, педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида таълим тизимининг муайян ҳолатини ўзгартириш ҳисобланади. Жараён моҳиятини В.П.Беспалько томонидан таклиф этилган қуйидаги формула асосида тўлақонли англаш мумкин:

$$ДЖ=М+Ўф+Б$$


Бу ерда:

ДЖ – дидактик жараён;

М – ўқувчиларнинг ўқиш (таълим олиш) мотивацияси;

Ўф –ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти;

Б –ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш.



Таълим жараёнининг тузилиши модели

“Функция” тушунчаси “таълим вазифалари” тушунчасига яқиндир. Таълим функцияси таълим жараёни моҳиятини ифода этади, вазифаси эса таълимнинг компонентларидан бири ҳисобланади.

Дидактика таълим жараёнининг қуйидаги учта функциясини ажратиб кўрсатади: таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш.

Таълим бериш функцияси таълим жараёнининг ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Таълим натижаси сифатида билимларининг тўлалиги, чуқурлиги, тизимлилиги, англашганлиги, мустаҳкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди.

Таълимнинг ривожлантирувчи функцияси таълим жараёнида, билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчининг ривожланиши содир бўлишини кўрсатади. Ривожланиш қуйидаги йўналишларда содир бўлади: нутқи ривожланиши, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий ва эҳтиёж-сабабли соҳалари ривожланади. Тўғри ташкил этилган таълим шахсни ҳар доим ривожлантиради, лекин ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий ҳар томонлама ривожланишига қаратилган махсус ўзаро муносабатларида ривожлантириш функцияси янада самаралироқдир.

Таълимнинг тарбияловчилик хусусияти турли ижтимоий тузум ҳамда шароитда ҳам яққол намоён бўлади. Тарбиялаш функцияси таълим мазмуни, шакли ва методларининг моҳияти билан белгиланади ва ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ташкил этиш жараёнида етакчи ўрин тутади.

Таълим муассасаси (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари)да, ташкил этилувчи таълим жараёнида ўқувчининг фаолияти ўқитувчи раҳбарлиги остида кечади. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ўқувчиларнинг ижтимоий борлиқни онгли ва фаол идрок этишга йўналтирилган фаолиятларини бошқаришдан иборатдир.


Таълим жараёнини бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) режалаштириш;
- 2) ташкил этиш;
- 3) бошқариш (рағбатлантириш);
- 4) назорат;
- 5) натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти:

1. Билим олиш.
2. Ўқув ҳаракатлари.
3. Идрок этиш ва англаб етиш.
4. Ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш ва таҳлил этиш.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши



Таълимнинг умумий қонуниятлари

1. Таълим мақсади жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси, жамиятнинг талаблари ва имкониятлари ҳамда педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари даражаси боғлиқ.
2. Таълим мазмуни таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати, ўқувчиларнинг ёш имкониятлари, таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси, шунингдек, ўқув юртининг моддий-техник ва иқтисодий имкониятлари боғлиқ.
3. Таълим сифати (самарадорлиги) аввалги босқич маҳсулдорлиги ва мазкур босқичда эришилган натижалар, ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми, ўқувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш ҳамда ўқувчиларнинг билим олишга қобилиятлари ва таълим вақтига боғлиқ.
4. Таълим методлари самарадорлиги методларни қўллашда билимлари ва кўникмалари, таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари, моддий-техник таъминот ҳамда ўқув жараёнини ташкил этишга боғлиқ.
5. Таълимни бошқариш маҳсулдорлиги таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва тузатиш, таъсир кўрсатишларнинг асосланганлигига боғлиқ.
6. Таълимни рағбатлантириш самарадорлиги таълимнинг ички рағбатлари (сабаблари) ҳамда ташқи (ижтимоий, иқтисодий, педагогик) рағбатларига боғлиқ.

Таълимнинг мазмунли тамойиллари

- фуқаролик;
- илмийлиги;
- тарбияловчи таълим;
- фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги (таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- табиат билан уйғунлиги;
- маданият билан уйғунлиги;
- инсонпарварлиги.

Таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари

- таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- таълимда кўргазмалилик;
- таълимнинг самарадорлиги ва ишончлилиги (мустаҳкамлиги);
- таълимнинг тушунарлилиги;
- гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги;
- таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- оқилona талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлилиги;
- педагогик ҳамкорлик.

2.1.6. “Таълим методлари ва воситалари” мавзусидаги маълумотли маъруза таълим технологияси модели

Маърузага ажратилган вақт – 3 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. “Метод”, “таълим методлари” ва “таълим усуллари” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти. 2. Замонавий дидактикада таълим метод-ларини таснифлашга доир ёндашувлар. 3. Таълим методларининг функциялари. 4. Таълим методларини танлаб олиш шартлари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда “таълим методлари”, “таълим учуллари”, таълим метод ва воситаларининг функциялари ҳамда таснифи ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: - “метод”, “усул”, “восита” тушунчалари билан таништириш; - таълим методларининг функцияларини ёритиб бериш; - таълим методлари таснифини тавсифлаш; - таълим методларини танлаб олиш шартларини ёритиб бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: - “метод”, “усул” тушунчаларининг таърифини билиб олишади; - таълим методларининг функцияларини ўрганишади; - таълим методлари таснифи билан танишадилар; - таълим методларига доир таснифларни такқослайдилар ва хулосалар чиқаришади; - таълим методларини танлаб олиш шартларини ўзлаштирадилар.
Таълим методи	“Ўйланг/жуфтликларда муҳокама қилинг” интерфаол методи, визуал-маъруза, тушунтириш, видеометод, “Концептуал жадвал” график органайзери
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, гуруҳли, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация, визуал материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Таълим методлари ва воситалари” мавзусидаги маълумотли
маърузанинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	1.1. Талабаларни мавзунинг номланиши, мавзу режасидаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тақдим этади (1-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
	1.3. “Ўйланг/жуфтликларда муҳокама қилинг” методи асосида талабаларни фаоллаштиради (2-илова).	Саволга жавоб беришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	2.1. “Метод”, “таълим методи”, “усул”, “восита” тушунчаларини изоҳлайди (3-илова).	Тинглайдилар ва мавзунинг энг муҳим жиҳатларини ўз дафтарларига қайд этишади.
	2.2. Таълим методларининг функцияларини тушунтириб беради (4-илова).	
	2.3. Таълим методларига доир турли хил таснифларни кўрсатиб беради (5-илова).	
	2.4. Таълим методларини танлаб олиш шартлари ҳақида маълумот беради (6-илова)	
3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг таълим методлари ва воситалари ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Концептуал жадвал” график организаторини тўлдиришни таклиф этади (7-илова).	“Концептуал жадвал”ни жуфтликларда тўлдиришади
	3.2. “Концептуал жадвал” асосида шакллантирилган таълим методларининг мазмуни, функциялари, белгилари ва қоидалари бўйича муҳокамани ташкил этади (7-илова).	Ўз фикрларини баён этишади ва бошқаларники билан таққослашади.
	3.3. Мазкур мавзу бўйича семинар-анжуманга тайёргарлик кўриш бўйича топшириқларни беради (8-илова). (1). Маъруза мавзуларини тақдим этади: 1. Дидактикада таълим методларини танифлашга доир замонавий ёндашувлар: мазмуни ва моҳияти. 2. Таълим методларини танлиб олиш шартлари ва қоидалари. 3. Интерфаол таълим методларининг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги роли. (2). Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхатини таклиф этади. (3). Маърузачилар ва мавзу бўйича муҳокамага чиқувчилар, тақризчиларни танлайди. (4). Мавзулар бўйича маъруза қилувчи талабаларга реферат режасини тузиш топширигини беради. (5). Бошқа талабаларга эса, маъруза мазмуни ва қўшимча материаллар билан танишган ҳолда, маърузачиларга саволлар тайёрлаб келиш топширигини беради. (6). Маърузачи, тақризчи ва мунозара иштирокчиларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (7). Маърузачиларнинг семинар жараёнидаги иштироки услуги, тақризчи ва муҳокамада иштирок этувчиларнинг вазифаларини тушунтиради.	Топшириқни ёзиб олишади.

Мавзу: Таълим методлари ва воситалари

Режа:

1. “Метод”, “таълим методлари” ва “таълим усуллари” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти.
2. Замонавий дидактикада таълим метод-ларини таснифлашга доир ёндашувлар.
3. Таълим методларининг функциялари.
4. Таълим методларини танлаб олиш шартлари.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1. Педагогика. / М.Тохтоҳоджаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008.
2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Фан, 2006.
3. Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2008.
4. Педагогика / Под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008.
5. Ходжаев Б. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2008.

“Ўйланг/жуфтликларда муҳокама қилинг”

“Метод”, “таълим методлари”, “усул” ва “қоида” тушунчаларини қандай изоҳлаш мумкин?

**Таълим методлари. Таълим воситалари.
(визуал материаллар)**


Метод сўзи грекча тадқиқот, мақсадга эришиш йўли, усули деганидир. Бу сўзнинг этимологияси (келиб чиқиши) унинг илмий категория сифатидаги талқинида ҳам акс этган. “Метод – энг умумий маънода – мақсадга эришиш усули, маълум тарзда тартибга солинган фаолият”.

Таълим методлари дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этиш бўйича ўқитувчининг ўргатувчи иши ва ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари тушунилади.

Таълим усули – таълим методининг таркибий қисми ёки алоҳида томони, Методлар билан усуллар муносабати ўзаро бир-бирига боғланган. Усул ва метод бутун ва қисм сифатида бир-бирига боғланади. Усуллар ёрдамида фақат педагогик ёки ўқув вазифасининг бир қисми ҳал қилинади. Худди шу методик усуллар турли методларда фойдаланилган бўлиши мумкин. Ва аксинча худди шу метод турли ўқитувчилар томонидан турли усулларда очиб берилиши мумкин.

Қоида – танлаб олинган метод билан боғлиқликда фаолият усулларини амалга ошириш учун қулай тарзда ҳаракат қилиш зарурлигини белгилаб берувчи меъёрий кўрсатмалардир.

4-илова



5-илова

Таълим методлари таснифи:

1. Анъанавий (манбасига кўра) таълим методлари (Е.И.Голант, Н.М.Верзилин ва бош.)
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи (И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин).
3. Асосий дидактик мақсадларига кўра таълим методлари таснифи (М.А.Данилов ва Б.П.Есипов).
4. Таълимнинг бинар методлари (М.И.Махмутов).
5. Яхлит ёндашув бўйича таълим методлари таснифи (Ю.К.Бабанский).
6. Таълимнинг интерфаол методлари.

Анъанавий (манбасига кўра) таълим методлари таснифи



Оғзаки	Кўргазмали	Амалий	Китоб билан ишлаш	Видеометод
<p>Ҳикоя Сухбат Тушунтириш Маъруза Мунозара</p>	<p>Иллюстрация Демонстрация</p>	<p>Машқ Амалий Лаборатория Дидактик ўйин</p>	<p>Ўқиш Ўрганиш Режа тузиш Конспект қилиш</p>	<p>Кўриш, Ўрганиш, Назорат қилиш</p>

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи

Таълим методи	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
Ахборий-рецептив	Ўқув ахборотини узатиш, ўрганилаётган объект билан ўқувчи ҳаракатини ташкил этиш	Билимларни идрок этиш, англаш ва ёдда сақлаш.
Репродуктив	Билимлар ҳамда ақлий ва фаолият усуллари ҳосил қилишга доир топшириқларни тузиш ва тақдим этиш	Намуна асосида билимларни ҳамда ақлий ва фаолият усуллари эгаллаш.
Муаммоли баён этиш	Муаммони қўйиш ва уни ҳал этиш усуллари очиб бериш	Топшириқни идрок этиш ва уни қисмларга ажратиш. Топшириқ қисмларини мустақил ҳал этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш
Эвристик (қисман-изланиш)	Муаммони қўйиш ва уни ҳал этишга доир қадамлар кетма-кетлигини режалатириш. Ўқувчилар фаолиятини бошқариш	Қўйилган вазифа билан боғлиқликда муаммони ҳал этиш йўллари мустақил излаш ва ўқитувчининг қисман кўмаги ёрдамида муаммони ҳал этиш
Тадқиқотчиликка доир	Мустақил ҳал этишга доир муаммоли вазифаларни шакллантириш. Муаммони ҳал этилиш жараёнини назорат қилиш	Муаммони мустақил ҳал этиш.

Асосий дидактик мақсадларига кўра таълим методлари таснифи:

- Янги билимларни эгаллаш методлари;
- Кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари;
- Билимларни амалиётда қўллаш методлари;
- Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва назорат қилиш методлари.

Таълимнинг бинар методлари

Ўргатиш методлари	Ўрганиш методлари
Ахборий-маълумотли	Ижро этиш (бажариш)
Тушунтиришли	Репродуктив
Кўргазмали-амалий	Ижодий-амалий
Тушунтиришли-ундовчи	Қисман изланишли
Ундовчи	Изланишли

Яхлит ёндашувга кўра таълим методлари таснифи

- Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари.
- Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва рағбатлантириш методлари.
- Ўқув-билиш фаолиятини назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари

Ўқув ахборотини узатиш ва идрок этиш манбасига кўра	Ўқув ахборотини узатиш ва идрок этиш мантиғига кўра	Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш даражасига кўра	Ўқув ишини бошқариш тавсифи бўйича
Оғзаки, Кўргазмали, Амалий	Индуктив, Дедуктив	Репродуктив. Продуктив: муаммоли, муаммоли- изланишли, эвристик	Ўқитувчи рахбарлигида бажариладиган ўқув иши. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари.

Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва рағбатлантириш методлари

Ўқишга қизиқишни мотивациялаш методлари	Ўқишга бурч ва масъулиятни рағбатлантириш методлари
Билиш фаолиятини ташкил этишга доир ўйинлар. Ўқув мунозаралар. Вазиятларни яратиш.	Ўрганишнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятига ишонч ҳосил қилиш. Талаб қўйиш. Рағбатлантириш. Огоҳлантириш.

Ўқув-билиш фаолиятини назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари

Назорат ва ўз-ўзини назорат қилишнинг оғзаки методлари	Назорат ва ўз-ўзини назорат қилишнинг ёзма методлари	Назорат ва ўз-ўзини назорат қилишнинг амалий методлари
Индивидуал сўров, оммавий сўров, дастурлаштирилган сўров, оғзаки ўз-ўзини назорат иши	Ёзма назорат иши, дастурлаштирилган ёзма иш, ёзма ўз-ўзини назорат иши	Лаборатория иши, лабораторияли ўз-ўзини назорат иши

Интерфаол методлар

Ўрганилаётганларини ўзлаштиришга даъват қилиш методлари	Янги материални англаш методлари	Ўрганилганларини фикрлашга имкон берувчи методлар
Эркин ёзиш. Кластер. Ақлий ҳужум. Б-Б-Б чизмаси. Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги. Семантик хусусиятлар таҳлили.	Семантик хусусиятлар таҳлили. Б-Б-Б чизмаси. Ўқитиш бўйича кўлланма. Бир-бирига ўргатиш. Бир-биридан сўраш. Икки қисмли кундаликлар. Энг асосий тушунчалар	Энг асосий тушунчалар, такрорлаш. Т-чизма. Концептуал жадвал. Венн диаграммаси. Нилуфар гули. Беш минутлик эссе. Ўн минутлик эссе.

Таълим методларини танлаб олиш шартлари

1. Таълимнинг умумий мақсадлари.
2. Фаннинг ва ўрганилаётган мавзунинг мазмуни ҳамда ўзига хосликлари.
3. Бирор фанни ўқитиш методикасининг ўзига хосликлари.
4. Материални ўрганишга ажратилган вақт.
5. Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари ва мазмуни.
6. Ўқувчиларнинг ёши ва билиш имкониятлари.
7. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси.
8. Таълим муассасасининг моддий таъминланганлиги.
9. Ўқитувчининг назарий, амалий ва методик тайёргарлиги, педагогик маҳоратни эгаллаганлик даражаси.

“Таълим методлари” мавзусидаги концептуал жадвал

Методнинг мазмуни	Белгилари	Таърифи	Функцияси	Қоидалари	Изоҳ
Анъанавий методлар					

Билиш фаолияти таъсифига кўра таълим методлари					
Дидактик мақсадига кўра таълим методлари					

8-илова

Семинар-анжуман мавзулари

1. Дидактикада таълим методларини танифлашга доир замонавий ёндашувлар: мазмуни ва моҳияти.
2. Таълим методларини танлиб олиш шартлари ва қоидалари.
3. Интерфаол таълим методларининг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги роли.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Педагогика. / М.Тохтоҳоджаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008.
2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Фан, 2006.
3. Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2008.
4. Педагогика / Под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Высшее образование, 2008.
5. Ходжаев Б. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2008.

Баҳолаш мезонлари:

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл бўйича)	Иштирокчилар			
	Маърузачилар (Ф.И.О.)			
	1	2	3	4
1. Маърузанинг мазмуни (3,0):				
- мавзунинг мослиги (1,0)				
- баён тилининг мантиқийлиги, тизимлилиги ва ёрқинлиги (1,0)				
- хулосаларнинг аниқ шакллантирилиши (1,0)				
2. Тақдимот технологиясидан фойдаланиш (кўргазмалилик) (1,5)				
3. Регламентга риоя қилиш (0,5)				
Жами: максимал 5,0				
Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл бўйича)	Такризчилар (Ф.И.О.)			
	1	2	3	4
1. Маърузани тавсифлаш (4,0)				
- маърузанинг ижобий томонларини очиб бериш (2,0)				
- маърузанинг салбий томонларини очиб бериш (2,0)				
2. Регламентга риоя қилиш (1,0)				
Жами: максимал 5,0				
Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл бўйича)	Оппонент/ мунозара иштирокчиси (Ф.И.О.)			
	1	2	3	4
1. Саволлар билан иштирок этиш (2,0)				
2. Қўшимчалар қилиш (3,0)				
Жами: максимал 5,0				

**2.1.7. “Тарбия жараёнининг мазмуни ва моҳияти” мавзусидаги
маълумотли маъруза таълим технологияси модели**

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Талабалар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Машғулотнинг режаси	1. Тарбия жараёнининг моҳияти ва аҳамияти. 2. Тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари. 3. Тарбия турларининг умумий таснифи.
Ўқув машғулотининг мақсади	Талабаларда тарбия жараёнининг мазмун-моҳияти ҳамда тарбия қонуният ва тамойиллари ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: - тарбия тушунчасининг кенг ва тор маънодаги ифодаларини тушунтириб бериш; - тарбия жараёни, мақсади, мазмуни ва вазифалари ҳақида маълумот бериш; - тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, қонуният ва тамойилларини очиб бериш; - тарбия турларини умумий таснифлайди.	Ўқув фаолияти натижалари: - кенг ва тор маънодаги тарбия тушунчаси таърифини билиб оладилар; - тарбия жараёни, мақсади, мазмуни ва вазифаларини ўзлаштирадилар; - тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, қонуният ва тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўладилар; - тарбия турларининг умумлашган таснифи билан танишадилар.
Таълим методи	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Икки қисмли кундаликлар” интерфаол методи
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, оммавий, индивидуал
Дидактик воситалар	Маъруза матни, слайд-презентация
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Тарбия жараёни мазмуни ва моҳияти” мавзусидаги маълумотли
маърузанинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (Даъват босқичи) (5 минут)	Талабаларни мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар билан таништиради (1-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (55 минут)	2.1. Мавзунинг асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этади (2-илова).	Тинглайдилар, савол- жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
	2.2. Кенг ва тор маънодаги тарбия тушунчаларини изоҳлайди (3-илова).	
	2.3. Тарбия жараёни, мақсади, мазмуни ва вазифаларини ёритиб беради (4-илова).	
	2.4. Тарбия жараёнининг ўзига хосликлари, қонуният ва тамойилларини изоҳлайди (5-илова).	
	2.5. Тарбия турларининг умумий таснифи билан таништиради (6- илова).	
3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)	3.1. Талабаларнинг тарбия жараёни мазмуни ва моҳияти ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида мақсадида “Икки қисмли кундаликлар” интерфаол методини тақдим этади (7-илова).	“Икки қисмли кундалик”ларни индивидуал равишда тўлдиришади.
	3.2. Талабаларнинг “Икки қисмли кундалик”лари билан танишиш орқали уларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.	Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.
	1. Аниқ тасаввурлар шаклланмаг ан қисмларини қайта тушунтирад и.	

1-илова

Мавзу: Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни.

Режа:

1. Тарбия жараёнининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари.
3. Тарбия турларининг умумий таснифи.

Адабиётлар:

1. Педагогика /А.Қ. Мунавваров таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
2. Педагогика / М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008.
3. Подласый И. П . Педагогика . В 2-х кн. Кн.2. - М.: ВЛАДОС, 2003.
4. Общая педагогика / Под.ред. В.А Слостенина: В 2 ч – М: ВЛАДОС , 2003-Ч.2.
5. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Фан, 2006.

2-илова

Мавзунинг асосий тушунчалари:

- Тарбия.
- Тарбия жараёни.
- Тарбиянинг мақсади.
- Тарбия мазмуни.
- Тарбиянинг умумий вазифалари.
- Тарбия қонуниятлари.
- Тарбия тамойиллари.
- Тарбия турлари.

3-илова

Тарбия педагогикадаги асосий тушунчалардан бири саналади. Жамият ва педагогиканинг тарихий ривожидан мазкур категорияни тушунтиришга турлича ёндашувлар юзага келди. Энг аввало, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кенг ва тор маънодаги тарбия фарқланади. **Кенг маънода тарбия** шахсга жамиятнинг таъсир этиши, ижтимоий ҳодиса

сифатида қаралади. Мазкур ҳолатда тарбия ижтимоийлаштириш билан уйғунлашади.

Тор маънодаги тарбия деганда, педагогик жараён шароитида таълим мақсадини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади. Ушбу ҳолатда педагогларнинг тарбиявий фаолияти тарбиявий иш деб аталади.

4-илова

Тарбия жараёни ўқитувчи ва таълим олувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир.

Тарбиянинг мақсади — ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш.

Тарбия мазмуни деганда, қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқликда таълим олувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, малака, эътиқод, шахс сифати ва характери, хулқ-атвор тизими тушунилади.

Тарбиянинг умумий вазифалари:

2. жамият аъзоларининг мақсадга йўналтирилган ривожланиши ҳамда уларнинг қатор эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиш;
3. жамият ривожини учун зарур бўлган ижтимоий маданиятга мос етарлича ҳажмдаги “инсон капитали”ни тайёрлаш;
4. маданиятларни узатиб туриш орқали ижтимоий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш;
5. маълум жинс ёши ва ижтимоий-касбий гуруҳларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий муносабатлар доирасида жамият аъзоларининг ҳаракатини тартибга солиш.

5-илова

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари:

7. мақсадга йўналтирилганлиги;
8. кўп қиррали жараён;
9. узоқ муддат давом этиши;
10. узлуксизлиги;
11. яхлитлиги;
12. вариативлиги;
13. натижаларнинг олдиндан аниқланмаслиги;
14. икки томонламалилик.

Тарбия қонуниятлари – бу бир томондан, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг хусусиятлари, иккинчи томондан, шахснинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барқарор алоқалар.

Тарбия тамойиллари – бу тарбиявий ишнинг йўналишига, мазмунига, методлари ва ташкил этилишига, тарбия жараёнининг иштирокчилари орасидаги муносабатларга қўйиладиган асосий талаблар ифодаланадиган дастлабки қоидалардир.

Тарбия жараёнининг қуйидаги қонуниятлари мавжуд:

- ижтимоий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларига боғлиқлиги;
- тарбиянинг шахснинг ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- фаолият ва муносабатни эътироф этиш шахснинг ижтимоий қимматли фазилатларини шакллантиришнинг негизи ва асосий манбаи;
- тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсири, ўзаро муносабатлари ҳамда фаол фаолияти ўртасидаги боғланиш;
- тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг интенсивлиги;
- тарбияланувчининг “ички олами”га таъсир этишнинг интенсивлиги (Г.И. Щукина);
- тарбияланувчиларда вербал ва сенсомотор жараёнларнинг ривожланиш даражаси ва педагогик таъсирни ҳисобга олиш (Г.И. Щукина).

Тарбия жараёни қуйидаги тамойиллар асосида бошқарилади:

- ✓ мақсадга қаратилганлиги ва ғоявий йўналганлиги;
- ✓ тарбиянинг инсонпарварлашуви;
- ✓ тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан боғлиқлиги;
- ✓ тарбияга яхлит(комплекс) ёндашув;
- ✓ жамоада тарбиялаш ва жамоага суяниб иш кўриш;
- ✓ шахсга талабчанлик билан ҳурматни бирга қўшиб олиб бориш;
- ✓ ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари ва оиланинг талаб ҳамда тарбиявий таъсирларининг бирлиги;
- ✓ тарбияланувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ✓ тарбия жараёнининг тизимлиги ва узлуксизлиги.

6-илова

Тарбия турларининг умумий таснифи

Тарбия турлари турли соҳаларга кўра тасниф этилади. Кўпроқ умумлашган тасниф ўзида ақлий, меҳнат, жисмоний тарбияни қамраб олади.

Таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларнинг турли йўналишлари билан боғлиқликда фуқаролик, сиёсий, байналмилал, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий тарбияга бўлинади. Институционал белгиларига бўйича оила, таълим муассасаси, таълим муассасасидан ташқари, диний, болалар, ёшлар ташкилотларидаги тарбия, махсус таълим муассасаларидаги тарбияга бўлинади.

Тарбия ва тарбияланувчилар орасидаги муносабатлар услубига кўра авторитар, демократик, либерал, эркин тарбия; турли фалсафий концепциялар билан боғлиқликда прагматик, аксиологик, жамоавий, индивидуал тарбия фарқланади.

2.2.1. “Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий компонентлари. Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўқитувчи бурчи, маъсулияти ва унинг баркамол шахсни шакллантириш ҳақидаги фикрлари.” мавзусидаги семинар машғулотнинг технологик модели

<i>Машғулот вақти – 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 20 – 30 гача</i>	
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар	
<i>Амалий машғулотнинг тузилиши</i>	1. Талабаларни семинар машғулотига тайёрлаш. 2. Семинар машғулотига масалалар юзасидан топшириқлар. 3. Топшириқларнинг бажарилишини бошқариш. 4. Семинар масалалари юзасидан умумий хулосалар қилиш. 5. Семинар мавзуси бўйича талабаларнинг БКМларини баҳолаш	
<i>Семинар машғулотининг мақсади:</i> талабаларнинг мавзуга доир билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1. Талабаларнинг машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш. 2. Мавзу юзасидан эгалланиши лозим бўлган билимларни тизимлаштириш. 3. Мавзу юзасидан талабаларда кўникма ва малакалар ҳосил. 4. Талабаларнинг ижодий ва мустақил фикрлай олиш қобилиятларини шакллантириш.		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1. Талабалар мавзунинг асосий тушунчаларини ўзлаштирадилар. 2. Мавзуга доир аниқ билимлар доирасига эга бўладилар. 3. Мавжуд билимлари билан эгалланганларини таққослайдилар. 4. Эгалланган билимлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. 5. Мавзу юзасидан умумий хулосаларга келадилар.
<i>Таълим бериш усуллари</i>		Мунозара, суҳбат, тезкор-сўров, “Икки қисмли кундаликлар” интерфаол методи
<i>Таълим бериш шакллари</i>		Оммавий, гуруҳларда ишлаш.
<i>Таълим бериш воситалари</i>		Ўқув қўлланма, проектор, маркерлар, эксперт топшириқлари
<i>Таълим бериш шароити</i>		Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
<i>Назорат ва баҳолаш</i>		Оғзаки назорат: савол-жавоб

“Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида таълим-тарбия масалалари” мавзусидаги семинар машғулотнинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
иллатлар ва муносабатларнинг келиб чиқишига шароит яратилди. Бу масалада ҳам ҳаётий вазият катта овсин томонидан адолатли ҳал қилинмади. Агар катта овсин: вой, ўғлим, нега ундай қиласан. Тўғри, ўйинчоқ сеники, аммо уни укангга ҳам бергин, эртага у ҳам сени велосипедида учиради. Ака-укалар бир-бирига меҳрли бўлади, бир-биридан ҳеч нимани аямайди. У акам бор деб хурсанд бўлса, сен укам бор деб хурсанд бўласан. Ахир сизлар бир-бирларингга жигарсизлар-ку, деб иккаласини ҳам эркалатиб, яраштириб қўйганида эди, масала адолатли ҳал қилинган бўлар эди. Фарзандлар эса онадан олган бу алқаш ва меҳр гаштини танасида ҳис қилар, унинг кўзга кўринмас руҳий озукасидан баҳраманд бўлган бўлар, ўзгалар ҳам меҳрга мухтож бўлишини, ҳаёт мазмунининг асоси инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳридан иборат эканлигини тушунган бўлар эдилар.

«Тарбиядаги кичик нуқсон катта фожеага олиб келиши мумкин!»

Масала 8. Ота ўғлининг етуклик аттестатини олиши ва 16 ёшга тўлиши муносабати билан зиёфат берди. У ўзига ва ўғлига қадаҳ тўлдирди. Ўғлини бугунги бахтли куни билан табриклаб, унга қадаҳ узатди. Бу воқеага оила аъзолари қуйидагича муносабатда бўлдилар.

А) Дадаси: ўғлим, муборак ёшинг, мустақил ҳаётга қадам қўйишинг билан табриклайман! Шу муносабат билан бир қадаҳ кўтарайлик;

Б) Бувиси: Жон болам, сен спиртли ичимликларга ўғлингни ўргата кўрма. ҳеч қачон ичмасин – мартабаси улуг бўлади.

В) Буваси: Майли, дадангнинг сўзи ерда қолмасин. Дўстлари олдида уни изза қилма. қадаҳни уриштириб, бир ҳўплаб бера қол;

Г) Ойиси: Ўғлим, даданг сенга қадаҳ узатиб, бу спиртли ичимликларнинг қанчалик зарарли эканлигини билиш ёки билмаслигини синаб кўрмоқчи, - деб ўғли ва эрига қараб қўйди.

«Раҳбар – энг аввало инсон!»

Масала 9. Нуруний бир мўйсафид нуфузли бир ташкилот раҳбарининг ҳузурига тортинибгина кириб: Ассалому алайкум, ўғлим. Кирсам мумкинми? – деб мурожаат қилди. Раҳбар:

А) Ва алайкум ассалом, келинг, деб ўтиришга таклиф қилди ва ўз иши билан машғул бўлди;

Б) Ассалому алайкум, бемалол кираверинг, деб ўтиришга жой кўрсатди ва ишини бир дақиқага йиғиштириб, мўйсафиддан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, келишининг мақсади билан қизиқди ва масаланинг мураккаблигига қараб иш тутди;

В) Ишдан бир зумгина кўз узиб, бош ирғаб саломлашди ва имо-ишора билан ўтиришга жой кўрсатди. Сўнгра ишини давом эттирган ҳолда чол билан келишининг мақсади ҳақида гаплаша бошлади.

«Ақл ёшда эмас – бошда!»

Масала 10. Янги келин бўлиб тушган Зарифахоннинг туғилган куни. Бу хонадонда ҳеч кимнинг туғилган куни қутловсиз қолган эмас. Ишдан вақтли қайтган Анваржон қўлида гул, бир кийимлик атлас ва бир қути конфет билан хурсанд ҳолатда уйга кириб келди. Унга пешвоз чиққан суюкли ёри Зарифани қутлуғ айёми билан табриклади.

Шу куни эрталаб уйга Анваржоннинг турмушга чиққан синглиси ҳам келган бўлиб, у ойиси билан ошхонада гаплашиб ўтирарди. Синглисининг туғилган кунида Анваржон хизмат сафарида бўлган, сафардан яқинда келган ва шу сабабли уни туғилган куни билан табриклай олмаган эди.

Анваржоннинг синглиси ва онасига беъэтиборлигидан уларнинг кайфияти тушиб кетганлигини кўрган Зарифахон қандай оқилона йўл тутса, миллатимизда асрлар давомида таркиб топган оилавий муносабатларнинг муқаддас қонун-қоидаларига мувофиқ иш кўрган ва ўзининг ақлий ва маънавий баркамоллигини намоён қилган бўлади?

А) қайинсинглисини гул билан табриклаб, қолган совғаларни ўзида қолдирса;

Б) қайинсинглисига атлас кийимликни бериб, гул ва конфетни ўзига қолдирса;

В) бу оилада ҳеч ким туғилган кунида қутловсиз қолмаганлигини англаган Зарифахон чопиб уйга кириб кетади ва сепидан бир кийимлик қайинсинглисига муносиб кийимлик олиб чиқади. Ферузахон, биз Сизга мана бу совғани олиб қўйган эдик. Аммо акангиз хизмат сафарида бўлгани учун сизларникига бора олмадик. Яхши бугун ўзингиз келиб қолдингиз. Кеч бўлсаям айёмингиз билан табриклаймиз, - деб юзларидан ўпиб қўяди ва совғани беради. Гулни вазага солиб, столга қўяди. Конфетни қайнонасига узатиб: ойижон, ўзингиз табаррук қўлларингиз билан бизга конфет улашинг, сизга ўхшаб пиру - бадавлат бўлиб юрайлик, - деб эркаланади.

«Меҳмоннинг олдида мушугингни пишт дема!»

Масала 11. Меҳмонлар билан банд бўлаётган Насибахоннинг олдида қизчаси 2-3 бор нонига ёғ суриб беришини сўраб кирди. У меҳмонларнинг олдида кирганида меҳмонлардан бирининг: «Вой, бу қиз жуда ширин экан-да, қўйлагини қаранг чиройлилигини», - деган мақтовлари ёқиб, унинг меҳмонларнинг олдида яна киргиси келарди. қизи Раъно онасининг нон устига суриб берган ёғнинг ўзинигина ялади-да, меҳмонларнинг олдида яна кирди. Жаҳли чиққан онаси уни жеркиб берди ва қўлидан ушлаб силтаганича меҳмонларнинг олдидан олиб чиқиб кетди. Раънонинг еб турган қўлидаги нони меҳмонхонадаги гиламга тушиб қолди. Бироздан кейин Раънонинг йиғлаган овози эшитилди. қўлида латта ва челақда сув билан кирган Насибахон қизи тушириб қолдирган ноннинг ёғидан гиламда

қолган доғни артишга тушиб кетди ва «Ёғнинг доғи қолмасмикан, гилам чет элники эди», деб қўйди.

Она бу ерда қандай тарбиявий ва маънавий хатоларга йўл қўйди? У ушбу ҳолда қандай йўл тутиши керак эди?

А) «Меҳмон келганда ҳадеб киравердинг. Нима, ёғ кўрмаганмисан?», - деб қойиши керак;

Б) «Мени меҳмонларнинг олдида роса уялтирдинг. Ёғ егинг келса, ошхонада емайсанми? Ақлинг йўқми? У гиламнинг неча пул туришини биласанми?», - деб урушиши керак;

В) «Она қизим, уйга меҳмон келганида уларнинг олдига кириб, салом бериб, кейин чиқиб кетиш керак. Меҳмонларнинг олдига қайта айланиб кириш керак эмас. Меҳмонларнинг олдидаги нарсалардан егинг келса, ошхонада стол устида турибди, ана шулардан олиб егин. Ундан кейин – агар биров сени мақтаса, талтайиб кетмагин. Унинг ўрнига бундан ҳам яхши, одобли қиз бўлишга ҳаракат қил».

«Ота-онанг ёмон бўлса, боғлаб боқ!»

Масала 12. Янги келин турмуш ўртоғи, қайинота ва қайинонаси билан бирга яшайди. Келиннинг турмуш ўртоғи куни билан ишда. Келин эса уйда. ҳали у баҳона, ҳали бу баҳона қайинона келинини ёқтирмай тез-тез жанжал кўтаради. Келиннинг турмуш ўртоғи бу жанжалларга аралашини ёқтирмайди. Келин ва куёв севиб турмуш қуришган, бири-бирини севишади, муносабатлари жуда яхши.

Оиладаги бу ҳолатда келин қайинонаси билан қандай муомалада бўлиши керак? Оиладаги руҳий ҳолатни яхши томонга ўзгартириш учун бу оилада қандай муносабатларни қарор топтириши керак?

А) Келин жанжал чиққанда қайинонасига: «Мен ўғлингизга ялиниб тегканим йўқ. Мени ўзингиз топиб, ҳоли-жонимга қўймай келин қилгансиз. Энди ёмон бўлиб қолдимми. Мен қандай бўлсам шундайман. Билганингизни қилинг», - деб ҳар гал орани очиқ қилиши керак;

Б) Жанжал чиққанда келин қайинонасидан баланд келиб, унинг бошқа жанжал чиқармаслигига ҳаракат қилиши керак;

В) Келин ҳар гал жанжал чиқиш сабабини ўрганиб, таҳлил қилиб, улардан қайинонаси билан бўладиган келгуси муносабатлари учун хулоса чиқариши керак. қайинонасининг характерини ўрганиши, шунга қараб муомила қилиши, қайинотаси, турмуш ўртоғи билан маслаҳат қилиши, қайинонасидан ўтган бўлса кечириши, ўзининг камчиликларини тузатиб, ўзидан айб ўтганда албатта қайинонасидан кечирим сўраши, унинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилиши керак.

«Тежамкорлик бойликка бойлик қўшади!»

Масала 13. Аваз мактабда футбол ўйнаётганида унинг кетаси бироз йиртилди. Кейинги ҳафта дарсларга тайёрланаётиб, кетасининг йиртиғлиги эсига тушган Аваз янги кета олиб беришларини айтиб ҳархаша қила бошлади. Авазга кетани яқинда олиб беришган бўлиб, у ҳали яп-янги эди.

Оиладагилар қандай йўл тутишлари керак?

А) Онаси: кетанг йиртилган бўлса, мен нима қилай? Бор, дадангга айт янгисини олиб берсин;

Б) Дадаси: ҳамма нарсага мен балогардон. Бир-икки галл жисмоний тарбиянгга бормасанг бормабсан. Вақтим бўлганда янгисини олиб бераман;

В) Буваси: қани, болам, менга кетангни кўрсатчи. ҳа, сал йиртилган экан-ку. Янгисини нима қиласан. Менга ип, игна, кўзойнагимни ҳам олиб келгин, ҳозир буни боплаймиз, деб набираси билан бирга кетасини тикишди.

«Бахт мол-дунёда эмас!»

Масала 14. Гапдан гап чиқиб, қайинона-келин айтишиб қолишди. қайинона: «Ўғлим учун мен сизни келин қилиб юрибман. Ўғлимга ичим ачийди. Агар менга қолса, сизни бир кун ҳам унга хотин қилдирмас эдим. Ота-онангиз паст одамлар экан – на бир арзигулик тилла нарсаларингиз бор, на бир мебелни яхши қилишмаган, қилган саруполари бир тийинга қиммат», - деб келинга таъна тошини ёғдирди. Бундан дили вайрон бўлган келин кечкурун ишдан қайтган эрига бор гапни очиб солди. Оилада ноҳуш ҳолат пайдо бўлди.

Оила аъзоларининг бунда билдирган қуйидаги муносабатларини таҳлил қилинг:

А) Эри: «Нега ҳафа бўласан, ойим бор гапни айтибди. Онанг менга ҳам ялчитиб кийим қилмаган-ку», - деб баттар хотинининг дилини хуфтон қилди;

Б) қайинота хотини ва ўғлига: «Ўзларинг нимани қойил қилиб қўйибсизлар. Келинни ё оиламиз бахтли бўлсин, ўзидан-ўзи кўпайсин, авлодимиз давом этсин, қариганда ҳузур-ҳаловатини кўрайлик, деб олдикми ё унинг моли учун олдикми? Бировнинг азиз боласини ўртага олиб, нега уни ҳафа қиласизлар? қўлидан келган хизматини қилиб юрибди. Иккалангнинг ҳам ҳурматини жойга қўйса, ўзи ойдек бўлса, ақли-хуши жойида бўлса. Яна нима керак сенларга. Мол-дунё ҳеч қачон инсонга дўст бўлган эмас. Тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат бўлса, ҳамма нарса битади. Пешонасига берсин. Сизларни шунчалик пасткашликка борасизлар деб ўйламаган эдим. Бундан буён бундай номаъқулчиликни кўрмай».

«Қайнона-келин – оиланинг нозик бўғини !»

Масала 15. Адолатнинг қайинисинглисининг тўйи яқин. У бир куни институтдан келса, қайинонаси Адолатга саломда қўйган, яқинда эшик ва

айвонга осиб қўйган 10 метрлик пардасининг йўқлигини кўрди. қайинонасида сўраса, у пардаларни қизининг юқларига қўшиб, куёв томонга бериб юборган экан.

Адолат қайинонасига бу ҳолатда қандай муносабат билдириши керак? қайинона бу ерда қандай маънавий хатоликларга йўл қўйди?

А) Нега берган нарсангизни яна қизингизга бериб юбордингиз? Мендан бир оғиз сўрасангиз бўлмасмиди? Пешонам шўр бўлмаса, шундай кашшоқ оилага келин бўлиб тушармидим?

Б) қизим, жон болам, ўзингиз биласиз, куда томон тўйни тезлаштирайлик дейишаяпти. Шунинг учун харид қиладиган нарсалар кўпайиб кетди. Ҳаммасини сотиб олишга қўлим калталиқ қияпти. Ҳаддим сиғиб сизнинг пардаларингизни бериб юбордим. Келсангиз узр сўраб ўзингизга тушунтираман деб, ўтирган эдим;

В) Келин: майли, ойижон, соғ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат бўлса, қолган ҳамма нарса топилади. Барноҳон бахтли бўлсинлар. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб, йўқлаб бориб-келиб юрайлик.

«Бола бошидан!»

Масала 16. Топарман-тутарман ота ҳали балоғатга етмаган ўғлидан пулини аямас, у билан гаплашганда фақат бойлик, пул топиш ҳақида гапирар ва унга бунинг баъзи йўллари хам ўргатган бўлар эди. Бир куни уйга отанинг обрўли зиёли дўстлари меҳмон бўлиб келиб қолишди. Улар меҳмонхонада чак-чақлашиб гаплашиб ўтиришганда, бирдан эркатой ўғли руҳсатсиз, саломсиз кириб келиб қолди. ҳижолат бўлган ота ўғлига: «Ие, меҳмонларга салом қани, ўғлим», - деди. Ўғли: «Ўртоқларингиз ўзингизга ўхшаган бой бизнесменларми? 25 сўмлик салом берайми, 50 сўмлик салом берайми ёки 100 сўмликми?» Ота нуфузли дўстларининг олдида ўғлининг кутилмаган бундай саволларидан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудек изза бўлди.

Отанинг ўғлига берган «тарбия»сини таҳлил қилинг. Бундай ўзига тўқ оилаларда фарзанд тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Масала 17. 15 ёшга тўлиши нишонланаётган Тоҳир меҳмонлардан совға қабул қилар, аммо бу галги совғалар унчалик қимматли, дабдабали эмас эди. Бундан кўнгли тўлмаган Тоҳир меҳмонлар кетганидан кейин ўзлари йиғилишиб ўтиришганда дадасига деди: «Дада, оғайниларингиз амалдалигингизда катта-катта совғалар қилишар эди. Амалдан тушганингиздан кейин олиб келган совғаларини қаранг». Тоҳирнинг бу фикрига оиладагилар қуйидагича муносабат билдирдилар:

А) Она: тўғри, уялмасдан кўтариб келган совғаларига ўлайми. Шу совғалар бизга муносибми? Ёб-ичганига ҳам арзимади. Ундан кўра олиб келмай қўяқолишмайдими?

Б) Буви: Майли, болам, совғанинг катта-кичиги булмайди. Шунчалик олиб келганларига раҳмат де. Даданг ҳам бундан буён улар билан шу совғаларига қараб муомала қилади;

В) Бува: (ўғлига) Болам, сенга минг марта айтганман, туғилган кунларни оилавий ўтказайлик, деб. Болаларингни ҳам шунга ўргатишинг керак. Кўникишсин шунга. Ана шунда улар бошқалардан совға кутмайди. қолаверса, совға – бу олиб келувчининг ҳиммати. Совға қилинган отнинг тишига қарама, дейишади. Совғага қараб муомала қиладиган одам яхши одам бўлмайди. Ўзинг ҳам бировга совға берадиган бўлсанг, чин юракдан бер. Миннат қилма. Берган совғангни насия деб бил. Унинг орқасидан бирор нарса кутма. Ана ўшанда хотиржам бўласан, кўнглинг ором олади. Амалга келадиган бўлсак, у қўлнинг кири – ҳозир бор, эртага йўқ; ҳозир йўқ бўлса, эртага бўлади. Бунинг учун энг муҳими - амалдалигингда одамларнинг кўнглини қолдирма, қўл остингдагиларга эътиборли бўл, уларни ҳурмат-иззат қил, адолатли бўл, токи амалдан тушганингдан кейин ҳам улар сенинг ҳурматингни жойига қўядиган бўлишсин, обрў-эътиборингга путур етмасин.

«Қуш уясида кўрганини қилади!»

Масала 18. Шухратнинг ёлғиз ўғилчасининг тили чиққан - бирам ширин-ки! Шухрат ўзи болалигида шўх ўсган, унинг устига отасиз катта бўлган бўлиб, баъзи маҳалла болаларига қўшилиб тарбияси бузилди. Шу сабаб уйланганидан кейин ҳам босилмади. Баъзан хотини билан сан-манга бориб қолишганда оғзидан боди кириб, шодди чиқар, ҳеч кимни писанд қилмас, бировга қулоқ солмас эди. Бир куни уйга Шухратнинг дўстларидан бири келиб қолди. Улар гаплашиб ўтиришганида Шухратнинг ҳовлида қўшнилари билан бўлиб ўйнаётган ўғли уларнинг бири билан уришиб қолди. Жазавага тушган ўғли Шухратнинг қўй-қўйига қарамасдан ҳалиги болани урар, тили энди чиққан бўлишига қарамасдан олди-орқасига қарамасдан сўқар, муомалага кўнмас эди. Бундан ҳижолат бўлган Шухратнинг ўртоғи кетиш тараддудига тушди. Унинг эсига Шухрат билан бўлган баъзи ўтмиш хотиралари тушди.

Шухратнинг ўртоғи кетгандан кейин бу воқеани оила аъзолари қуйидагича қаршиладилар:

А) Дада: яшавор, ота-ўғил! Бопладинг ўртоғингни. Бўш келма – бўшашсанг ҳаммадан калтак ейсан. Зўр бўлсанг ҳамма сени ҳурмат қиладиган бўлади. Шундай бўлсин - катта бўлсанг қаҳрамон бўласан!

Б) Буви: болам, сенга ҳар доим ўғлининг талтайтирверма, оқибати ёмон бўлади, дейман. Бошқаларда ҳам ўғил бор, фақат сенда эмас. Ундан кейин, сен болалигингни ташла. Энди ўзинг ҳам фарзанд катта қиляпсан. Охирини ўйла;

В) қўяверинг, ойи. Катта бўлса, эси кириб қолади. ҳали ёш-ку, нимани билади. Айб қўшнининг ўғлидан ўтган-да, бўлмаса бунақа қилмас эди.

«Болани қандай рағбатлантиришни билиш лозим?»

Масала 19. Бир куни ўғлининг мактабдан «беш» баҳо олиб келганидан хурсанд бўлган Адҳамжон ўғлига чўнтагидан 50 сўм чиқариб бера туриб: «Битта беш олганинг учун 50 сўм. қани нечта беш олар экансан». – деди. Шундан буён ўғли ҳар бир беш олгани учун дадасидан 50 сўм олиб турадиган бўлди. Бора-бора ўғлининг бешлари кўпайиб кетди. Бундан шубҳаланган ойиси ўғлининг кундалигини текширса, баҳоларга ўқитувчининг имзоси қўйилмаган: баҳоларни ўғлининг ўзи қўйиб олаётган экан.

Бу воқеадан кейин оилада қуйидаги можаролар ва гаплар бўлди:

А) Дада ўғли алдагани учун уни савалай кетди;

Б) Она: ким ўргатди сенга бундай кўзбўямачиликни? Унинг ўрнига яхши ўқисанг бўлмайдами. Биз сенга ҳамма нарсани муҳайё қилиб бераётган бўлсак. ҳаммани шарманда қилдинг;

В) Буви: энди бундай қилмайди. Билмай қолган-да, бир галл кечиринг, ойиси;

Г) Бува: ўғлим, болангга меҳрни ҳам, қаттиқ қўлликни ҳам билиб қилгин. Иккинчидан, болани бундай йўл билан рағбатлантириш керак эмас. Унинг кўзбўямачилик қила бошлаганига ўзинг айбдорсан. Яна уни урасан. Бунақада уни таъмагир қилиб қўясан, нима иш қилса ҳам нарсани бирор нарсанинг эвазига қиладиган бўлиб қолади. Бунинг ўрнига энг аввало ўлинг бирон-бир яхши иш қилса, уни мақта, бошини силаб, эркалат. Бундан ўзингнинг хурсанд эканлигингни айт. Шундай иш қилган бола келажакда катта одам бўлади, де. Ана ўшанда бола астойдил, алдамасдан, чин кўнгилдан янаям яхши ишлар қилишга интилади. Сендан маслаҳат сўрайдиган бўлади, суҳбатдошинг бўлади. Бундан кейин бу қилган хатоингни қайтарма.

«Тарбиячи энг аввало ўзи тарбияланган бўлиши лозим!»

Масала 20. Адабиёт дарсида ўқитувчи йўқлама қилаётганда дарсга кеч қолган талаба эшикни очиб, киришга рухсат сўради. Ўқитувчи талабага қараб, унинг исми-фамилиясини сўради. Талаба ўзининг исми-фамилиясини айтди. Ўқитувчи бирдан истехзоли кулиб: Ота-онанг исм қуригандай сенга шу исмни қўйган экан-да, - деди ва ўтиришга рухсат берди. Талаба нима дейишини ва нима қилишини билмай, ноилож жойига бориб ўтирди. Дарснинг қандай ўтганини билмади. Бир неча кун ўзига келолмай юрди. Айниқса бу сўзни ўқитувчи-тарбиячидан эшитганини ҳеч бир қолипга сиғдиролмай, бир умрга бу «зиёли»дан қалбида қора доғ қолди.

Ўқитувчининг маънавий қиёфасини баҳоланг. Ўз номи, касбига лойиқ бўлган ўқитувчи, мохир педагог бундай вазиятда ўз вазифасини қандай қилиб адо этган бўлар эди?

«Фарзанд-зурриётларингизнинг барчасини тенг кўринг!»

Масала 21. Абдуғани аканинг икки ўғли бўлиб, улардан кичигининг қизи билан каттасининг иккинчи ўғли бир кунда туғилган. Набираларимни бир хурсанд қилай деб Абдуғани ака ўғил набирасига ўйинчоқ машина олди. қиз набирамга нима олсам экан, деб пулини чамалаб кўрса, арзигулик бирон нарса олишга етмайдиган. Аттанг, ўйинчоқни олмасдан иккаласига ҳам бирон-бир ширинлик олиб кўя қолсам бўлар экан, деб ўйлади-да, қиз набирасига бир талай хўроз қанд олди. Уйга келгандан кейин иккала набирасини ҳам суйиб, уларга олиб келган нарсаларини берди. қиз набира болаларга хос иштаҳа билан хўроз қандларни еб бўлди-да, машинага ёпиша кетди. Уларни яраштиролмай ҳалак бўлган қизалоқнинг онаси хуноби чиқиб, қайинотасидан ҳафа бўлди ва: «У набираси ўғил бола бўлгани учун унга машина олиб берган-да», - деб кўнглига ўксик олди.

қайинота қандай йўл тутганда мақсадга мувофиқ бўлар эди?

А) «Пулим кам эди, шунинг учун бирига ўйинчоқ, иккинчисига ширинлик олиб кўяқолдим», - деб бўлган гапни келинига тушунтириши керак;

Б) «қиз болага қолган пулимга лойиқ нима олишни билмадим. Шунинг учун қиз бола ширинликни яхши кўради деб унга хўроз қанд ола қолдим», - дейиши керак;

В) Ота-она барча фарзандларини, зурриётларини тенг кўриши лозим. Уларнинг ҳеч қайси бирини бирон-бир нарсада камситмаслиги, барча муносабатларда адолат тарозиси билан иш кўрмоғи лозим. Мазкур ҳолда қайинота олдиндан пулини чамалаб, иккала набирасига ҳам жинсига қараб бирон-бир нарса ёки бир ҳил ширинлик олиши керак эди. Шунда иккала набираси бир-бири билан талашмаган, келинлар хурсанд бўлган ва табиийки, бундан қайинотанинг ҳам кўнгли жойига тушган бўлар эди.

Масала 22. Нигоранинг турмуш ўртоғи Жамшид билан дунёқарашлари турлича: Нигорани қизиқтирган нарса Жамшидга бегона, Жамшид ёқтирадиган нарсаларга Нигора бепарво. Шу сабаб кўпинча орада жанжал бўлиб туради. Кейинги вақтларда бу жанжаллар кўйди-чикди ҳақидаги гапларга бориб тақаладиган бўлиб қолди. Орада иккита фарзанд бор.

Бу ёшлар бундан буён қандай яшашлари керак?

А) Инсон дунёга икки марта келмайди. Ажралиш ҳақида судга ариза бериб, ҳаётларини бошқатдан бошлашлари керак;

Б) Нигора болаларни олиб алоҳида яшаши, фарзандларининг тарбияси билан ўзи шуғулланиши, Жамшид эса уларга моддий ёрдам бериб туриши керак;

В) Дунёқарашларининг турлича бўлишларига қарамасдан мураса қилишлари, келишишлари, ҳар бири ўзида бўлган яхши нарсаларни секин-аста ётиғи билан бошқасига сингдириши, ёмонини йўқотишга ҳаракат қилиши лозим. Вақт бу сай-ҳаракатларнинг бекорга кетмаслигини, келажакда улар бирваракайига, қутилмаганда мева бера бошлашларини кўрсатади. Бу мевалар уларнинг бора-бора бир-бирларини тушуна бошлашлари, болаларининг қанотларига кириб, уларнинг ҳурмат-иззатларини жойига қўядиган яхши фарзандлар бўлиб етишишлари, ўзлари эса жамиятда ўз ўринларини топишлари, бахтли бўлишларидан иборатдир. Оилани бузиб, бошқа ҳаёт қуришдан иборат иккинчи йўл эса уларни тушқунлик ботқоғига, бахтсизлик ботқоғига ботиради. ҳар бири учун ҳам иккинчи турмуш ўйлаганларидек роҳат-фароғатдан, жаннатдан иборат эмаслиги, уларнинг хом ҳаёл, сароб эканлиги аён бўлади. Чунки жамиятда ҳар томонлама дунёқарашлари бир-бирига мос келадиган, бир-бирига ҳар томонлама айнан мос бўлган инсонларнинг ўзи мавжуд эмас. Табиатнинг ўзи шундай яралган. Табиатни ўзгартираман деган одамнинг ўзи телбадир. Бас, шундай экан ҳар бир ҳаётдан умиди бор инсон кўз очиб кўргани билан муомалада бўлиб, оёғининг тагига эмас, балки келажакка қараб қадам ташлаши, ақл билан иш кўриши, атрофга назар ташлаши, ҳаётни кузатиши, ундан хулоса чиқариши, катталарнинг гапига қулоқ солиши, ўз қобилигига ўралиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда ўзини ўзи бахтдан маҳрум қилган, фақат ўзини эмас, балки ўзининг калтабинлиги туфайли мутлақо беайб бўлган, фаришта бўлиб, умид билан дунёга келган бошқа инсонларнинг ҳаётини бадном қиладилар. Бу билан ўзлари яшаб турган жамиятнинг инқироzi учун «ҳисса» қўшган бўладилар. Инсон эса жамиятда фақат ширин орзу-ўйлари, эзгу ишлари билан яшамоғи лозим.

«Болаларни тушуниш катта маҳорат талаб қилади!»

Масала 23. Мустақиллик байрами муносабати билан иккинчи синф ўқитувчиси Раъноҳон ўқувчиларга ёдлаш учун шеър бўлиб бераётган эди. Бобир билан Баҳром милиционер ҳақидаги шеърга талашиб қолишди. Раъноҳон қанча изламасин милиционерлар ҳақида бошқа шеър топа олмади.

Ўқитувчи вазиятдан қандай чиқиши керак?

А) бирига шеърни ёдлашга бериб, иккинчисига шеър айтилаётганда милиционернинг сафда юришини машқ қилиб беришини топшириши керак;

Б) бирига шеърни ёдлашга бериб, иккинчисига мажбурий равишда бошқа шеърни ёдлашга бериши керак;

В) боланинг кўнгли нозик. Уларнинг ўқишга бўлган иштиёқини, ўқитувчига бўлган меҳрларини сўндирмаслик учун уларнинг иккаласига ҳам бошқа ўзларига ёқадиган шеърни ёдлашга бериши ёки милиционерлар ҳақидаги шеърни иккаласига ҳам ёдлашга бериши ва биргаликда айтиб беришларини топшириши керак.

«Тарбиядаги кичкина хато кейинчалик катта жиноятга олиб бориши мумкин!»

Масала 24. Кунлардан бир кун Ботир ўйнаб юрганида қўшнисининг товуғи уларнинг пичанхонасига тухум қўйиб юрганлигини билиб қолди. Югуриб бориб йиғилиб қолган тухумларни олди-да, ойисига олиб бориб кўрсатди. Ойиси: Майли, қўявер, қўшнимиз билиб ўтирибдими товуқларининг қаерга тухум қўйиб юрганлигини. қайтанга яхши бўпти. Билиб қолгунларича ҳар куни ўзинга биттадан пишириб бераман, - дебди. Шу кўйи Ботир ҳар куни товуқни пойлайдиган, тухумларини ойисига олиб келиб берадиган бўлди. Она шу тарзда Ботирнинг бундан бошқа ҳам майда-чуйда «топарманлиги»га эътибор бермай, аксинча буни рағбатлантирадиган бўлди. Натижада йиллар ўтиб, Ботир кунларнинг бирида катта «иш»га қўл урди ва жиноят курсисига ўтирди.

Она фарзандининг дастлабки «ёшлик қоқилиши»га нисбатан қандай йўл тутиши керак эди?

А) қўшнисидан кечирим сўраб, фарзанди олиб келган тухумларни олиб бориб бериши ва воқеани тушунтириши керак эди;

Б) Фарзандига: майли олган тухумларининг ярмини қолдириб, қолганларини қўшнимизга олиб чиқиб бергин-да, воқеани тушунтир. Лекин бундан бўён бундай иш қилмагин, - дейиши керак эди;

В) Фарзандига қуйидагиларни ўқдириш керак: Олган тухумларининг даров қўшнимизга олиб бориб бер. Бу қилган ишинг яхши эмас. Улар ҳам товуқларига дон бериб, сув бериб, сенга ўхшаган болаларини боқиб, катта қиламан, деб юришибди. Иккинчидан бировнинг игнадай бўлса ҳам нарсасини ўзларига билдирмай олиш – ўғирлик бўлади. Бировнинг ўзларига керак ёки керак эмас нарсасини сўраб олиш эса, тиланчилик бўлади. ҳар бир нарсани ўзинг меҳнат қилиб топишинг керак. Ана ўшанда у ширин ва қадрли, беминнат бўлади. Ўзинг эса меҳнатга ўрганасан. Меҳнат инсонни кўкларга кўтаради, ўғирлик эса ботқоққа ботиради.

«Фарзандингизни яхши ишлари учун рағбатлантириб бординг»

Масала 25. Ўртоқлари билан ҳар куни қувнаб ўйнайдиган Нигора бугун ўйнагани чиқмади, чунки ойисининг мазаси қочиб, уйда иситмалаб ётар эди. Нигора: қандай қилиб ойимга ёрдамлашсам экан, - деб ўйлар эди. Аммо у овқат қилишни ҳали билмас, йиғилиб қолган бир талай кирни кеча ойиси ювиб қўйган эди. Ниҳоят нималарнидир режа қилиб, ишга уннай кетди. Чала қилиб уйни супурди. қўлининг кири билан нари-бери қилиб пиёлаларни ювди. Ойисига чой қўйди. қизининг ивирсилаб тақир-туқир

килиб юрганидан хавотирланган она ўрнидан туриб, уни навбатдаги иш устида кўрди. Онанинг бу вазиятда қизига бўлган муносабати:

А) Уйни ҳам шунақа супурадим, қизим? Бу – пиёлаларни ювганингми ёки ювмаганингми?

Б) Пиёлаларни ўзи ювиб қўйди. қизига: ҳеч нарсага тегма, тузалганимда ўзим қиламан. Бор, сен ўйнайвер, - деди;

В) Вой, асал қизим, катта бўлиб қолибсан-ку. Сен менга чой қўйиб, уйларни супуриб, ёрдамчи бўлиб қолганингга шукур. Фақат-чи, қизим, пиёлаларни ювишдан олдин қўлни яхшилаб ювиб олиш керак. Кейин уй супурганда бир четдан, тозалаб супуради. Хўпми, қизим? – деб қизининг пешонасидан ўпиб қўйди.

«Инсон хотираси муқаддасдир!»

Масала 26. Хосият опа оламдан ўтганларидан кейин унинг тилла тақинчоқларига талашиб, аразлашиб қолган икки қизи, оналарининг қариндош-уруғлар йиғилиб, ўтказаетган маъракаларидан бирига келмади.

Бундан хижолат бўлган кенжа қиз қандай йўл тутиши керак?

А) Келмаса-келмас деб ўзлари ўтказаверишлари керак;

Б) Бориб опаларини мурасага келтиришга ҳаракат қилиши, тилла тақинчоқларни қандай тақсимлаш ҳақида маслаҳатлашиб олишлари керак;

В) Опаларининг олдига бориб, бу ишларининг номаъкул эканлигини тушунтириши, бундай қилсалар эл-юрт олдига номусга қолишлари, оналарининг руҳи-поклари безовта бўлишини, шаънларига доғ тушишини айтиши, маъракаларни ўтказиб бўлгандан кейин бу масалани шароитга қараб бафуржа ҳал қилиш мумкинлигини уқдириши керак.

«Тўғри маслаҳатни олмаган – нодон!»

Масала 27. Шоира қишлоқдан келди-ю, ўзгарди-қолди. Ўзига бино қўядиган, дугоналарини менсимайдиган бўлиб қолди. Унинг олдига таниш-билиш йигитлари тез-тез келиб турадиган, узоқ қолиб кетишадиган, хонадош дугоналарининг дарс қилишлари, дам олишларига ҳалақит берадиган бўлишди. Бундан хабар топган курс раҳбари Шоирага мураббийга хос босиқлик билан, эҳтиёткорона маслаҳат берди. Шоира бунга жавобан: Мен сизнинг фанингиздан ва бошқа фанлардан яхши ўқийманми, дарс қолдирмайманми, жамоат ишларида қатнашаманми, бўлди-да. қолгани мени шахсий ишим бўлса керак, - деб жавоб берди.

Курс раҳбари бунга қандай жавоб бериши ва қандай чоратadbирлар кўриши керак?

А) ҳақиқатда Шоира яхши ўқийди. Унинг устига юқори курс талабаси. Ўз шахсий ҳаётини қуриш ҳақида ўйлаши керак. Шунинг учун Шоирага ҳеч нарса демаслик керак;

Б) Шоирахон, тўғри, яхши ўқийсиз, ҳамма ишда фаолсиз. Лекин таниш-билиш йигитларингиз билан хонада эмас, ташқарида гаплашганингиз маъқул, - деб маслаҳат бериши керак;

В) Яхши ўқиганингиз, жамоат ишларида фаол қатнашганингизнинг ўзи етарли эмас. қиз бола ифбатли, ҳаёли, иболи бўлади. Ота-онангиз сизни ўқишга юбора туриб, тақдирингизни биз педагоглар, тарбиячиларга ишониб топширган. Биз сизнинг ҳам таълимингиз, ҳам тарбиянгиз учун жавоб берамиз. қолаверса, бу бизнинг акалик, ота-оналик, инсонийлик бурчимиз. Шунинг учун маслаҳатларимизга қулоқ оссангиз, ўзингизнинг фойдангиз, ўзингизнинг бахтингиз. Буни ҳозир тушунмасангиз, кейин тушунасиз. Бунақа ҳаётга енгил қараманг. Кейин кеч бўлади, синглим. Ўшанда афсусланишнинг ҳожати йўқ. Агар бундай номаъқулчиликларни давом эттираверадиган бўлсангиз, ота-онангизга бу ҳақда маълум қиламан ва масалангизни курс мажлисига қўяман.

«Оилада фарзандлар орасидаги меҳнат тақсимотига эътибор беринг!»

Масала 28. Якшанба куни. Насиба опа қизлари билан уйда. Катта қизи кир ювмоқда. Кичкина қизи телевизор томоша қилиб ўтирибди. Насиба опа ош дам еганини, уни сузишини айтди. Катта қизи кирларини ҳали бўлмаганини, уни чайиб, осиш кераклигини айтди. Насиба опа нима қилиши керак?

А) қизи кирларини чайиб, ёйиб бўлишини кутиши керак;

Б) Кичик қизи билан иккалови ошни сузиб еяверишларини, катта қизи кирини бўлса, ўзи ошини солиб еяверишини айтиши керак;

В) Кичик қизига: тур, қизим, опангнинг кирларига чайишиб, ёйишиб юбор. Биргаликда тез бўласизлар. Синглиси опасига ёрдамчи бўлиши керак. Кейин ҳаммамиз биргаликда овқатланамиз, дейиши керак.

«қайинона - келин муносабатлари - оила мустаҳкамлигини белгиловчи омиллардан бири!»

Масала 29. қайинона келинларининг ўзаро инок эмасликларини, уларнинг тез-тез жанжаллашиб қолишлари, уйда ҳам, кўчада ҳам бир-бирларининг ғийбатларини қилишларидан бағри эзиларди. Бу ҳолнинг сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларингиз.

Келинларнинг ўзаро муносабатларини яхшилаш омиллари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

А) қайинона келинларининг қайси бири олдида келиб, иккинчи келинини ёмонласа, у ҳам келинининг гапини маъқуллар, устига-устак ўзи ҳам арзиган-арзимаган камчиликларини гапириб, кўшилишар эди. Натижада келинлар бир-бирларининг олдида тобора ёмон отликқа чиқиб

борар, учрашганда бир-бирларининг камчиликларини юзларига солишар, орада жанжал кўтарилар эди;

Б) Келинлар яхши тарбияланмаган, маънавий қашшоқ оиладан бўлиб, унинг устига катталарнинг маслаҳатига қулоқ олишмас, ўз билганларидан қолишмас, “Мен сендан камми”, - деган қабилида иш тутишар эди. қайинонанинг келинларига бир хил муносабатда бўлмаслиги, уларни бир-биридан ажратиши, бошқаларнинг келинларини мақтаб, ўзининг келинларини уларнинг олдида камситиши ҳам бу машмашаларга қисман сабаб бўлар эди;

В) Қайинона келинлари учун доно маслаҳатчи бўлиши, уларни ўз кизидек кўриши, барчасига бирдек муносабатда бўлиши, камчиликларини яшириб, яхши томонларини ошириб, рағбатлантириб бориши, келинларининг бири иккинчисининг камчиликларини айтиб, ёмонлайдиган бўлса, инсон камчиликсиз бўлмаслиги, борини кечириб, муроса қилиш кераклиги, ҳамма гап ўзаро меҳр-оқибатда, ҳурматда эканлигини тушунтириши, уйдаги гапни кўчага чиқармаслиги, оиланинг сири муқаддас эканлигини уқдириши, келинларининг ўзаро иноқ бўлишларига ҳар томонлама кўмаклашиши, уй юмушлари тақсимотида одил бўлиши лозим. Бунинг учун эса ҳар бир қайинона турмуш масалалари бобида зиёли бўлиши, ўқиб-уққан, ҳаётни кўп кузатган, оқил мулоҳазали, мустақил фикрга эга бўлиши лозим.

“Фарзандингизни ёшлигидан ҳалолликка ўргатинг!”

Масала 30. Болангиз югурганича кўчадан кириб келди, кўлида чиройли машинача. Бу ўйинчоқ ўртоғи Бобирники, кўчада унутиб қолдирган. Болангиз: ўйинчоқ меники бўлақолсин, ойижон, уйда ўзим ўйнайман, - деди. Сизнинг муносабатингиз.

А) Жуда чиройли экан, майли, яшириб қўяқол. Унинг бошқа машиналари кўп;

Б) Бироз вақт ўйнагин-да, кейин олиб чиқиб бер. Бировнинг нарсасини олишга ўрганма. У сенинг нарсангни олса, яхши бўладими? Бунинг ўрнига нарсаларингни, ўйинчоқларингни яхши асраб, биргаликда ўйнанглар. Ўшанда яхши ўртоқ бўласизлар. Катта бўлганларингда бир-бирларингга ёрдам берадиган бўласизлар. Яхши одамлар шунақа бўлишади.

“Болаларингизни нарсаларни эҳтиёт қилиб, асрашга ўргатинг!”

Масала 31. Ручкасини йўқотиб қўйган Жамшид мактабга кетиш олдидадан опаси Мастуранинг ручкасини талашиб, синдириб қўйди. Иккаловига ҳам ручкаларни яқинда олиб беришган эди. Оила аъзоларининг бу ҳолатга бўлган муносабатлари.

А) Опаси Жамшидни калтаклаб кетди;

Б) Дадаси: Битта ручка бир ҳафтага етмайди. Бўлди энди ручка олиб бермайман. Нима қилсанг қилавер, - деб жаҳл билан ишга чиқиб кетди;

В) Ойиси: Жамшид, ўғлим, талашганингда нима бўлди энди – бутун ручка синди. Опангдан яхшилаб сўраганингда у ручкасини бериб турар эди. Мана энди яна иккита ручка олишга тўғри келади. Шунинг учун ҳамма нарсани авайлаб тутиш керак. Ана ўшанда мен билан дадангнинг ойлиги тежелади. Тежалган пулга ўзларингга бошқа нарсалар олиб берамиз.

“Ноз-неъматни увол қилманг!”

Масала 32. кумри хола келини Лоланинг пиёласида тоза ичилмай қолган шакарни кўриб: Болам, пиёлангизнинг тагида шакар қолибди, тозалаб ичиб қўйсангиз бўларди – увол бўлади, - деди. Бунга келинининг жавоби:

А) Вой-бўй, шу озгина шакар билан бой бўлиб қоламизми? Ювиб ташлайверинг;

Б) Шакар тугаб қолади, деб кўрқаяпсизми? Дадамга айтаман, бир қоп шакар олиб келиб беради;

В) Хўп, ойижон, узр, шошиб турган эдим-да, деб чой қуйиб ичиб қўйиши керак.

“Сепли келин бўлма, эпли келин бўл!”

Масала 33. Умида опа қўшнисиникидан кайфияти бузилиб чиқди. қўшниси келинининг сарупоси, тилла тақинчоқлари, тўйларида қилинган тоғораларни айтиб, роса мақтанди. Умида опанинг келинига онаси ақлли битта зирак ҳам қилмагани, саруполарининг ҳам тайини йўқлигини эслаб, ичидан ўкинди. Ўзини кўярга жой тополмай, охири ўғлига ёрилди. Келинига ва унинг оиласига нисбатан аччиқ гаплар қилди.

Умида опанинг тутган йўлини баҳоланг. Бу вазиятда ўғил қандай йўл тутиши лозим?

А) Ўғил онаси айтган гапларини хотини билан муҳокама қилиши керак;

Б) Ўғил онасига: Ойи, келинингизни ўзингиз ёқтириб, орзу-ҳавас билан келин қилган бўлсангиз, ҳурматингизни жойига қўяётган бўлса, хизматингизни қилаётган бўлса, шу керак эмасми, сизга. Сарупоси мундоқроқ бўлса, нима бўпти. Сарупоси минг яхши бўлганда ҳам икки-уч йилда тугайди. Кейин нимаси билан мақтанади шу қўшнингиз? Ундан кўра келинининг фазилатларини мақтасин. Ўрнат бўлади бошқа келинларга. Сизнинг келинингиз бу томондан ҳеч бошқа келинлардан қолишадиган жойи йўқ. Сиз ҳам минг мақтансангиз арзийди келинингиз билан. қаёқдаги гапларни гапириб юрибсиз. Шукур қилин, ойи. Келинингиз билан яхшимисиз. Энг муҳими шу. қолган нарсалар тинч-омонлик, соғ-саломатлик, хотиржамлик бўлса, топилади;

В) Умида опа кўшнисининг гапларидан ҳафа бўлмасдан, кўнглини кенг тутиши, “ҳа, бор экан, ота-онаси қилибди, йўқ бўлса нимани қилар эди. ҳаммаси бахтга бўлсин, кўша қаришсин, ўвали-жўвали бўлишсин. Бизнинг келинимизнинг сарупоси берироқ бўлса ҳам, келиним, айланай, тилла. Мени кўярга жой тополмайди. Оғзидан бол томади. Ота-онаси жуда яхши тарбия берган экан қизига, барака топсин. Ўғлим ҳам жуда хурсанд”, - дейиши керак эди.

“Севгини асранг!”

Масала 34. Рустамжон курсдоши Дилдорани яхши кўрди. Дилдоранинг ота-онаси якка-ю ягона қизлари бўлишига қарамасдан, уни, ёшлар бир-бирларини яхши кўрганлари учун, Хоразмдан Фарғонага келин қилиб узатишди. Орадан бир йил ўтгач Дилдора ўғилли бўлди ва ўқишидан академик таътилга чиқиб, Фарғонага кетди. Рустам эса ўқишда қолди. Анча вақт ўтгандан кейин Дилдора шаҳарга келганида, курсдошлари Рустамнинг бошқа бир қиз билан юраётганини айтишди. Буни эшитган Дилдора катта жанжал кўтарди ва ҳеч нимани суриштирмасдан Фарғонага бориб, ўғлини олиб, Хоразмга ота-онасининг олдига кетиб қолди.

Рустамнинг ота-оналари қандай чора кўришлари керак? Дилдоранинг тутган йўлини қандай баҳолайсиз? Бундай воқеалар содир бўлмаслиги учун қудалар қандай чора-тадбирлар кўришлари керак эди?

А) Рустамнинг ота-оналари бўлган гапнинг охирига етишлари, ўғилининг хато қилганлигини тушунтиришлари, қудалариникига бориб, улар билан келишиб, келинларини олиб келишлари керак ва ўғли билан келинларининг бир жойда бўлишларини таъминлашлари керак;

Б) Дилдора бу гапни эшитгандан кейин, уни ҳар томонлама суриштириши, Рустам билан бафуржа гаплашиши ва оиланинг бузилмаслик чораларини кўриши керак;

В) Қудалар фарзанд туғилгандан кейин кўпайишган оиланинг бир жойда бўлишини таъминлашлари, уларнинг ҳол-аҳволи, турмушларидан хабардор бўлиб туришлари керак эди.

“Ёшлар муҳаббатига тўсқинлик қилманг уларнинг бахтига зомин бўласиз!”

Масала 35. Икки ёш бир-бирини чин дилдан яхши кўришади. Лекин уларнинг турмуш қуришларига ота-оналари норози. Шунда улар қочиб кетишга қарор қилишди. Бунга сиз қандай қарайсиз?

А) Икки ёш бир-бирини яхши кўришар экан, улар турмуш қуришга қатъий аҳд қилганларидан кейин энг аввало бу ҳақда ота-оналарига маълум қилишлари лозим. Бир умрга қилинадиган бу аҳду паймон пухта ўйланиб, ҳар томонлама маслаҳатлашилиб амалга оширилиши лозим. Ота-

оналар ёшларнинг қалб амрларига қарши иш тутмасликлари керак. Бу борада эътиборга олиниши лозим бўлган энг асосий масала икки ёшнинг бахтли бўлишидир. ҳар қандай ечим шу масаланинг ижодий ҳал қилинишига қаратилмоғи лозим. Албатта, ёшлар “Ёшлик” ларига бориб адашишлари мумкин, эҳтиросларига, алдамчи ҳиссиётларига, субъектив баҳоларга берилишлари мумкин. Ота-оналар, қон-қариндош, маҳалла кўй бу соҳада ёшларга одил, самимий маслаҳатчи, кўмакчи, йўл кўрсатувчи бўлишлари лозим;

Б) Агар ота-оналар ёшларнинг турмуш қуришларига у ёки бу сабабларга кўра норози бўлсалар, бу ҳолда ёшларнинг уларнинг розилигисиз турмуш қуришларини маълум шароитларда бир қадар ёқлаш мумкиндир. Лекин масаланинг бундай ечими ёшларнинг тўла қонли бахтли бўлишлари учун мавжуд имкониятларнинг аксарият қисмини йўққа чиқаради. Ёшларнинг ҳаракати катта қийинчиликлар билан мазмунсиз кечади. қуда-андалик муносабатлари бузилади. Орада ноҳуш ҳолат, вазият юзага келади. Шу сабабли масалани иложи борица ота-оналарнинг, қавму-қариндошнинг розилиги билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

“Транспортда юришнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд!”

Масала 36. Йигит билан қиз йўлда такси тўхтатишди. Улар таксига қандай ўтиришлари керак?

А) Йигит ҳайдовчининг олдида ўтириб, қизнинг орқага ўтиришини айтиши керак;

Б) Таксининг орқа эшигини очиб, қизни ўтқазиб, ўзи ҳайдовчининг олдида ўтириши керак;

В) Таксининг орқа эшигини очиб қизни ўтқазиб, кейин унинг ёнига ўзи ўтириши керак, чунки такси йўлда яна йўловчи оладиган бўлса, орқа ўриндиққа ўтирган йўловчи, агар қиз таксига йигитдан кейин ўтирса, бегона киши билан ёнма-ён ўтириб қолади.

Масала 37. Шоирани қимматбаҳо кўйлак кийиб келгани учун синф раҳбари дарсдан чақириб олдида, уйига бориб, бошқа оддий кийим кийиб келишини айтди. Бу ҳолатга оила аъзоларининг муносабатлари?

А) Дадаси қизига: ўқитувчининг сенинг кийган кийиминг билан нима иши бор экан? Бор мактабга боравер. Ўқитувчининг бекор айтибди;

Б) Ойиси: қизимни қандай кийинтириш менинг ишим. Синфидаги баъзи қизларга ўхшаб, қизим мактабга бир пуллик кийимда борсинми?

В) Бувиси набирасига: Ўқитувчинг тўғри айтибди, қизим. Мактабга ўзингни кўз-кўз қилгани бормайсан, билим олгани борасан. Иккинчидан, бошқа ўртоқларинг олдида сенинг ажралиб туришинг яхши эмас. Уларнинг ота-оналарининг қизларини сенга ўхшаб кийинтиришларига имкониятлари бўлмаслиги мумкин. Бундан уларнинг кўнгли ўксиди. Демак, бу билан

сен уларни хафа қилган, қалбини чўктирган бўласан. Шунинг учун ўқитувчининг айтганини қилиб, мактабга оддийроқ кийимларингни кийиб бор.

“Педагогика назарияси” фанидан вазиятли топшириқлар тўплами

Маънавият ҳақидаги маърузадан сўнгги ёзиб қолдирилган хат: “Педагогика бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам ўқитувчи виждони ҳақида камдан-кам гапирилади. Уни қандай изоҳлаш мумкин?” Сиз «ўқитувчи виждони» деганда, нимани тушунаси? Ўз фикрингизни илмий асосланг.

2. Ёзма рефлексия учун ўқувчиларга мавзу берилди: “Бугунги кундаги тарбиянинг энг характерли белгисини айтинг”. Болалар турлича жавоб беришди: улар сиёсий маданиятни оширишдан, телевизорда наркотик моддаларни истеъмол қилишга қарши мавзуларда реклама беришгача. Синф хонаси баҳс майдонига айланиб кетди. Сиз синфдаги баҳс санъатини қандай ташкил этган бўлардингиз?

Синфда субкультура тушунчаси атрофида мунозара бошланди. Кимдир уни ижобий баҳолаган бўлса, кимдир салбий фикр билдирди. Сиз мазкур тушунчани қандай изоҳлаган бўлардингиз?

Бир машҳур педагогнинг хотира дафтарида шундай фикр ёзиб қўйилган: “Иқтидорли бола – меъёрдан оғишган бола”. Мазкур фикрга сиз қандай муносабат билдирасиз?

Сиз синфхонага дарс ўтишга кирдингиз. Бироқ хона ифлос. Қоғозлар сочилиб ётибди. Сиз синфдаги бир ўқувчи қизга қоғозларни териб олишни айтдингиз. Лекин қиз сизга қоғозни у ташламаганлиги, шунинг учун олишга мажбур эмаслигини билдирди. Сиз мазкур вазиятда қандай йўл тутардингиз?. Ўзингиз тутадиган йўлни илмий жиҳатдан асослаб беринг.

Тарбияси оғир ўсмир. Бироқ кимнингдир дарсида у жим ўтиради, ҳамма нарсани вақтида бажаради. Бироқ сизнинг дарсингизда эса, ўзини тартибсизлигини намойиш этади. Сиз мазкур вазиятдан қандай чиқишингиз мумкин?

Сиз ишлайдиган педагогика коллежидаги бир нечта ўқувчига ўзингиз ўтаётган фандан 1-семестр бўйича баҳо қўймадингиз. Бироқ ўқув йили якунида журналда мазкур ўқувчиларга баҳо қўйилганининг гувоҳи бўлдингиз. Сиз ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига учрашдингиз. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари уларга баҳони гуруҳ раҳбари қўйиб юборганини айтди. Мазкур вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

Сиз коллеж раҳбарисиз. Қўл остингиздаги ўқитувчингиз эрталаб ишга келиб, 1-парани тугатиб уйига кетиб бораётган эди. Сиз қаерга кетаётганини сўраганингизда, дарсини ўтиб бўлиб, уйга кетаётганлигини

айтди. Сиз иш вақти тугамаганлигини айтдингиз, бироқ ўқитувчи индамасдан кетиб юборди. Мазкур вазиятни баҳоланг ва уни ҳал этинг.

Сиз коллеж раҳбари сифатида Педагогик Кенгаш ўтказаяпсиз. Лекин орқада ўтирган ёш ўқитувчилардан иккитаси гапни эшитмасдан, ўзаро гаплашиб ўтиришибди. Сиз огоҳлантириш бердингиз. Лекин улар мазкур ҳолатни қайта такрорлашиб ўтирибди. Мазкур вазиятни баҳоланг. Сиз қандай йўл тутар эдингиз?

География дарсига ҳар доим тайёр бўлиб келадиган Суннатни ўқитувчи доскага чақирди. Бироқ у тайёр эмаслигини айтди. Ўқитувчи унга икки баҳо қўйди. Суннат индамасдан жойига ўтирди. Суннатнинг уч кун олдин бувиси вафот этган эди, шунинг учун у дарсга тайёрлана олмаган эди. Сиз сабабни билган ва билмаган ҳолатда тутишингиз мумкин бўлаётган вазиятни шарҳланг.

Сизни 9-синф битирувчилари битирув оқшомига таклиф этди. Кетма-кет қўнғироқлар бўлаверди. Сизни бошқа жойга ҳам меҳмонга таклиф этишган. Сиз мазкур вазиятда қандай йўл тутардингиз?

Одатда, тез-тез ўқитувчилар жамоаси ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида “ўзаро масофавий чегара” бўлиши лозимлигини таъкидлашади. Сизнингча, бундай “ўзаро масофавий чегара” нима? Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги “ўзаро масофавий чегара”ни қандай баҳолайсиз?

Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида дўстлик бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам турлича фикрлар бор: кимдир ўқитувчи ўқувчи билан дўстона муносабатда бўлиши зарур, деса, кимдир эса, аксинча. Сиз ўзингизнинг шахсий баҳонгизни илмий асослаган тарзда баён этиб беринг.

Тасаввур қилинг: Сиз ўқувчингизга билим – куч эканлигини тушунтирмоқчисиз. Буни қандай уддалайсиз?

Индивидуаллик. Бу тушунча билан бирга индивидуализм тушунчаси ҳам ишлатилади. Сиз қуйидаги тушунчаларни амалий педагогик нуқтаи назардан изоҳланг: “ўқувчининг индивидуаллиги”, “шахсдаги индивидуализм”.

16. Сергели туманидаги 268-мактабнинг биология фани ўқитувчиси “Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари” бўлганлиги учун дарсларни ҳам вақтида ўта олмас эди. Дарсларни ўтган вақтида ҳам ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиб бормасди. Ўқув йилнинг биринчи чораги тугаб, ўқувчилар таътилга чиқишганида ўқитувчи уларнинг чораклик баҳоларини қўйиб қўйганди. II чорак бошлангач ўқувчилар синф раҳбарларидан биология фанидан қўйилган баҳоларни эшитиб хайратланиб қолишди. Чунки баҳолар ўқувчилар томонидан олинмаган эди.

Ўқитувчи тўғри иш қилган деб ўйлайсизми?

Ўқитувчи таълим олганликни ташхислашнинг қайси тамойилларини бузган?

Ўқитувчининг ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бундай назорат қилиши уларнинг билим олишларига салбий таъсир кўрсатадими?

17. Эрталаб соат 8.00. Ҳали мактабда дарс бошланишига ярим соат бор. Икром эртача келгани учун ташқарида турмасдан кимё фани ўқитувчисининг

хонасига борди. Хонада кимё ўқитувчи билан бирга адабиёт ўқитувчи гаплашиб ўтирган эди. Икром кимё ўқитувчисидан кириб ўтиришга рухсат сўради. Синфга кириб жойлашди-да, кимё китобини олиб дарсга тайёрлана бошлади. Бироқ хаёли бўлиниб кетаверди. Чунки адабиёт ўқитувчиси кимё ўқитувчисига Икром ўзини ҳам, дарсини ҳам яхши кўрадиган география фани ўқитувчисини ёмонлашарди. Мазкур вазиятга баҳо беринг. Вазиятнинг ўқувчига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини изоҳланг.

Она тили дарси. Эшик очилиб, узр сўраган ҳолда 9-«Б» синф ўқувчиси Барно ўқитувчидан 6-«А» синф журнаlinesи география фани ўқитувчисига бериб туришни сўради. Бироқ ўқитувчи журнални ўзи тўлдираётганлигини айтди. Бир оз ўтиб, ўқувчи яна қайтиб келди. Бу сафар беш минутга бериб туриш сўралган эди. Ўқитувчи яна ўзи ҳам ўқувчиларни баҳолаётганлигини айтиб, журнални бермади. Бир оз вақт ўтиб, география фани ўқитувчисининг ўзи келди. Эшикни очиб, тўғри кириб келди ва она тили фани ўқитувчисига бақириб кетди. Турли ҳақоратли сўзлар айтиб, ўқитувчини ўқувчилар олдида изза қилди. Бироқ она тили ўқитувчиси ҳам қараб ўтирмади. У ҳам география фани ўқитувчисига журнални бермаслигини, синфдан чиқиб кетишини айтди. Вазиятни таҳлил этинг ва педагогик этика нуқтаи назаридан унга баҳо беринг.

19. Чизмачилик дарси. 9 «В» синфнинг икки ўқувчиси – Шухрат ва Элмурод анъанавий тарзда дарсга кечиқиб келди ва ўқитувчидан ўтиришга рухсат сўради. Бироқ ўқитувчи киришга рухсат бермади. Ўқувчилар эса, синфга барибир киришларини зарда билан айтишиб, чиқиб кетишди. Орадан беш минут ўтиб, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарини айтиб келишди. Директор ўринбосари кириб, ўқитувчига ўзи уч кундан бўён дарсга келмасдан, бугун ўқувчиларни дарсга киритмай ўтириши мумкин эмаслигини айтди-да, ўқувчиларга синфга киришини айтди. Ўқитувчи эса, ўқувчиларни синфга кирмаслигини айтиб, эшикни ёпиб олди. Мазкур вазиятга баҳо беринг. Раҳбарлик маҳорати ва ўқитувчи компетентлиги нуқтаи назаридан вазиятни таҳлил этинг.

Адабиёт дарси бошланмоқда. Қўнғироқ чалиниб, ўқитувчи синфга кирганида, ўқувчилар ўзаро бир-бири билан жанжаллашиб турганини, Шухрат Достонни бўйнига занжир солиб бўғиб турганини кўрди ва югуриб уларнинг олдида борди. Шухратни қўлидан тортиб, Достондан уни ажратиб олди. Бироқ Шухрат Достонни қўйвориши билан у бор бўйи билан полга ағдарилиб тушди. Ўқувчилардан бири синфхонада турган сувдан бир ҳовуч олиб келди-да, Достоннинг юзига сепди. Достонни ўзига келтириб олишди ва ўқитувчи ўқувчилардан иккитасидан уни уйига олиб боришини илтимос қилди. Бироқ ўқитувчи мазкур ҳолатни раҳбариятга маълум қилмади. Сиз мазкур вазиятни қандай баҳолайсиз? Ўқитувчи тутган йўлга ўз муносабатингизни билдиринг.

21. Тарих дарси. Дарсининг ўртасида 6-синф ўқувчиси Абдурахмон эшикни тақиллатиб, узр сўраб, ўқитувчини чақирди. Ўқитувчи унинг киришига рухсат берди. Ўқувчи ўқитувчига ҳозир уларда она тили дарси эканлигини айтди. Бироқ ўқитувчи унинг дафтарини йиртиб ташлаганлигини

айтиб, ўқитувчидан харита кўрсатадиган таёқчани бериб туришини сўради. Ўқитувчи ҳайрон қолиб, таёқчани нима қилишини сўради. Ўқувчи эса, ўқитувчини урмоқчи эканлигини айтди (Ўқитувчи аёл киши эди). Ўқитувчи бундай қилиш, умуман, тўғри эмаслигини, ўқувчининг ўзидан айб ўтганлигини айтиб тушунтирмоқчи бўлди ва ўқувчидан дарсга қайтиб боришини сўради. Бироқ ўқувчи ўқитувчининг дарсига кирмасдан, шу ерда ўтираман, деб туриб олди. Шундан сўнг ўқитувчи синфдаги ўқувчиларга топшириқ берди ва ўқувчини олиб, хонасига борди. Ўқитувчини узр сўраб, ташқарига чақирди ва ўқувчиларни ўзидан бездирмасликни илтимос қилди. Ўқитувчи эса, ўқувчилардан шикоят қилиб кетди. Тарих ўқитувчиси эса, шу синф ўқувчиларига у ҳам дарс ўтишини, уларга шахсга йўналтирилган тарзда муносабатда бўлишни илтимос қилди. Вазиятга баҳо беринг. Нега ўқувчилар она тили ўқитувчисини ҳурмат қилишмайди? Вазиятни баҳоланг. Мазкур вазиятда она тили ўқитувчисининг ўрнига ўзингизни қўйиб, вазиятдан чиқиш йўлини тушунтиринг.

Адабиёт дарси. Ўқитувчи ўқувчиларнинг уй вазифаларини текшириб чиқа бошлади. Ҳар доим уй вазифасини бажариб келаётган Жамшиднинг уй вазифаси бажарилмаган эди. Ўқитувчи жаҳл устида уни юзига шапалоқ тушириб юборди. Ўқитувчининг хатти-ҳаракатига педагогик психология нуктаи назаридан баҳо беринг. Ўқитувчининг валеологик тайёргарлиги деганда нимани тушунасиз?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН
ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2010

“Педагогика назарияси” фанидан тест саволлари

1. Қуйидаги методлардан қайси бири билимларни бериш, назорат қилиш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш, тизимлаштиришга хизмат қилади

Видеометод

Демонстрация

Иллюстрация

Машқ

2. Ўқув дискуссиясининг бош мақсади нима

Билишга бўлган қизиқишни рағбатлантириш

Тарбиялаш, ривожлантириш, таълим бериш

Назорат, ўз-ўзини назорат қилиш

Ахлоқий хислатларни шакллантириш

- В) Стилистик диктант, ўқиш техникасини эгаллаш, билимларни мантиқий баён этиш
- С) Билимларни мантиқий баён этиш, оғзаки ҳисоблаш, тез ўқиш
- Д) Тез ўқиш, стилистик диктант, ҳикоя

Қайси оғзаки баён қилиш методи нисбатан қисқа ҳажмдаги ўқув материални ўрганишда қўлланилади?

- А) Маъруза
- В) Сухбат ва ҳикоя
- С) Ҳикоя ва тушунтириш
- Д) Маъруза ва тушунтириш

XX асрнинг 60-йилларида таълимнинг қайси тизими машҳур бўлган?

- А) Трамк режаси
- В) Далтон-режаси
- С) Лойиҳалар
- Д) Бригада-лаборатория

Дарсда ўқитувчининг эътибори бир неча ўқувчига қаратилса, бу вақтда қолган ўқувчилар мустақил ишласалар, таълимнинг бундай шакли қандай аталади?

- А) Индивидуал

- В) Индивидуал-гуруҳли
- С) Оммавий
- Д) Гуруҳий

Ўқитишнинг муайян бир даврда ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириб хулосалаш нима деб аталади?

- А) Назорат қилиш
- В) Ҳисобга олиш
- С) Текшириш
- Д) Баҳолаш

30. Ўқув режасининг қандай турлари бор?

- А) Намунавий, ишчи, муаллифлик
- В) Таянч, намунавий, ишчи
- С) Уқтириш хати, намунавий, ишчи
- Д) Асосий, қўшимча, намунавий

4-вариант

1. Таълим жараёнига таъсир этувчи объектив, муҳим, зарурий, барқарор, такрорланадиган алоқадорлик нима деб аталади?

- А) Таълим қонуниятлари
- В) Таълим методлари
- С) Таълим тамойиллари
- Д) Таълим воситалари

2. Ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда бериладиган, ўқитувчи бу билимларни беришни турли усуллари ташкил этадиган, ўқувчиларга бу билимларни идрок этиш ва англаш, хотирасида эслаб қолишга имкон берадиган билиш фаолияти характери бўйича таълим методини аниқланг.

- А) Репродуктив
- В) Муаммоли баён қилиш
- С) Ахборот-рецептив
- Д) Тадқиқотчилик

3. Қуйидагилардан қайсилари таълимнинг мазмунли тамойилларига киради?

- А) Илмийлик, кўргазмалилик, тушунарлилик
- В) Инсонпарварлик, табиат билан уйғунлиги, фуқаролик
- С) Тизимлилик, онглилик, ҳамкорлик
- Д) Ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, ижодийлик

4. Қуйидагилар орасидан таълимнинг ташкилий-методик тамойилларига кирмайдиганларини аниқланг.

- А) Таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- В) Онглилик ва ижодий фаоллик;
- С) Кўргазмалилик, таълимнинг самарадорлиги ва ишончлилиги
- Д) Фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги

5. Қуйидагилардан қайсилари таълимнинг ташкилий-методик тамойил-ларига киради?

- А) Таълимнинг тушунарлилиги, фуқаролик, тарбияловчи таълим
- В) Гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги, маданият билан уйғунлиги;
- С) Таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- Д) Педагогик ҳамкорлик, таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги

6. Таълимни бошқариш маҳсулдорлиги нималарга боғлиқ?

- А) Таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва тузатишга
- В) Таълимнинг ички ҳамда ташқи рағбатларига
- С) Ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари, моддий-техник таъминотга
- Д) Жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси, жамиятнинг талабларига

7. Ўрганилган материални ўзлаштириш бўйича турли дидактик вазифаларни ҳал этишга қаратилган ўқитувчининг ўргатувчилик, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти йўллари, усуллари нима деб аталади?

- А) Таълимни ташкил этиш шакллари
- В) Таълим методлари
- С) Таълим воситалари
- Д) Таълим тамойиллари

8. Кимни ўқитиш, нимага ўргатиш, қандай ўқитиш каби саволларга жавоб излайдиган педагогиканинг соҳаси қандай аталади?

- А) Таълим методлари
- В) Таълим методологияси
- С) Дидактика
- Д) Тарбия назарияси

Ўқитиш жараёни нима?

- А) Бу икки ёқлама бошқариладиган мақсадга мувофиқ педагогик жараён
- В) Бу – билим, кўникма, малака ҳосил қилиш жараёни
- С) Ўқувчиларнинг мустақил ишларини бошқаришда ўқитувчиларнинг раҳбарлиги
- Д) Тўғри жавоб йўқ

Қайси сўз метод тушунчасининг моҳиятини очиб беради?

- А) Услубийлик
- В) Мақсадга эришиш усули
- С) Тадқиқ этиш
- Д) Биргаликдаги фаолият

Н. М. Верзилин, Е. Я. Голант, Е. И. Петровскийлар қандай асосларга кўра методларни классификация қилишади?

- А) Аҳамиятига кўра
- В) Фаолият типига кўра
- С) Манбасига кўра
- Д) Тизимли ёндашувга кўра

Билиш фаолияти типи бўйича методлар таснифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Амалий, кўргазмали, китоб билан ишлаш, сўз
- В) Тушунтириш-иллюстратив, репродуктив, муаммоли таълим, тадқиқотчилик
- С) Ахборий-ривожлантирувчи, евристик
- Д) Фаол, суст, машқ, видеометод

Қайси таълим тури ўқувчининг билим эгаллаши йўлида ҳар бир қадамни назорат қилишга имкон берадиган, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қийинчиликларни олдини олиш, қизиқишни йўқотмаслик, салбий оқибатларнинг олдини олишга имкон берувчи ўқув жараёнини технологиясини яратишга йўналтирилади?

- А) Муаммоли таълим
- В) Анъанавий таълим
- С) Дастурий таълим
- Д) Тушунтиришли таълим

Педагогик адабиётлар ва мактаб амалиётида ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил этишнинг қандай асосий шакли қабул қилинган?

- А) Табақалашган, индивидуал, оммавий
- В) Оммавий, гуруҳли, индивидуал
- С) Якка-гуруҳий, оммавий, индивидуал
- Д) Интеграциялашган, якка, гуруҳий

Қадим замонлардан мавжуд бўлган ўқитишнинг энг қадимги шакли – бу

- А) Синф-дарс
- В) Индивидуал
- С) Маъруза-семинар
- Д) Лаборатория

Қуйидагилардан қайсилари маъруза-семинар тизимининг асосий шаклларига киради? 1) лаборатория; 2) маъруза; 3) фан тўғараклари; 4) семинар; 5) амалий; 6) олимпиада

- А) 1,2,4,6
- В) 1,2,3,5
- С) 2,3,5,6
- Д) 1,2,4,5

Қуйидаги методлардан қайси бири билимларни бериш, назорат қилиш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш, тизимлаштиришга хизмат қилади?

- А) Демонстрация
- В) Иллюстрация
- С) Видеометод
- Д) Машқ

Ўқув дискуссиясининг бош мақсади нима?

- А) Билишга бўлган қизиқишни рағбатлантириш
- В) Тарбиялаш, ривожлантириш, таълим бериш
- С) Назорат, ўз-ўзини назорат қилиш

Д) Ахлоқий хислатларни шакллантириш

Қуйидагилардан қайси бири оғзаки машқларга мисол бўла олади?

А) Иншо,баён, ҳикоя, оғзаки ҳисоблаш

В) Стилистик диктант, ўқиш техникасини эгаллаш, билимларни мантиқий баён этиш

С) Билимларни мантиқий баён этиш, оғзаки ҳисоблаш, тез ўқиш

Д) Тез ўқиш, стилистик диктант, ҳикоя

Қайси оғзаки баён қилиш методи нисбатан қисқа ҳажмдаги ўқув материални ўрганишда қўлланилади?

А) Маъруза

В) Суҳбат ва ҳикоя

С) Ҳикоя ва тушунтириш

Д) Маъруза ва тушунтириш

XX асрнинг 60-йилларида таълимнинг қайси тизими машҳур бўлган?

А) Трамк режаси

В) Далтон-режаси

С) Лойиҳалар

Д) Бригада-лаборатория

Дарсда ўқитувчининг эътибори бир неча ўқувчига қаратилса, бу вақтда қолган ўқувчилар мустақил ишласалар, таълимнинг бундай шакли қандай аталади?

А) Индивидуал

В) Индивидуал-гуруҳли

С) Оммавий

Д) Гуруҳий

Ўқитишнинг муайян бир даврда ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириб хулосалаш нима деб аталади?

А) Назорат қилиш

В) Ҳисобга олиш

С) Текшириш

Д) Баҳолаш

Таълим олувчининг билим кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш деганда нима тушунилади?

А) Текшириш

В) Ҳисобга олиш

С) Назорат

Д) Баҳолаш

Педагогика ва таълим тарихида таълимни ташкил этишнинг нечта асосий тизими ўрин олган?

А) Учта

В) Тўртта

С) Бешта

Д) Иккита

Қайси таълим тизими яратилгандан буён амалий ўзгаришга учрамаган?

А) Якка

В) Маъруза-семинар

С) Синф-дарс

Д) Тўғри жавоб йўқ

“Осондан қийинга қараб бориш”, “Маълумдан номаълумга қараб бориш”, “Соддадан мураккабга қараб бориш” каби тушунчалар қайси таълим тамойилларига тегишли?

А) Кўргазмалилик

В) Тушунарлилик

С) Ўқувчиларга мос бўлиш

Д) Илмийлик

Қайси таълим тамойилини Я.А. Коменский дидактиканинг олтин қонидаси деб атаган?

А) Табиат билан уйғунлиги

В) Илмийлик

С) Кўргазмалилик

Д) Тушунарлилик

Таълимнинг кўргазмали методларини кўрсатинг.

А) Маъруза, хикоя, суҳбат

В) Лобаротория, машқ, тушунтириш

С) Машқлар, амалий ишлар, дидактик ўйинлар

Д) Демонстрация, иллюстрация

Билиш фаолияти бўйича тасниф қилинувчи таълим методларидан қайси бири кам вақт сарфлаб, катта ҳажмдаги билимни беришни таъминлай олади?

А) Репродуктив

В) Қисман изланиш

С) Тадқиқот

Д) Муаммоли

“Педагогика назарияси” фанидан иккинчи оралиқ назорат саволлари

Жамоа тушунчаси. Унинг ўзига хос белгилари.

Болалар жамоаси шаклланиши босқичлари.

Болалар жамоаси шаклланишининг I босқичи.

Болалар жамоаси шаклланишининг II босқичи.

Болалар жамоаси шаклланишининг III босқичи.

Болалар жамоаси шаклланишининг IV босқичи.

Жамоа фаоли ва уни тарбиялаш .

Тарбия методлари, усуллари., воситалари тушунчалари тавсифи.

Тарбия методлари таснифи.

Ижтимоий онгни шакллантириш методлари.

Фаолиятни ташкил этиш ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш методлари.

Хулқни мотивациялаш ва рағбатлантириш методлари.

Назорат, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини баҳолаш методлари.
 Дунёқараш ҳақида тушунча.
 Илмий дунёқарашни шакллантиришнинг таркибий қисмлари.
 Ақлий тарбиянинг мазмуни ва вазифалари.
 Фикрлаш ва унинг турлари.
 Фуқаролик тарбиясининг мазмуни ва вазифалари.
 Ўқувчиларда ватанпарварликни ва миллатлараро мулоқот мадания-
 тини шакллантириш – фуқаролик тарбиясининг асоси.
 Фуқаролик тарбиясини шакллантиришда Давлат рамзларининг ўрни ва
 аҳамияти.
 Меҳнат ва унинг турлари.
 Меҳнат тарбиясининг мазмуни ва вазифалари.
 Меҳнат тарбиясини ташкил этиш шакллари ва методлари.
 Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.
 Ўқувчиларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олиш.
 Ахлоқий тарбиянинг асосий тушунчалари.
 Ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
 Ахлоқий тарбиянинг асосий воситалари.
 Эстетик тарбиянинг мазмуни ва вазифалари.
 Эстетик тарбиянинг асосий тушунчалари.
 Эстетик тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.
 Эстетик тарбиянинг асосий воситалари.
 Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва вазифалари.
 Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантиришнинг асосий
 воситалари.
 Оила ва унинг вазифалари.
 Ўқувчиларнинг ота-оналари билан ўқитувчилар, синф раҳбарларининг
 олиб борадиган ишлари шакллари.
 Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ва турлари.
 Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН
ГЛОССАРИЙ (АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ)**

ТОШКЕНТ – 2010

“Педагогика назарияси” фанидан глоссарий (асосий тушунчалар изоҳи).

Академик лицей – ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Академия – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Амалий ишлар методи – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантирувчи усул.

Аномалия (юнонча – anomal) - меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланиш.

Аномал болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш- коррекцион педагогиканинг асосий тушунчаси бўлиб, нуқсоннинг даражаси ва тузилишига мос келадиган метод ҳамда воситалар ёрдамида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда фуқаролик сифатларини шакллантириш.

Ахлоқ (лотинча «moralis» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.

Ахлоқий онг – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

Ахлоқий тарбия – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга

йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Ақлий тарбия - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Байналминаллик («inter» – орасида, ўртасида, аро, «natio» – халқ)– ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилат.

Бакалаврият - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим.

Башоратлаш - бўлажак дарсни ташкил этилишининг турли варианларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

Баҳо – таълим олувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олиш – борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Билиш - объектив борлиқнинг инсон онгида акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

Бошланғич таълим - ўқувчиларга мураккаб бўлмаган илмий билимларни бериш асосида уларда ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашга оид дастлабки билим, кўникма ҳамда малакаларни

шакллантириш асосида уларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи элементларини ҳосил қилиш босқичи.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синфлар ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Ватанпарварлик (лотинча «patriotes» – ватандош, «patris» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

Вербал – билим (маълумот, ахборот)ларни сўз ёрдамида (оғзаки) етказиб бериш, ифода этиш.

Гносеология (юнон тилидан gnosis – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

Давлат рамзлари - муайян миллат, элатнинг этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ва мақсади, ҳудудий, ижтимоий-ғоявий бирлик моҳиятини англатишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажмуи.

Давлат таълим стандарти – 1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари зарур бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат; 2) ўқув фани бўйича таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат; 3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талаблар.

Дарс - бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

Дарслик – муайян фан бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба.

Дидактика (таълим назарияси) – (юнонча «didaktikos» “ўргатувчи”, «didasko» – “ўрганувчи”) - таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолари)ни ўрганувчи фан.

Дидактика тамойиллари (лотин тилидан «principium» - ҳар қандай назариянинг асосий, бошланғич, дастлабки ҳолати) – таълимни ташкил этишга қўйилган меъёрий талабларни ифодаловчи, шунингдек, таълим жараёнининг асосий мақсади ва қонуниятларига мувофиқ унинг дастлабки ҳолатини белгиловчи қарашлари.

Дидактик ташҳис мақсади – ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Дидактик тизим (юнонча «systema» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Дунёқараш - табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими.

Жазолаш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо бериш усули.

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) - бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

Жамоа анъаналари – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

Жамоанинг норасмий тузилмаси - жамоа аъзолари ўртасидаги шахслараро маънавий-психологик муносабатларнинг умумий тизими, шунингдек, жамоада микрогуруҳни ташкил қилувчи айрим шахслар ўртасидаги танлаш муносабатларининг мазмуни.

Жамоанинг расмий тузилиши - турли кўринишдаги жамоа фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий жиҳатлари.

Жинсий тарбия - ўзида шахсни жинсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик қилиш ва масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган педагогик фаолият мазмуни.

Жисмоний тарбия - ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Жорий назорат – таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштирилиш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоий адаптация (юнонча *adapto* - мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гуруҳли хулқларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари тизимига мос келиши.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар - ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари.

Ижтимоий педагогика – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

Ижтимоий реабилитация (юнонча *rehabilitas* – лаёқати, қобилиятини тиклаш) - аномал боланинг психофизиологик имкониятларига таянган ҳолда унинг ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этиши учун зарур шароит яратиш, ижтимоий фаолият ва меҳнатга жалб этиш.

Изоҳлаш (тарбия методи сифатида) – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Илмий дунёқараш - узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлашган дунёқараш шакли.

Илмий тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашув.

Илмий қараш (юнонча «*idea*» - ғоя, тасаввур, тушунчалар йиғиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя.

Индивид (лотинча “*individium*” бўлинмас, ягона, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта оловчи биологик мавжудот.

Индивидуаллик - шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

Институт - билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва хоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим - ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ёш хусусиятлари - муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилувчи таълим босқичи.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» - «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ҳамда таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мазмунини белгилаб берувчи юридик ҳужжат.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс эттирувчи андоза, лойиҳа Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи

кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Касб-хунар коллежи - ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Категория - фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча.

Компенсация (юнонча «compensatio» – ўрнини тўлдириш, тенглаштириш) - олий нерв фаолиятининг захира имкониятларига таянган ҳолда организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш ёки қайта куриш.

Коррекция (юнонча «correctio» - тузатиш) - педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

Коррекцион (махсус) педагогика (дефектология - юнонча «defectus» – нуқсон, камчилик, «logos» – фан, таълимот) – ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ҳамда

шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан.

Коррекцион-педагогик фаолият - яхлит таълим жараёнини қамраб олувчи ҳамда мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутувчи педагогик тизим.

Коррекцион-тарбиявий ишлар - шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизими.

Кўникма – олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

Кўргазмали методлар - предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намоиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.

Лицей (коллежда) маъруза – ўқув материални ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштириш услублари билан биргаликда давомли оғзаки баён этиш (80-90 минут), берилаётган материалнинг схематик моделини тузиш (асосий фикрни тезис ёки лойиҳа кўринишида ёзиб олиш) ва бошқалар.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) - ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш.

Логопедия (юнонча «logos» – сўз, назария, таълимот, «paideia» -тарбиялаш) - нутқий нуқсонларни ўрганиш, улар келиб чиқишининг олдини олиш ва уларни қисман ёки тўлиқ тузатиш масалаларини ўрганувчи фан; коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

Магистратура - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълим.

Маданият («cultura» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

Мактабгача таълим - боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Мактабдан ташқари таълим - маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилувчи, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этиладиган таълим босқичи.

Малака – онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми.

Материални оғзаки баён қилиш методлари – ўқув материали моҳиятини оғзаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

Мафкура (арабча «мафкура» - нақтаи назар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий юксаклиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи ғоялар тизими.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари – муайян машқёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва ҳуқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

Маълумот — таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) — моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи.

Маърифат — шахс онгига илмий билим, ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, уларни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Маъруза — йирик ҳажмдаги ўқув материални оғзаки баён қилиш шакли.

Менежмент — мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш учун шахс (ҳодим) ёки гуруҳга таъсир ўтказиш асосида уларнинг фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, шакллари, методлари ва усуллари.

Метод - юнунча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида)— хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Меҳнат тарбияси - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Мунозара (тарбия методи сифатида) - тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

Назорат (таълим жараёнида)— таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёни.

Нафосат диди - шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови.

Нафосат маданияти - гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланиш, мавжуд гўзалликларни асраш ва бойитиш йўлида ўзлаштирилган билим ҳамда амалга ошириладиган нафосат фаолиятини ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Нафосат онги - гўзаллик, гўзалликни ҳис этиш, унинг моҳиятини англаш, нафосат ҳис-туйғуси, нафосат диди каби тушунчаларнинг онгда акс этиши.

Нафосат тарбияси (эстетик тарбия- лотинча «*estezio*» гўзалликни ҳис қиламан) - ўқувчиларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Оила — кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи.

Оилавий муносабатлар — ота-оналар (ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлар.

Оила тарбияси — ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Олигофрения (يونونча «*olygos*» — кам, «*phren*» - ақл) - бу натал (туғилиш пайти) ёки постнатал (хаётий ривожланишнинг эрта босқичи) даврларда марказий нерв тизимининг зарарланиши натижасида юзага келадиган ақлий ёки психик ривожланмаслик.

Олий таълим - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этиладиган ҳамда мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим босқичи.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида аспирантура, адъюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга ошириладиган таълим босқичи.

Оралиқ назорат – ўқувчилар томонидан ўқув материалнинг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Педагогика (юнонча «paidagogike» бўлиб, «paidagogos» - бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари – шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

Педагогик маҳорат – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик парадигма (юнонча «paradeigma» - мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (моделли, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамят томонидан эътироф

этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами; таълимнинг концептуал модели.

Педагогик талаб - турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари.

Педагогик технология— таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Педагог кадрлар таркиби – ўқитувчи, методист, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусиқа, бадий ижодиёт, радиотехника, спорт ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатувчи тўғаракларнинг раҳбарларидан иборат мутахассислар.

Педагогик маҳорат – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Педагогик талаб - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда ўқувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг энг муҳим усули.

Рағбатлантириш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усули.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Рейтинг (баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш) - муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.

Синф - ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган, маълум ўқувчилар гуруҳи.

Сурдопедагогика (юнонча «surdus» – қар) - эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганувчи фан; коррекцион (махсус) педагогиканинг яна бир муҳим соҳаси.

Сухбат – савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методи.

Тамойил (юнонча «principiūm») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Тарбия жараёни - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

Тарбия мазмуни - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

Тарбия методи (юнонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисми; тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли).

Ташҳис – дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.

Таълим – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

Таълим ва тарбия мазмуни – шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараши, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.

Таълим воситалари – таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроли, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон,

видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар.

Таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Таълим менежери – таълим муассасаси фаолиятини замонавий менежмент қонуниятларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

Таълим методлари – таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуи.

Таълим муассаси Устави – таълим муассасасига раҳбарлик моҳиятини ёритувчи ҳамда унинг фаолиятини бошқариш тизимини аниқловчи ҳужжат.

Таълим концепциялари (лотин тилидан «conceptio» – тизим) – таълим-тарбия мазмуни, истиқболини ёритувчи яхлит қарашлар тизими; узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида таълим муассасалари фаолияти йўналиши, мақсад ва вазифаларини белгилашнинг алоҳида усули.

Таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти.

Таълим мақсади (ўқиш, билим олиш мақсади) – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя.

Таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси.

Таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

Таълимнинг синф-дарс тизими - дарс шаклида муайян ўқувчилар гуруҳи билан ўқув режасига мувофиқ тузилган аниқ жадвал бўйича олиб бориладиган таълим жараёни.

Таълим тизими – давлат сиёсатининг асосий тамойиллари асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида фаолият юритувчи барча турдаги таълим муассасалари мажмуи.

Таълим шакли – таълим жараёнининг ташкилий тузилмаси.

Тизим (мустақил тушунча сифатида) - ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитлик.

Тифлопедагогика - (юнонча typhlos – кўр) – кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш муаммоларини ўрганувчи фан; коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

Тест - аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.

Топширик - ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий ҳуққ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.

Тушунтириш - ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш.

Тўғарак - ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида синфдан ёки мактабдан ташқари шароитда уюштирилувчи қўшимча таълим шакли.

Умумий педагогика – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

Умумий ўрта таълим - ўқувчиларнинг фан асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлаш кўникмаларини шакллантириш босқичи.

Университет - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Усул - муайян ўқув материални ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим элементларидан фойдаланиш.

Фаолият - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

Фуқаро – фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс.

Фуқаролик – ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга оғли риюя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масъулик билан ёндошув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик.

Фуқаролик тарбияси – фуқаролик тушунчасининг моҳиятини ағлатиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият учун фидоий фуқаролар этиб тарбиялашдан иборат.

Шахс - психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

Шахсни ижтимоийлаштириш - уни жамият томонидан тан олинган хулқ-атвор меъёрлари, билим ҳамда кадриятлар тизимини ўзлаштиришдан иборат ижтимоий ҳаётга жалб этиш жараёни.

Шкалалаш - аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик онг - табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қobiliяти.

Экологик тарбия - ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

Экологик таълим - ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.

Экологик фаолият - экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Эстетик тарбия - ўқувчиларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қobiliятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Эътиқод - дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик иқтисодий, ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч.

Якуний назорат — таълим олувчиларнинг чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Ўз-ўзини баҳолаш - мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари - ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллар.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш - ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш – шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёни.

Ўзлаштириш – таълим жараёнида устувор ўрин тутувчи ижтимоий талабларга мувофиқ шахс томонидан муайян хатти-ҳаракат ва хулқ усуллариининг эгалланиши.

Ўргатиш - тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар.

Ўқитувчи (педагог) – педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.

Ўқиш – маълум усуллар ёрдамида ташкил этилган билимларни ўрганиш жараёни; ўқувчилар томонидан ўқув фаолияти усуллариини эгаллаб олишга йўналтирилган фаолият.

Ўқув дастури – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтнинг мавзуларни ўрганилиши бўйича тақсимланиши, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув режаси – таълим муассасида ўқитиладиган ўқув фанларининг тартиби, уларнинг ўқув йили бўйича тақсимланиши, ҳар бир ўқув фанига ажратиладиган ҳафталик ва йиллик ўқув соатлари, шунингдек, ўқув йили тузилишини белгиловчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув фани – таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манба.

Ўқувчилар жамоаси – ижтимоий-фойдали аҳамият касб этувчи умумий мақсад ва биргаликдаги фаолиятга асосан жипслашган ўқувчилар бирлашмаси, гуруҳи.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши - ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини уюштириш ва бошқаришдаги фаол иштироклари.

Ўқув қўлланмаси – 1) маълум ўқув фанлари бўйича методик материаллар, тушунтиришлар, тавсияларни ёритувчи ҳамда ўқитувчи ёки ўқувчилар учун мўлжалланган манба; 2) муайян фан бўйича тайёрланган ҳамда методик жиҳатидан ўқув-тарбиявий жараёнда бевосита фойдаланиш имконини берувчи қўшимча ўқув материаллари.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси - ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда ғавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳикоя – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.

Ҳисобга олиш – таълимнинг муайян даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш.

Ҳуқуқий маданият – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Ҳуқуқий онг - муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

Ҳуқуқий тарбия - шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-ҳуқуқий билимлар негизида ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, унда ижобий ҳуқуқий сифатларни қарор топтириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳуқуқий таълим - ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисидаги

тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни.

Ҳуқуқий фаолият - ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН РЕФЕРАТ
МАВЗУЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2011

“Педагогика назарияси” фанидан реферат мавзулари

Кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг асосий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

Демократик жамиятда педагоглик касби.

Ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар.

Педагогика ижтимоий фан сифатида.

Педагогиканинг асосий категория ва тушунчалари.

Педагогик фанларнинг тузилиши.

Педагогик фанлар тизими.

Илмий-педагогик тадқиқот методларига тавсиф.

Шахс ҳақида тушунча.

Шахс ривожланиши.

Шахс ривожланишининг омиллари.

Бола шахси тарбия объекти ва субъекти сифатида.

Педагогик тизимлар ва уларнинг шакллари ҳақида тушунча.

Таълим тизимларига умумий тавсиф.

Педагогик жараённинг моҳияти.

Педагогик жараён яхлит ҳодиса сифатида.

Ягона педагогик жараёни яратиш мантиғи ва шароитлари.

Таълим назарияси (дидактика) педагогиканинг таркибий қисми сифатида.

Дидактиканинг мақсад ва вазифалари.

Таълим жараёни моҳияти.

Ўрганиш билиш фаоллиги шакли сифатида.

Ўқитиш ва ўрганиш жараёнлари тавсифи, ўқув жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг гносеологик ғоялари таълим жараёни асоси сифатида.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва унинг тузилиши.

Таълим тамойиллари ва қонуниятлари.

Илмий-техник жараён ва таълим мазмуни.

Таълим мазмунини ташкил этиш концепцияси.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг ўқув режаси.

Ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари тавсифи.

Академик лицей ва кас-ҳунар коллежининг давлат таълим стандартлари.

Таълим методлари ва усуллари тушунчалари.

Замонавий дидактикада таълим методлари таснифига турлича ёндашувлар.

Шарқ мутафаккирлари таълим методлари ҳақида.

Таълим методлари самарадорлигини ошириш йўллари.

Таълим турлари.

Таълимни ташкил қилиш шакллари ҳақида тушунча.

Таълимни ташкил қилишнинг анъанавий синф-дарс шакли.
 Дарс турлари ва тузилиши.
 Таълимни ташкил қилишнинг ноанъанавий шакллари.
 Ўқув ишларини ташкил қилишнинг дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари шакллари.
 Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти.
 Ўқув жараёнида назорат ва ҳисобга олиш функциялари.
 Таълим олганликни натижаларини текшириш ва баҳолаш тамойиллари.
 Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакллари ва методлари.
 Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.
 Тарбия жараёнининг моҳияти ва аҳамияти.
 Тарбия жараёнининг тизими ва тузилиши ҳамда унинг қонуниятлари.
 Тарбия жараёни мазмуни. Тарбия тамойиллари.
 Жамоа тушунчаси. Болалар жамоасини шакллантиришнинг моҳияти ва ташкилий асослари.
 Болалар жамоасининг ривожланиш даражаси ва босқичлари.
 Болалар жамоаси ривожининг асосий шарт-шароитлари.
 Тарбия методлари моҳияти ва унинг таснифи.
 Ижтимоий онгни шакллантириш методлари.
 Фаолиятни ташкил этиш ва ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини шакллантириш.
 Педагогик рағбатлантириш методлари ва хулқ-атворни тузатиш.
 Тарбияда назорат, ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.
 Мустақил фикрлаш, илмий дунёқараш ва миллий ғояни шакллантириш ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисмлари.
 Ақлий тарбия. Ақлий тарбиянинг мақсади ва мазмуни.
 Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш – ақлий тарбиянинг асоси.
 Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифалари.
 Фуқаролик тарбияси функциялари.
 Ўқувчиларга фуқаролик тарбиясини бериш жараёнида Давлат рамзлари (Мадҳия, Герб, Байроқ)дан фойдаланиш.
 Ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбияси.
 Ватанпарварлик ва байналмилаллик – фуқаролик тарбияси асоси.
 Ҳуқуқий тарбия.
 Ёш авлоднинг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантириш – фуқаролик тарбиясининг таркибий қисми.
 Меҳнат тарбияси мақсад ва вазифалари.
 Шарқ мутафаккирлари меҳнат тарбияси ҳақида.
 Меҳнат тарбиясининг мазмуни ва методлари.
 Иқтисодий тарбия меҳнат тарбиясининг таркибий қисми сифатида.
 Ахлоқ ижтимоий онг, таъсир этиш, ва тарбия шакли сифатида.

Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари.
Ахлоқий тарбиянинг моҳияти ва мазмуни.
Оилавий ҳаётга ахлоқий тайёргарлик.
Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
Эстетик тарбиянинг мазмуни , шакл ва методлари.
Экологик тарбиянинг моҳияти ва мазмуни.
Экологик тарбиянинг шакл ва методлари.
Ўқувчиларда экологик тарбияни шакллантириш.
Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
Жисмоний тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари.
Оила, унинг тарбиявий функцияси.
Оилавий тарбиянинг ҳукуқий асослари.
Оила мустаҳкамлиги ҳақида давлатимиз ғамхўрлиги.
Шарқ мутафаккирлари оилавий тарбия ҳақида.
Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида оиланинг ғамхўрлиги.
Оилавий тарбия қоидалари.
Ўзбекистон Республикаси ”Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
Узлуксиз таълим тизими, унинг таркибий қисмлари ва даражаси.
Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари.
Таълим муассасаси менежменти ҳақида умумий тушунча.
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳақидаги Низом.
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш.
Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва мазмуни.
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини бошқариш.
Таълим муассасаси Устави раҳбарлик ва бошқарув тизимини аниқловчи ҳужжат.
Педагогик кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш, ёш ўқитувчилар билан ишлаш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ**

ТОШКЕНТ – 2011

“Педагогика назарияси” фанидан адабиётлар рўйхати

- Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. – T.: Istiglol, 2004.
- Hashimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. – T.: 2005.
- О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
- Педагогика назарияси ва тарихи. 1қисм. Педагогика назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик./ М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. “Иқтисод-молия”, 2007.-380 б.
- Ҳасанбоев Ж.Й. ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма.-Т., “Фан”.2006.
- Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи.- Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
- Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
- Асқарова Ўғилой. Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар. Ўқув услубий қўлланма. Наманган Давлат университети. –Т.: Истиклол. 2005.
- Зухра Исмаилова. Педагогикадан амалий машғул�лар. «Фан» нашриёти.-Т. 2001.
- Абдуллаева Ш. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004.
- Иноғомов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика фани ХХІ асрда. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2000.
- Зиёмухамедов Б. Педагогика. – Т.: Турон-Иқбол, 2006.
- Mavlonova R., To’raeva O., Xoliqberdieva K. Pedagogika. – T.: O’qituvchi, 2001.
- Asqarova O’.M., Hayitboev M., Nishonov S. – T.: Talqin, 2008.
- Pedagogika. // M.Toxtaxodjaevaning umumiy tahriri ostida. – T.: O’zbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati, 2010.
- Ziyomuxammedov B. Pedagogika. – T.: Turon-Iqbol, 2006.
- Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh.A. Pedagogika nazariyasi. - T.: Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2008.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН ТАЯНЧ КОНСПЕКТ

ТОШКЕНТ – 2011

Педагогика фани ҳақида умумий тушунча. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари (таянч конспект).

Педагогика (юнонча paidagogike бўлиб, paidagogos «бола» ва «етаклайман») ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Педагогика ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, ёш авлод ҳамда катталарни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эътиборни ғаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Дидактика (таълим назарияси, юнонча didaktikos «ўргатувчи», didasko «ўрганувчи») таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқитувчи фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммоларни тадқиқ этади.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, ҳулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир.

Ижтимоий тарбия ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ва жинсий тарбия каби йўналишларда ташкил этилади.

Педагогика фанининг вазифалари. Педагогика фани шахсни шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшади. Педагогика фани мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи ғоялар моҳияти муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида мазкур фан юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим ва тарбия назариясини ижодий ривожлантириш вазифасини ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор ғаратилади:

Маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.

Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда, ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими тажрибасини ўрганиш асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш.

Таълим муассасалари ҳамда, уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш.

Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш.

Педагогларни педагогика назариясига оид билимлар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

Таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

Ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнининг самарали технологияларини яратиш.

Оила тарбиясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан ота-оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Педагогика фанининг асосий категориялари. Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини кафолатлайди. Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади. Педагогика фанининг асосий категориялари шахс камолотини таъминлаш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга ҳаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сирасига қуйидагилар киради: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш.

Шахс – психологик жиҳатдан тараккий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

Тарбия - муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Таълим –ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Малака –муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. Ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо этади. Бизга маълумки, педагогик ҳодиса мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқтаи назардан педагогика фани билан қуйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд:

1. Фалсафа – шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, муайян педагогик ғоя, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

2. Иқтисод – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, ўқув биноларини қуриш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш каби масалаларнинг иқтисодий жиҳатларини англашга хизмат қилади.

3. Социология – ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари ҳусусида маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

4. Этика- шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар, ахлоқий онг ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутади.

5. Эстетика – шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унга интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

6. Физиология- ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анатомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни беради.

7. Гигиена – ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг жинсий жиҳатдан тўғри шакллантиришда назарий ва амалий ғоялари билан ёрдам беради.

8. Психология – шахсда маънавий-ахлоқий, руҳий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

9. Тарих – педагогика фани тараққиёти, таълим-тарбия жараёнларининг динамик, диалектик хусусиятларини инобатга олиш, шунингдек, халқ педагогикаси ғояларини келгуси авлодга узатиш учун йўналтирилади.

10. Маданиятшунослик – ўқувчиларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

11. Тиббий фанлар – шахснинг физиологик-анатомик жиҳатидан тўғри ривожланишини таъминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндашув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кўмаклашади.

Педагогика фанлари тизими. Шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш давлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Улар қуйидагилардир:

Умумий педагогика – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синфлар ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Коррекцион (махсус) педагогика – ривожланишида турли психологик ва физиологик нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Ўз навбатида коррекцион педагогика таркибига махсус педагогика ва психологиянинг турли соҳалари киради. Улар қуйидагилардир:

Сурдопедагогика ва сурдопсихология – эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология – ақли заиф болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Тифлопедагогика ва тифлопсихология – кўриш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси – нутқи, шунингдек, моторли-ҳаракатланиш доирасида мураккаб нуқсонлари бўлган болалар (кўр, соқов ва қар болалар)ни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Методика – хусусий фанларни ўқитиш хусусиятларини ўрганади.

Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик маҳорат – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

9. Таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

10. Ижтимоий педагогика – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ҳолатларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари. Педагогика фани ривожини муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг ҳолати, мазмунини ҳамда натижалари ҳисобига таъминланади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнининг кескин ривожланиши шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини берувчи омил ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, жамият ва шахс маънавиятига зиён етказувчи ҳолатларни бартараф этишни тақозо қилади. Тарбия жараёнларининг моҳиятини аниқлаш уларни кенг ёки тор доирада ўрганиш, мавжуд кўрсаткичлар воситасида уларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш илмий изланишларни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради. Педагогик изланишларнинг самарали кечиши бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Мазкур жараёнда мақсадга мувофиқ келувчи, маъмул. Айни вақтда самарали бўлган методларни танлай олиш ҳам муҳимдир.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга бериш тамойиллари, объекти ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида педагогик йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар диалектик ёндашувга асосланади. Педагогик ҳодиса, воқеалик ва уларнинг қонуниятларини аниқлашга бундай ёндашув педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг умумий алоқаси, уларнинг изчил, узлуксиз ривожланиши, боланинг физиологик ривожини унинг психологик, интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириб боришини таъминлаши, ғарама-ғаршиликларнинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва роли, шунингдек, диалектика категорияларининг аҳамиятини эътироф этади.

Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар қуйидагилардир:

муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;
илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;
вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;
тадқиқот методлар тизимига нисбатан объектив ёндашув;
тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;

тадқиқот натижаларини олдиндан ташҳислаш ва унинг натижаларини айтиб ўтиш;

тадқиқот натижаларининг қафолатланганлиги.

Замонавий шароитда, педагогик йўналишда, тадқиқотларни олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилмоқда:

Педагогик кузатиш методи.

Суҳбат методи.

Анкета методи.

Интервью методи.

Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методи.

Тест методи.

Педагогик таҳлил методи.

Болалар ижодини ўрганиш методи.

Педагогик тажриба методи.

Математик-статистик метод.

Педагогик кузатиш методи. Уни қўллаш жараёнида, таълим муассасаларининг ўқув-тарбия ишлари жараёнини ўрганиш асосида тадқиқ этилаётган муаммо ҳолат аниқланади, тажриба- аввали ва якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ тўғрисидаги маълумотга эга бўлинади. Педагогик кузатиш мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Кузатиш аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли амалга оширилса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Олиб борилаётган педагогик кузатиш таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқувчи шахсини шакллантиришга хизмат қилса, мазкур методнинг аҳамияти янада ошади.

Педагогик кузатувни ташкил этишда хатога йўл қўймаслик муҳимдир. Бунинг учун тадқиқотчидан қуйидагилар талаб этилади:

- кузатув жараёнида аниқ мақсадга эғалик;
- кузатишни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни ҳал этиш;
- ҳар бир ҳолатнинг моҳиятини синчиклаб ўрганиш;
- хулоса чиқаришга шўшилмаслик.

Суҳбат методи. Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга ёрдам беради. Суҳбат мақсадга мувофиқ ҳолда индивидуал, гуруҳли ҳамда оммавий шаклда ўтказилади. Суҳбат жараёнида респондентларнинг имкониятлари тўла-тўқис намоён билишга эришиш муҳимдир. Унинг самарали бўлиши учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- мақсаддан келиб чиққан ҳолда суҳбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмунини аниқлаш ҳамда саволлар ўртасидаги мантикийлик ва изчилликни таъминлаш;
- суҳбат жойи ва вақтини аниқ белгилаш;
- суҳбат иштирокчиларининг сони хусусида маълум тўхтамга келиш;
- суҳбатдош тўғрисида аввалдан муайян маълумотларга эга бўлиш;
- суҳбатдош билан самимий муносабатда бўлиш;
- суҳбатдошнинг ўз фикрларини эркин ва батафсил айта олиши учун шароит яратиш;

- саволларнинг аниқ, қисқа ва равшан берилишига эришиш;
- олинган маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш.

Анкета методи (французча – текшириш). Ушбу метод ёрдамида педагогик кузатиш ва суҳбат жараёнида тўпланган далиллар бойитилади. Анкета методи ҳам тизимланган саволлар асосида респондентлар билан мулоқотни ташкил этишга асосланади. Анкета саволларига жавоблар, кўп ҳолларда, ёзма равишда олинади. Ўрганилаётган жараён моҳиятидан келиб чиққан ҳолда анкета саволлари қуйидагича бўлади:

очик турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар «ҳа», «йўқ», «қисман» ёки «ижобий», «қонихарли», «салбий» ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

Анкета методини қўллашда ҳам бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

анкета саволлари тадқиқ этилаётган муаммонинг моҳиятини ёритишга хизмат қилиши лозим;

анкета саволлари йирик ҳажмли ва ноаниқ бўлмаслиги керак;

анкета саволлари ўқувчиларнинг дунёшараши, ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш асосида тузилиши зарур;

анкета саволлари респондентлар томонидан тўла жавоблар берилишини таъминловчи вақтни кафолатлай олиши зарур;

анкета ўқувчиларнинг педагогик ва психологик тавсифномаларини тузиш манбаига айлантириб юборилмаслиги зарур;

анкета жавоблари муайян мезонлар асосида пухта таҳлил этилиши шарт.

Интервью методи респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабат билдирилишини таъминлайди. Интервью респондент эътиборига туркум саволларни ҳавола этиш асосида ўтказилади. Интервью жараёнида олинган саволларга нисбатан тадқиқотчи томонидан муносабат билдирилиши унинг самарасини оширади.

Таълим муассасаси ҳужжатларни таҳлил қилиш методи. Педагогик ҳодиса ва далилларни текшириш мақсадида таълим муассасалари фаолияти мазмунини ёритувчи маълумотларни текшириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур метод Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларининг таълим муассасалари амалиётидаги бажарилиш ҳолатини ўрганиш, бу борадаги фаоллик даражаси, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва таълим муассасаси педагогик тажрибасини ошириш мақсадида қўлланилади.

Таълим муассасаси фаолияти моҳиятини ёритувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: Ўқув машғулотларининг жадвали, ўқув дастури, гуруҳ (ёки синф) журналлари, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, буйруқлар, Педагогик Кенгаш йиғилиши баённомалари ёзилган дафтар, Педагогик Кенгаш ёрорлари, таълим муассасаси сметаси ҳамда паспорти, тарбиявий ишлар режаси, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш борасидаги ҳисоботлар, таълим муассасаси жиҳозлари (ўқув парталари, стол стуллар, юмшоқ мебеллар ва ҳоказолар) қайд этилган дафтар ва ҳоказолар.

Мазкур метод муайян йўналишларда ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги даражаси, ўқувчиларда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми, илғор педагогик тажрибалар мазмунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Тест методи. Ушбу метод респондентлар томонидан муайян фан соҳаси ёки фаолият (шу жумладан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим ва амалий кўникма, малакалар даражасини аниқлашга хизмат қилади. Тест ўз моҳиятига кўра қуйидаги саволлардан иборат:

очик турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2) ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар «ҳа», «йўқ», «қисман» ёки «ижобий», «қонихарли», «салбий» ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

3) тўғри жавоб вариантлари қайд этилган саволлар (респондентлар ўз ёндашувларига кўра тўғри деб топган жавоб вариантини белгилайдилар).

Тест методини қўллашда аниқланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни туркум асосида берилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методнинг афзаллиги респондентлар жавобларини аниқ мезонлар бўйича таҳлил этиш имконияти мавжудлиги ҳамда вақтнинг тежалиши билан тавсифланади. Бироқ, метод айрим камчиликдан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, аксарият ҳолатларда жавоблар ёзма равишда олинади, шунингдек, респондент таклиф этилаётган жавоб вариантлардан бирини танлаши зарур. Шу боис респондент ўз фикрини батафсил ифода этиш имкониятга эга эмас.

Педагогик таҳлил методи. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ушбу методни қўллашдан кўзланган мақсад танланган муаммонинг фалсафий, психологик ҳамда педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, тадқиқотчи илгари сураётган ғоянинг назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.

Болалар ижодини ўрганиш методи. Мазкур метод ўқувчиларнинг муайян йўналишлардаги лаёқати, қобилияти, шунингдек, маълум фан соҳалари бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Уни қўллашда ўқувчиларнинг ижодий ишлари – кундаликлари, иншолари, ёзма ишлари, рефератлари, ҳисоботлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Методнинг афзаллиги шундаки, у маълум ўқувчига хос бўлган индивидуал имкониятни кўра олиш, баҳолаш ва уни ривожлантириш учун замин яратади.

Болалар ижодини ўрганишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- фан олимпиадалари;
- турли мавзулардаги танловлар;
- мактаб кўргазмалари;
- фестиваллар;
- мусобақалар.

Педагогик тажриба (эксперимент – лотинча «синаб кўриш», «тажриба қилиб кўриш») методи. Педагогик тажриба методидан муаммо ечимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг мақсадга эришишнинг кафолатлай олиши, илгари сурилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўла олиши ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Муайян муаммо ечимини топишга йўналтирилган педагогик тажриба маълум доирада, сони аниқ белгиланган респондентлар иштирокида амалга оширилади. Мазкур методдан фойдаланиш тадқиқотчи томонидан илгари сурилаётган махсус методиканинг самарадорлигини аниқлай ҳамда унга баҳо бера олиши зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Педагоглик касбининг жамиятда тутган ўрни (таянч конспект)

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчидир.

Давлат ва жамият таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир.

Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Фан юқори малакали мутахассисни тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи бўлиб, «кадрлар тайёрлаш миллий тизимида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлардан фойдаланишни, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини шакллантиришни, улардан таълим тизимида унумли фойдаланишни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш жараёнининг илмий тадқиқотлар инфраструктурасини яратиш, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш учун билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантиришни ҳамда илмий тадқиқотлар даражасига янгича қарашлар замирида ёш олимларнинг, илмий-педагогик ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва обрўсини оширишни ва шу кабиларни қамраб олади».

5. Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчисичиси.

Шарқ мутафаккирлари ва Ғарб педагоглари жамиятда педагоглик касбининг тутган ўрни ҳақида. Жамият томонидан ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ўз даврида Шарқ мутафаккирлари ҳамда ғарб маърифатпарварларининг асарларида ўз аксини топган.

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий ҳамда Абу Райҳон Берунийлар ўқитувчининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишларига алоҳида аҳамият қаратадилар. Уларнинг фикрларича, яхши ўқитувчи бошқалардан бир жиҳати билан фарқ қилади, яъни, у ўзи эга бўлган билимларни ёшларга беминнат ўргатади, ҳар бир ишда уларга намуна бўла олади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида ўқитувчи болаларга таълим беришдек масъулиятли бурчни бажариши зарурлигини уқтирар экан, уларга фаолиятда мувафаккиятга эришиш гарови бўлган қуйидаги тавсияларни беради:

болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;

бериладиган билимнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишига эътиборни қаратиш;

таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш;

талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;

фанга қизиқтира олиши;

бериладиган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;

ҳар бир сўзнинг боалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Алишер Навоий ўз даврининг айрим мактабдорлари эга бўлган сифатлар, хусусан, қаттиққўллик, таъмагирлик ва жоҳилликларни қоралар экан, ўқитувчининг маънавий

қиёфасига нисбатан жиддий талабларни қўяди. Хусусан, «мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва қавқо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса. ... Ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қилса, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир».

Айни ўринда ўқитувчи меҳнатининг машаққатли эканлигини таъкидлаб ўтади: «Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин.

Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундай кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила».

Машҳур педагог Абдулла Авлоний ҳам ўз асарларида ўқитувчи шахси ва унинг фаолияти борасидаги қарашларни ифодалашга алоҳида ўрин беради. Алломанинг қайд этишича, боланинг соғлом бўлиб ўсишида ота-оналар ўзига хос рол ўйнасалар, унинг фикрий жиҳатдан тараққий этишида ўқитувчининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлайди. Хусусан, болаларнинг ақлий қобилиятларини шакллантириш муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифа» эканлигини таъкидлаб, «фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур», - дейди.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчининг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига катта баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» эканлигини таъкидлайди. Муаллимнинг фикрича, педагог ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз кадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский ўқитувчи образини тасвирлар экан, унинг шахсида қуйидаги фазилатларнинг намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигига урғу беради: виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга оталаридек муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, ўқувчиларни ўз ортида эргаштирувчи ва диний эътиқод.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни тайёрловчи тизимни илк бор асослайди.

Ўқитувчининг асосий вазифалари ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг

аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак».

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Ўқитувчи (педагог) педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларида судланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи-бакалавр киёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятан ўқитувчи-бакалавр томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масъулиятларини ифодалайди):

Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

а) нутқнинг тўғрилиги;

б) нутқнинг аниқлиги;

в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, раво ва тушунарли бўлиши керак;

д) нутқнинг раволиги;

ж) нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

Ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз киёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштиришга эришиши лозим.

Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали,

босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоҳот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Шахс ривожланиши қонуниятлари (таянч конспект)

Шахс ҳақида умумий тушунча. Шахс тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутди. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуъаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқни кафолатлайди.

Шахс ривожланиши. Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланиш шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қаршиликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди.

Чунки шахснинг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиаҳо ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим.

Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яхши билиш зарур.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Фанда, одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмоқда.

Инсоннинг шахс сифатида, ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими? Ёки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай?

Фанда биологик йўналиш деб номланган нуктаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотел, Платонлар табиий-биологик омилларни юқори қўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, дейдилар.

XVI аср фалсафасида вужудга келган **преформизм** оқими намояндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади.

Хориж психологиясидаги яна бир оқим – **бихевиоризм** XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намояндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайкдир.

Прогматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюл, А.Комбе ҳам шахс ривожланишини биологик нуктаи назарда асослайдилар. Улар ривожланишни фақат миқдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайдилар. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб биладилар.

Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайдилар.

Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитга боғлиқ деб кўрсатадилар.

Муҳит деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади. Шу нуктаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараккий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади.

Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий тузум маҳсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳам муҳим. Бу тарбия орқали амалга оширилади. Яъни,

Биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бу тарбия доимий ва узлуксиздир.

Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари. Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар **ёш хусусиятлари** деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади.

Болаларнинг тарбияга тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмнинг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида турлича бўлади. Абу Али Ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлониёлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтганлар.

Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ҳовлиқма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йиғинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, ўқитувчи ёки тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал – ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш, методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. “temperamentum” “қисмларнинг бир-бирига муносабати” маъносини англатиб, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Шунингдек, турли ёш даврларининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Боланинг жисмоний ва психик камолоти куйидаги даврларга бўлинади:

Гўдаклик даври – чақалоқлик (1 ой) даври тугагандан то бир ёшгача бўлган давр.

МТМгача бўлган ёш даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.

Мактабгача бўлган ёш даври – 3 ёшдан 7 ёшгача.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (болалар) – 7 ёшдан 11,12 ёшгача.

Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) 14-15 ёш.

Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари (ўспиринлар) – 16-18 ёш.

Кичик мактаб ёшида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Бу жуда қийин ўтиш даври бўлиб, боланинг бўйи, оғирлиги жиҳатдан унинг ташқи кўриниши кам фарқ қилади. Суяклари қотмагани туфайли тез шикастланади. Мускуллари тез ўсиши туфайли серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади.

Жисмоний ўсишига хос бу хусусиятлар тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик 12-15 ёш). Ўсмирликнинг мураккаблиги анатомик-физиологик ва психологик хусусиятдаги кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир. Боланинг ўсиши тезлашади. Бу даврни ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда жинсий етилиш даври бошланади. Бу боланинг феъл-атворида таъсир этади. Ўсмир ҳаётида меҳнат, ўйин, спорт ва жамоат ишлари катта рол ўйнайди. Баъзиларининг ўзлаштириши пасаяди, интизоми бўшаши.

Катта мактаб ёши – академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари (ўспиринлик даври 15-18 ёш). Бу давр ўспиринларнинг илк балоғатга етган давридир. Мазкур даврда жинсий етилиш тугайди. Уларда мустақиллик сезила бошлайди. Ўспирин ёшлар ҳаётга келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Маданий даражасини орттиришга интилиш кучая боради, ҳис-туйғуларида ҳам ўзгариш юз беради. Ўз-ўзларини тарбиялашга киришадилар. Идеал танлаш ва унга эргashiш кучаяди. Бу даврда, улар ўртасида мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради. Ўспиринлар ўз гуруҳига интилади. Шунинг учун ҳам ўспириннинг барча интилишлари маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Уларда ўқув фанларини танлашга нисбатан эҳтиёж кучая боради.

Ўспиринлик бу аълий фаолиятнинг ҳам ривожланиш даври саналади. Улар ўз фикрларини мустақил ифодалашга ҳаракат қилиб, шахслик хислатларини намойиш эта бошлайдилар. Шунда ўқитувчилар ва катта ёшлилар уларнинг ҳали ғўр фикрлари ва дунёқарашларини тўғри йўналтиришлари муҳим. Зеро, бу даврда ўз-ўзини англаш, маънавий-ахлоқий, ижтимоий хислатлари тез шаклланади.

Бунга унинг фаолияти, жамоада ва жамоат жойларида ўзини тутиши, одамлар билан тез мулоқотга киришиши ҳам туртки бўлади. Ўзини катталардек ҳис этиш, ўзига хослигини намоён этиш, бошқаларнинг диққатини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Ахлоқий муаммоларни ўз қарашлари нуқтаи назаридан ҳал эта бошлайди. Ҳаёт моҳияти, бахт, бурч, шахс эркинлигини ўз қизиқишлари билан ўлчайдилар. Шу боис уларга катта ёшлиларнинг беғараз, тўғри йўналиш беришлари ўта муҳим.

Мазкур даврда ёшлар хулқи ҳам таркиб топа бошлайди. Бунда шахснинг жамоадаги мавқеи, жамоа шахслари билан муомала-мулоқоти муҳимдир.

Албатта, бу борада, таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсири катта аҳамиятга эга. Чунки ўспирин-ёшлар мустаҳил ҳаёт остонасида бўлиб, уларнинг бу ҳаётга тўғри қадам қўйиши унинг жамиятнинг фаол фуқароси бўлишининг муҳим шартидир.

Ягона педагогик жараён

(таянч конспект)

1. Педагогик касбининг пайдо бўлишига эътибор қаратилса, шу нарса кўринадик, дастлаб унинг доирасида дифференциаллашув ва интеграциялашув жараёни чегараланган бўлса, кейинчалик очикчасига таълим ва тарбия қарама-қарши қўйила бошлади: ўқитувчи ўқитади, тарбиячи эса тарбиялайди. Лекин XIX асрга келиб, тараққийпарвар педагогларнинг ишларида аргументларни асослашда объектив нуқтаи назардан таълим ва тарбияга бир бутун, яхлит ҳодиса сифатида қарала бошлади. И.Ф. Гербартнинг фикрича, тарбиясиз таълимда восита бор, лекин мақсад йўқ, таълимсиз эса мақсад бор, восита етишмайди.

Немис педагоги А. Дистервег, таълимни тарбиянинг бир қисми сифатида қарайди: “Таълим принциплари бор экан, ҳамиша тарбия принциплари ҳам бўлади, ёки аксинча”.

Педагогик жараённинг ягоналиги ғояси К.Д. Ушинский ғояларида чуқур ифодаланган. У педагогик жараённи мактаб фаолиятининг маъмурий, ўқув ва тарбия элементларини бир бутун тизим сифатида тушунди. К. Д. Ушинскийнинг тараққийпарвар ғоялари унинг издошлари: Н.Ф. Бунаков, П.Ф. Лесгафт, К.В. Елниский, В.П. Бахтеров ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Педагогик жараён муаммоси билан П.Ф. Каптерев алоҳида шуғулланди. У педагогик жараёнларнинг кўптомонлама ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатларини таҳлил қилади ва қуйидаги хулосаларга келди: “Таълим, ўқитиш, ўргатиш, тарбия, панд-насихат, ўғит ва бошқа бир қатор сўзлар турли хусусият, жиҳатлар, восита ва вазиятларни ифодалайди, лекин уларнинг ҳаммаси ягона педагогик жараёндир.

Н.К.Крупская, А.П.Пинквич, С.Т.Шацкий, П.П.Блонский, М.М.Рубинштейн, А.С.Макаренко ягона педагог жараённинг тараққиётига катта ҳисса қўшишди.

XX асрнинг 70-йилларида Ю.К. Бабанский, В.С.Ильин, В.М.Коротов, В.В.Краевский, В.Т.Лихачев, Ю.П. Сокольников ва бошқалар ягона педагогик жараёнга илмий қизиқиш билан қарашди.

Педагогик жараённинг моҳияти тизимли методологик ёндашув асосидагина замонавий муаллифлар томонидан очиқ берилди. У педагогик объектларни тизимлар сифатида қарашни таклиф этади, айнан: таркибий қисмларининг тузилишини, улар орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш қабиларни ўзида жамлайди.

2. Педагогик жараён – педагогик фанларнинг энг муҳим, асосий категорияларидан бири.

Педагогик жараён катталарнинг педагогик фаолияти ва тарбиячиларнинг бошқарувчилик роли туфайли фаол ҳаётий фаолият натижасида боланинг ўзини-ўзи ўзгартиришининг мақсадга йўналтирилган мазмундор, ташкилий ҳаракатидир.

У ҳақиқатдан илмий асосланган, ривожлантирувчи ва такомиллашиб боровчи тизим сифатида мавжуд бўлади ҳамда тарбия қонуниятлари, педагогнинг ижодкорлиги ва таълим оловчиларнинг ёш билан боғлиқ ўзгаришлари динамикасига асосланади.

Педагогик жараён бошқа барча ижтимоий жараёнлар(иктисодий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва бошқалар) билан чамбарчас боғланган. Унинг моҳияти, мазмуни ва йўналганлиги ижтимоий жараёнларнинг ҳолати, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг реал ўзаро ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Ўқув-тарбия жараёнининг асосий хусусияти – ягоналик, ундаги барча муҳим таркибий қисмларни сақлаб қолиш зарурияти.

Яхлитлик асосига таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлаш педагогик жараённинг моҳиятини ташкил этади.

Педагогик жараён – кўплаб жараёнларнинг ички алоқадорлиги йиғиндисидир. Унда ўқитиш, таълим, тарбия, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари бирлашади.

Педагогик жараённинг умумийлиги ва бирлиги уни ташкил этувчи барча жараёнларни ягона мақсадга бўйсундиради. Педагогик жараённинг мураккаб ички муносабатлари:

- уни ташкил этувчи жараёнларнинг бирлиги ва мустақиллиги;
- ундаги жараёнларнинг яхлитлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- умумий мавжудлик ва ўзига хосликни сақлашда намоён бўлади.

3. Педагогик жараёнга унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорликда қонуний жой эгаллаши бирлигини ўзида ифода этувчи ягона тизим сифатида қараш мумкин. Тузилиш(структура) – бу таркибий қисм(элемент)ларнинг тизимдаги жойлашувидир. Тизимларнинг тузилиши таркибий қисмларни қабул қилиш мезонларида белгилангани бўйича, бундан ташқари улар орасидаги алоқадорликда ташкил этилади. Педагогик жараённинг ўзи мақсад, вазифа, мазмун, методлар, педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳаракати шакллари, шу билан бирга эришилган натижалар билан характерланади.

Педагогик жараёнда иштирок этадиган тизим таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

- педагоглар;
- тарбияланувчилар;
- тарбиявий шарт-шароитлар.

Жараённинг **аниқ мақсадли таркибий қисми** педагогик фаолиятнинг барча кўп образли мақсад ва вазифаларини: бош мақсад – ҳар томонлама ва баркамол шахсни тарбиялашдан – алоҳида сифатларни шакллантиришнинг аниқ вазифасигача ўз ичига камраб олади.

Мазмунли таркибий қисм умумий мақсад билан бирга, худди шундай аниқ вазифани кўядиган маънони акс эттиради.

Фаолиятли таркибий қисм – жараёни ташкил этиш ва бошқаришда бусиз белгиланган натижаларга эришиш мумкин бўлмаган педагоглар ва тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳаракати ва уларнинг ҳамкорлиги. Мазкур таркибий қисм педагогик адабиётларда яна ташкилий ёки ташкилий-бошқарувли деб ҳам номланади.

Жараённинг **натижали таркибий қисми** уни амалга ошириш самарадорлигини акс эттиради., кўйилган мақсад билан боғлиқликда муваффақиятли ўзгаришларга олиб келиш билан характерланади.

Профессор И.П.Раченко таълим тизимидаги таркибий қисм(компонент)ларни қуйидагича бўлиб кўрсатади:

- тизим фаолиятини аниқлаштирувчи мақсад ва вазифалар;
- таълим ва тарбия мазмуни мақсад ва вазифаларининг амалга ошишини таъминловчи педагогик кадрлар;
- тизимнинг илмий асосда ишлашини ташкил этувчи илмий кадрлар;
- таълим олувчилар(таълим олувчилар);
- моддий-техник таъминот;
- тизим ва унинг самарадорлиги кўрсаткичларининг молиявий таъминоти;
- шарт-шароит(психофизиологик, санитар-гигиеник, эстетик ва ижтимоий);
- ташкил этиш ва бошқариш.

Америкалик педагог Ф. Г. Кумбс қуйидагиларни таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари деб ҳисоблайди:

- тизимнинг фаолиятини аниқлаштириб берувчи мақсад ва биринчи галдаги вазифалар;

- таълим олувчилар ҳамда тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланмиш ўқитиш;

- тизим фаолиятини мувофиқлаштириш, раҳбарлик ва баҳолашни амалга оширувчи бошқариш;

- турли вазифалар билан боғлиқликда ўқув муддати ҳамда таълим олувчилар гуруҳининг тузилиши ва тақсимланиши;

мазмун – энг асосийси, таълим олувчилар маълумотга эга бўлишлари шарт;
ўқитувчилар;
ўқув қўлланмалар: китоблар, доскалар, хариталар, фильмлар, лабораториялар ва бошқалар;
ўқув жараёни учун зарур бўлган бино;
технология – таълимда фойдаланиладиган барча метод ва усуллар;
билимларни баҳолаш ва назорат қилиш: қабул қилиш, баҳолаш, имтиҳонлар, тайёргарлик сифати қоидалари;
билимларни ошириш ва тизимни такомиллаштириши учун тадқиқот ишлари;
таълим самарадорлиги кўрсаткичлари харажатлари.

4. Педагогик жараён қонуниятлари – бу объектив мавжуд бўлган, такрорланадиган, барқарор ҳодисалар орасидаги маълум алоқадорлик, мазкур жараённинг алоҳида томони.

Қонуниятлар нима ва педагогик жараёнда қандай боғланган, нима билан у боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

Педагогик тараққиёт сифатидаги бу қадар мураккаб, катта ва динамик тизимда кўплаб турли тавсифий алоқалар намоён бўлади.

Замонавий педагогикада педагогик жараён қонуниятларнинг ягона таснифи мавжуд эмас. Шу сабабли қуйида мавжуд таснифлардан баъзиларини кўриб ўтамиз.

И. П. Подласый таснифи бўйича:

- Тарбия ва ижтимоий тизимларнинг алоқадорлиги: аниқ тарихий шароитлардаги тарбия характери жамиятнинг эҳтиёжлари, иқтисодий, миллий-маданий ўзига хосликлари билан аниқланади.

- Таълим ва тарбия орасидаги: бу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг кўптомонлама ўзаро таъсирини, бирлигини белгилаб берувчи алоқадорлик.

- Тарбия ва фаолиятнинг алоқадорлиги: тарбиялаш – фаолиятнинг турли турларига тарбияланувчиларни жалб этиш демакдир.

- Тарбия ва шахс фаоллигининг алоқадорлиги: агар унинг объекти(шахс) бир пайтнинг ўзида субъекти сифатида акс этса, тарбия мувафакқиятли амалга ошади, яъни шахс ўзининг фаол хулқ-атворини, шахсий эркинлигини, мустақиллигини, фаолиятдаги эҳтиёжини намоён этади.

- Тарбия ва мулоқотнинг алоқадорлиги: тарбия жараёни ҳар доим одамлар – ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳаракатида кечади.

- Бола тарбияси мувафакқияти тўғридан-тўғри шахслараро алоқаларнинг интенсивлиги ва бойлигига боғлиқ бўлади.

- Педагогик жараённинг динамик қонунияти – таълим олувчининг кейинги барча мувафакқиятларининг қиммати унинг дастлабки босқичлардаги мувафакқиятига боғлиқ бўлади.

- Педагогик жараёнда шахснинг ривожланиши қонунияти – шахс ривож даражаси ва суръати:

- ✓ ирсият;

- ✓ тарбия ва ўқув муҳити;

- ✓ педагогик таъсир этиш усул ва воситаларининг қўлланишига боғлиқ бўлади.

- ✓ Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш қонунияти – педагогик таъсирнинг самарадорлиги:

- таълим олувчилар ва педагоглар орасидаги қайта алоқаларнинг интенсивлиги;

- таълим олувчиларга кўрсатиладиган коррекцияли таъсирларнинг асосланганлиги ҳамда характери, қимматига боғлиқ бўлади.

- ✓ Педагогик жараёнда ҳиссиёт, мантиқийлик ва амалиётнинг бирлиги қонунияти – ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги:

- ✓ ҳиссий идрокнинг сифати ва интенсивлиги;

- ✓ идрок этилганнинг мантиқий англаниши;

- ✓ англанганнинг амалий қўлланилишига боғлиқ бўлади.

5. Ташқи(педагогик) ва ички(билиш) фаолиятнинг бирлиги қонуниятлари – педагогик жараёнинг самарадорлиги:

- педагогик фаолиятнинг сифати;
- тарбияланувчиларнинг шахсий ўқув-тарбиявий фаолиятининг сифатини

шарт қилиб қўяди.

М. Коджаспиров бўйича:

Ижтимоий шарт-шароитлар билан шартланганлик қонуниятлари: таълим ва тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитларга боғлиқлиги.

Инсон табиати билан боғланганлик қонуниятлари:

шахсни шакллантиришда мулоқот ва фаолиятнинг ҳал қилувчилик роли;

таълим ва тарбиянинг таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал ўзига хосликларига боғлиқлиги.

Тарбиявий жараён моҳиятининг шартланганлик қонуниятлари:

- тарбия, ўқитиш, маълумот ва шахс ривожига жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги;
- ўқув-тарбиявий жараёнда шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқаси.

М. Коджаспировнинг мазкур таснифи Ю. К. Бабанскийнинг таснифига жуда яқин бўлиб, педагог олима А. С. Калдыбекованинг фикрича, ягона педагогик жараёнинг қонуниятлари, айнан академик Ю. К. Бабанский томонидан содда ва тушунарли очиб берилган. Шунинг учун у ўзининг “Педагогика теорияси” номли ўқув қўлланмасида педагогик жараёнинг қуйидаги еттита асосий қонуниятини санаб ўтган:

1. Таълим ва тарбия жамиятнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда амалга ошади.

2. Тарбия, ўқитиш, маълумот ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари.

3. Тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг бирлиги қонуниятлари.

4. Таълим ва тарбия жараёнида мулоқотнинг ҳал қилувчилик роли қонуниятлари.

5. Педагогик жараёнда таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

6. Педагогик жараёнда жамоа ва шахснинг ўзаро алоқадорлик қонуниятлари.

7. Педагогик жараён вазифалари, шакллари, методларининг ўзаро алоқадорлик қонуниятлари.

5. Ягона педагогик жараён қонуниятлари сингари тамойиллари масаласида ҳам турли қарашлар мавжуд. Ҳатто баъзи педагоглар уларни қонуният сифатида эътироф этишга мойилдирлар. Бироқ юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қонуниятлар объектив, энг муҳим, барқарор, ўзгаришда, шу билан бирга, аниқ шароитлардаги ҳаракатни ифода этади. Педагогик жараён қонуниятларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни тамойиллар(принциплар) деб атаймиз.

Ягона педагогик жараён тамойилларининг ҳам ҳозиргача турли таснифлари адабиётларда ўз аксини топган. Агар уларни синчиклаб ўрганиб чиқилса, таснифларнинг бир-бирига яқинлигини кўриш мумкин. Шу сабабли биз қуйида кўпчилик томонидан тушунарли деб топилган иккита(Ю. К. Бабанский, Б. Т. Лихачев) таснифини беришни маъқул деб топдик.

Ягона педагогик жараён тамойилларининг Ю. К. Бабанский бўйича таснифи:

- ✓ педагогик жараёнинг мақсадга йўналтирилганлиги;
- ✓ таълим ва тарбия мазмунининг илмийлиги;
- ✓ таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, тушунарлилик;
- ✓ тизимлилик ва кетма-кетлик;
- ✓ онглилик, фаоллик, ташаббускорлик, таълим олувчиларнинг ижодкорлиги;

- ✓ таълим ва тарбиянинг ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати билан алоқаси;
- ✓ таълим ва тарбиянинг жамоавий характери;
- ✓ кўргазмалилик;
- ✓ онгли талабчанлик билан биргаликда таълим оловчи шахсини ҳурмат қилиш;
- ✓ таълим ва тарбиянинг қўлай метод, шакл ва воситаларини танлаб олиш;
- ✓ сабабийлик, онглилик ҳамда таълим, тарбия ва ривожланишининг амалий натижалари;
- ✓ тарбияга комплекс ёндашув.

Б. Т. Лихачев таснифи:

- ўқув-тарбия жараёнининг ижтимоий-қадриятли мақсадга йўналганлиги;
- таълим оловчилар фаолиятининг турли турларининг ўзаро ҳаракатини ташкил этишга комплекс ёндашувни амалга оширилиши;
- бутун ўқув-тарбиявий ишларнинг ҳаёт билан боғлиқлиги;
- таълим ва тарбия жараёнида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш, жамоада таълим ва тарбия;
- таълим оловчиларга талабчанлик ва ҳурматнинг бирлиги;
- таълим оловчилар ҳаётига раҳбарлик қилишда уларнинг ташаббускорликларини ҳисобга олиш;
- барча таълим оловчилар ҳаётини эстетизациялаш;
- таълим ва тарбиянинг бошқарувчилик роли;
- таълим оловчиларнинг билиш, меҳнат ва бошқа фаолиятларини рағбатлантиришни ҳисобга олиш, уларда ишга бевосита қизиқиш уйғотиш орқали ахлоқий-иродавий кучини фаоллаштириш;
- таълим оловчиларда барча турдаги фикрлашни ривожланишини ҳисобга олиш, кетма-кетлик ва тизимлилик;
- кўргазмалилик;
- тушунарлилик;
- сабабийлик.

Умуман олганда, ягона педагогик жараён ва унинг таркибий қисмларининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигига хизмат қилади.

Дидактика – педагогик таълим назарияси сифатида. (таянч консепкт)

Таълим назарияси (дидактика) педагогиканинг таркибий қисми сифатида. Дидактика педагогика назариясининг нисбатан мустақил қисми бўлиб, унда ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятлари очиқ бериллади. Дидактиканинг сўзма-сўз таржимаси “таълим назарияси”ни англатади. Дидактика “грекча” сўздан олинган бўлиб, “didacticos” - ўргатиш, ўқитиш маъносини билдиради. Бу атамани немис педагоги В. Ратке (1571-1635) фанга киритган, деб ҳисобланади. Дидактика номи остида у илмий фанниназарий ва методологик асосларини тадқиқ қиладиган илмий фанни тушунди. Дидактиканинг фундаментал илмий асослари илк бор Я. А. Коменский томонидан ишлаб чиқилган. 1657 йилда у чех тилида «Буюк дидактика» асарини ёзди. Дидактика номи остида коменский «ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш санъати деб тушунди. Дидактиканинг моҳиятини ишлаб чиқишда Г. Песталоцци, И. Гербарт, К.Д. Ушинский, В. Острогорский, П. Каптерев каби машҳур олимлар катта ҳисса қўшишди. Бу йўналишда дидактлар Ю.К. Бабанский, Н. Груздев, М. Данилов, Б. Есипов, Л. Занков, М. Скаткин кабилар ҳам анча ишларни амалга оширишди.

Дидактика “нимага ўқитиш?”, “нимани ўқитиш?” “қандай ўқитиш?” “қерда ўқитиш” каби саволларга жавоб излайди.

Дидактикада таълимни ташкил этишнинг умумий масалалари, ўқитиш жараёнининг моҳияти, таълимнинг мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари, унинг ташкилий шакллари ёритилади.

Ўқитиш жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва ўқувчиларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик. Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Буларнинг барчаси ўқитувчининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у ўқувчиларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиқ беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади. Ўқувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади. Ўз навбатида ўқувчиларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

Дидактика ва методика мустаҳкам алоқа ва ўзаро боғлиқликда жойлашади. Дидактика ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади. Аниқ бир предметни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари хусусий методикаларда ишлаб чиқилади.

Дидактиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Таълим жараёни жамият ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлари, одамлар фаолияти ва ҳаётининг эҳтиёжлари, замонавий фан-техника таракқиётининг ютуқларига ҳамма таълим олувчиларнинг шахсий сифатларига қўйилган катта талабларга асосланади.

Дидактика соҳасидаги натижалар унинг олдига янги-янги масалаларни кўндаланг кўяди. Бу муаммоларни ҳал қилиш бошқа фан ютуқларидан максимал даражада самарали фойдаланишни талаб этади.

Фалсафа ва социология жамият ва атроф-муҳит ривожининг умумий қониятлари ҳақидаги фанлар сифатида одамларнинг ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишда дидактикага ёрдам беради.

Сиёсатишунослик таълимдаги сиёсий ҳодисалар ва жараёнлар билан боғлиқ дидактик масалаларни очиш учун хизмат қилади.

Этнология дидактикага одамларнинг миллий ўзига хосликларини тўғри ҳисобга олишда ёрдам беради, қайсики таълимда миллий тажрибалар ўзига хос хусусиятга эга.

Педагогик психология таълим жараёнида билим, кўникма ва малалаларни эгаллаш жараёнининг психологик қонуниятлари ва принципларини ҳисобга олишга имконият беради.

Одам физиологияси таълим жараёнида одам тана тузилиши ва нерв тизимининг ишлаш қонуниятларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг роли, аҳамияти ва ўзига хос вазифаларни кўрсатишга ёрдам беради.

Хусусий методика – алоҳида предметларни ўқитишга мўлжалга олиш таълимнинг турли шакл ва воситаларини қўлланишининг ўзига хосликларини аниқ ҳисобга олишда дидактикага ёрдам беради.

Дидактиканинг асосий категориялари. Диалектиканинг асосий категорияларига таълим, таълим жараёни, таълим принциплари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, билим, кўникма, малака, ўқитиш, ўқиш қиради.

Таълим – теварак – атрофдаги оламни билишнинг махсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиладиган алоҳида тури.

Таълим жараёни – ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки томонлама характерга эгадир.

Таълим принциплари – таълим методикаси ва ташкил этилиши мазмунига қўйиладиган талабларни аниқлайдиган энг муҳим қоидалар.

Таълим методлари - ўқитувчи билан ўқувчининг ўқув вазифаларини ҳал этишга қаратилган, ўзаро боғланган фаолияти йўллари ва усуллари.

Таълим воситалари – ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва ўтиб боришини таъминлайдиган хилма-хил ўқув жиҳозлари, ўқув қўлланмалари ва бошқалар.

Билим – бўй ўқувчилар онгида муайян тартибда мустаҳкамланган, уларнинг шахсий мулкани ташкил этадиган ва бундан улар заруратга кўра фойдалана оладиган фактлар, маълумотлар, илмий назариялар, қонунлар, тушунчалардир.

Кўникма – бу ўзлаштириб олинган билимлар асосида амалга ошириладиган ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳаракатларга тайёрликда ифодаланган онгли фаолият.

Малака – автоматлашган, ўрганиб қолинган, муайян усул билан беҳато бажариладиган ҳаракатдир.

Ўқитиш – ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда уларнинг билиш фаолияти натижасида бу билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишга доир махсус ташкил этилган ва бирор мақсадга қаратилган фаолиятдир.

Ўқиш – билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўқувчининг интеллектуал, иродавий ва жисмоний куч – ғайратини талаб этади ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Таълим жараёни ягона тизим сифатида.

1. Таълим жараёни моҳияти ва унинг вазифалари. Тушунчалар: **билим, кўникма, малака.** Таълим – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти жараёни бўлиб, бу жараёнда ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришни амалга оширадиган билим, кўникма ва малакалар юзага чиқади.

Таълим жараёни ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, бундан ташқари уларнинг фикрлаш ва ижодий фаолиятларини шакллантиришга йўналтирилган экан, бу тушунчаларнинг моҳиятини очишга эътибор қаратиш лозим.

Билим шакллари хилма-хил “Дастлабки олимпиада ўйинлари милоддан аввалги 776 йилда Юнонистон ўтказилганлигини мен биламан” бу ўринда фактни билиш қайд этилади. Гимнастика машқларининг организмига таъсири билан боғлиқ бўлган қатор илмий фактлар асосида биз тушунча шаклида ифодаланган фикрга дуч келамиз. Масалан, “Гимнастика – организмга ва кишининг функцияларига таъсир кўрсатувчи махсус танланган машқлар тизими”.

Билимларнинг амалда бир неча бор қўлланиши кўникмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Кўника – бу ўзлаштириб олинган билимлар асосида амалга ошириладиган ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳаракатларга тайёрликда ифодаланадиган онгли фаолиятдир.

Кўникма – эгалланган билимларни амалиётда қўллай олиш усуллари.

Малака автоматлашган, ўрганиб қолинган, муайян усул билан беҳато бажариладиган ҳаракатдир. Малакалар ҳар хил бўлади: ўқув малакалари – ўқиш, ёзиш, оғзаки ҳисоблаш ва бошқа; меҳнат малакалари – арра ёки болғани ишлата олиш, материаллар ва машиналар билан муомалада бўлиш ва ҳоказо; ҳаракат малакалари – юриш, югуриш, улоқтириш ва ҳоказолар.

Қобилиятлар номи остида таълим жараёнида ривожланадиган шахснинг психик хусусиятлари тушунилади. Бунда шахснинг бир томондан фаол ўқув-билиш фаолияти натижаси сифатида юзага чиқса, бошқа томондан бу фаолиятни ўмуваффақиятли бажара олишнинг юқори даражасини ифодалайди. Қобилият – бу меҳнат ёки билиш фаолиятининг у ёки бу соҳасида шахс муваффақияти гарови.

2. Таълим жараёнининг структураси. Ўқитиш ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчининг ўқув материалларини режали равишда билиб олиш жараёнидир. Бу жараёни билиш босқичидан иборат бўлган таркибий қисмларга (ёки звеноларга) ажратиш мумкин. Ўқувчи билмасликдан билиш, уддасидан чиқа олмасликдан уддулай олиш, малакалар ҳосил қилиш йўлидан бориб, бу босқичлардан ўтиши керак.

Ўқитиш жараёни 4 та асосий звенолардан ташкил топган:

1) ўзлаштирилиши лозим бўлган материални идрок этиш;

2) уни фаҳмлаб олиш, тушунчаларнинг ҳосил бўлиши;

3) билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;

4) ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалда қўллаш.

Ҳар бир звено учун ўқувчиларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади.

Ўрганилаётган материални идрок қилиш. Ўқувчиларнинг ўрганилаётган (ёки ўрганилиши лозим бўлган) материални идрок қилишини ташкил этар экан, ўқитувчи уларнинг ҳаётий тажрибаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда материал тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиб, олдиндан уни бутунлигича тушунтиради ва кўрсатади.

Ўрганилаётган материални фаҳмлаб олиш. Ўрганилаётган объект ҳақидаги умумий тасаввур асосида уни тушунишни таъминловчи, аста-секин чуқурлашиб боровчи англаш жараёни давом этади. Ўқитишнинг бу звеносининг мақсади илмий тушунчаларни

таркиб топтиришдир. Ё **Билимларни мустаҳкамланиши, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши.** Ўқув материални идрок этиш ва фақмлаб олиш жараёнида ўзлаштириш кейинчалик уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш. Билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш жараёни таълимнинг якуний мустақиллигини аста-секин ва изчиллик билан ошириб бориш.

3. Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари тавсифи, ўқув жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Инсон фаолиятининг ҳамма асосий турлари (меҳнат, фан, санъат, ўйин, спорт) унинг теварак-атроф олами ва ўз-ўзини билиш билан боғланган. Ўқиш теварак-атрофдаги олами билишнинг махсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиладиган алоҳида туридир. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдир.

Ўргатувчи кишиларнинг фаолияти ўргатувчи фаолият ёки ўқитиш деб ўқийдиганларнинг фаолияти эса ўқув фаолияти ёки ўқиш деб аталади.

Ўргатувчилик фаолияти ёки ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади ва уларни машғулотлар учун уюштиришда, уларнинг диққати, тафаккури, ҳатти-ҳаракати ва ҳоказоларига раҳбарлик қилишда, улар олдида уларнинг фаолиятини тобора мураккаблаштирилган вазифаларни изчиллик билан қўйиб боришда, уларни текшириб бориш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади.

Ўқув фаолияти ёки ўқиш билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўқувчиларнинг интеллектуал, иродавий ва жисмоний куч-ғайратини талаб этади. Ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Ўқитувчининг оқилона бирор мақсадга қаратилган раҳбарлиги ва ўқувчиларнинг эса фаол онгли иштирокисиз, таълим жараёнида ижобий натижалар бўлиши мумкин эмас. Таълим жараёнининг бу икки томони (ўқитиш ва ўқиш) бир мақсад: таълимнинг хилма-хил воситалари ва методларидан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбиявий материални эгаллаб олиш мақсади билан бирлашгандир.

4. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва унинг тузилиши. Маълумки, билиш фаолиятининг субъекти ўқувчи саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асосларга эга таълим марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорларига: ўқувчилар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқитувчилар муносабати ётади. Бу масала барча даврларда бирдек аҳамият касб этиб келган.

Таълимда ўқувчиларнинг фаолияти ҳақида гап борганда ўқувчининг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти, яъни ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Ўқувчининг билиш фаолиятининг яна бир фарқли хусусияти унинг кечиш характеридир. Ўқувчининг билиш фаолияти мақсади ҳам, мазмуни ҳам, усуллари ҳам дастурга киритилганлиги боис, ўқувчи жалб этилаётган таълим жараёни турлича кечиши; субъект (ўқувчи) кучи фаоллиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолларда унинг жараёни тақлидий репродуктив, бошқаларда изланишли, учинчиларида ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Айнан фаолият жараёнининг кечиш характери – унинг охириги натижаси эгалланган билим, малака ва кўникмалари характерига таъсир этади.

Ўқувчининг билиши худди етук илмий билиш йўли каби ҳақиқат ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади.

Инсониятнинг умумлаштирилган билимлари тизими таълим давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади ва улар илмий ҳақиқат ташувчиларига айланадилар.

Инсоннинг асл ижтимоий мулки сифатида фаолиятининг муҳим белгиси фаолият субъектининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири ва муҳим бойликлар яратувчи фаолиятининг қайта яратувчи характеридир. Ўқувчиларнинг таълим муассасасидаги билиш фаолиятининг характери шундаки, унинг натижаси ҳамма вақт ҳам моддийлашган маҳсулга эга эмас ва ўқувчининг ўзи ҳамма вақт ҳам ҳис этмайди – жавоби учун ёмон баҳо олган ўқувчининг хафа бўлиб, “мен ўқидим, ўргандим! Адолатдан эмас” деган фикрни қатъий такрорлаши бежиз эмас.

Билишга қизиқиш ўқишнинг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида болани мактабга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатига кўмаклашади.

Ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узок йўлига эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув-ҳаракатлари таъсирчисидан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахснинг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиш ажралган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар билан бирга кечадики, қизиқиш улар билан бойийди ва уларга ижобий таъсир этади.

Билишга қизиқишнинг ижтимоий мотивлар билан ўзаро алоқаси жиддий бўлиб, улар орасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот алоҳида роль ўйнайди. Ижтимоий мотивлар кенг, узоқлашган, истикболли, уларнинг лисоний ифодаси бошланғич синфлардаёқ пайдо бўлади (“Маълумотли бўлишни истайман”).

Ахлоқий мотивлар – жуда муҳим гуруҳ, уларда шахс шаклланишининг жиддий жиҳатлари – аввало одамларга, фаолиятга, ўзининг жамиятдаги ва жамоадаги ўрнига нисбатан ахлоқий муносабатлари ифодасини топади.

Мулоқот мотивлари – яна бир гуруҳ. Ўқувчиларни ўқишга реал ундайди. Умуман мактабга ижобий муносабат замирида ётади.

Ўқув мотивлари – соф шахсий тузилма, бироқ улар предметлар дунёсидан бошланади (А.Н.Льеонтоев), шунчаки ҳосил бўлмайди.

Билиш мотивлари – тобора характерли гуруҳ, зеро у билиш – ўқув предметига нисбатан муносабатни ифодалайди. Бунда тобора аҳамиятлиси билишга қизиқиш ва эҳтиёжлар саналади. Ўқувчига “янги нарсани билиш”, “ўзини билимга илгарилашни кўриш”, “илмга шўнғиш” ўзи қизикқан фаннинг назарий асосларини тушуниш жуда қизик.

Таълимнинг бу мотивларининг реал аҳамияти ортиқча баҳолаш, қийин айнан улар ўқувчилар ўзини ўқиш учун “кашф этади”. Билишга қизиқиш ўқувчининг фаоллиги, таълимда мустақиллиги асосида ётади. Мактабга умуман муҳаббатни шакллантиради. Билишга қизиқиш ривожланишнинг янада юқори босқичида шахсининг барқарор кирраси, сифати бўлиб, кўпинча билиш фаолиятига изчил интилиш билан характерланади. Бундай айниқса, ўқув материали мазмунидан келиб чиқадиган рағбатлаш ва барқарорлик алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим мазмунининг билишга қизиқишни уйғотувчи, рағбатлашларига қуйидагилар киради: ўқув материалининг янгилиги, билимлар мазмунига тарихий ёндошув, четлаб ўтиш, замонавий фан ютуқларини кўрсатиш, билимларнинг амалий роли, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва ўқитувчи, ўқувчилар муносабатлари ва бошқалар.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими мазмуни

Ҳозирги замон босқичида таълим мазмунини белгиловчи муҳим ғоялар (асослар). Таълим мазмуни – бу жамиятнинг шахсни маънавий ривожланиши даражасига қўйилган талаблар, жамиятнинг ижтимоий тажриба ва маданиятини акс эттирган ижтимоий буюртмаси моделидир.

Ҳозирги шароитда ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун таълим мазмуни (ўқув режалари)ни ишлаб чиқишда таълим мазмунида қуйидаги ғоялар етакчи ўрин тутаяди:

- инсонийлаштириш;
- инсонпарварлаштириш;
- интеграциялаштириш;
- стандартлаштириш;
- кўп босқичлиликл асосланиш;
- амалийлаштириш;
- ахборотлаштириш;
- индивидуаллаштириш;
- узлуксизлик.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари. Мактаб таълими мазмунини шакллантириш қуйидаги умумий тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

1. Таълим мазмунининг барча элементлари барча босқичларда жамият, фан, маданият ва шахс ривожланиши талабларига мос бўлиши тамойили.
2. Таълимнинг ягона мазмунли ва процессуал томони тамойили.
3. Таълим мазмунининг яхлит тузилиши тамойили.
4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили.
5. Таълим мазмунини фундаменталлаштириш тамойили.
6. Таълим мазмунининг кетма-кетлиги тамойили.
7. Таълимнинг мазмуни мунтазамлиги тамойили.
8. Таълим мазмунининг ўқувчилар ёшлари имкониятларига мослиги тамойили.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг мазмунини шакллантириш кўриб чиқилган тамойилларини замонавий ўрта мактаблар ва академик лицейлари учун танлаб олиш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

- эркин фикрловчи шахснинг ривожланиши ва унинг маданиятини шакллантириш масалалари мазмунини яхлит акс эттириш;
- илмий ва амалий аҳамияти;
- таълим мазмунининг мураккаблиги, ўқувчилар имкониятларининг мавжуд ўқув дастурларига мослиги;
- таълим ҳажмининг уни ўрганишга ажратиладиган вақтга мослиги;
- мактаб ҳамда лицейлар базасининг замонавий талабларга жавоб бериши;
- умумий ўрта таълим мазмунини қуришда халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш.

Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар. Илмий педагогик адабиётларда таълим мазмунини шакллантиришнинг қуйидаги уч босқичи кўрсатилади:

- умумий назарий босқич;
- ўқув босқичи;
- ўқув материални ўзлаштириш босқичи, яъни, таълим мазмунининг ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар каби меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режалари мазмунида намоён бўлади. Ўқув режалари қуйидагилардан иборат: таянч, намунавий ва мактаб ўқув режаси.

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари) учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг ташкилий қисми ҳисобланган асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, у намунавий ва амалий ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таянч ўқув режаси давлат таълим стандарти таркибий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг намунавий ўқув режалари таянч ўқув режаси асосида тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади. Бу режа узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади ва унинг асосида мавжуд шароитларни ҳисобга олиб ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси – меъёрий ҳужжат ҳисобланиб (таълим муассасаси сертификати) қуйидагиларни белгилайди:

- ўқув йили, чорак (семестр)лар ва таътиллارнинг давомийлиги;
- ушбу таълим муассасасида ўрганиладиган ўқув фанлари тартиби;
- ўқиш йиллари бўйича фанларни тақсимлаш;
- ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир синф (курс)да фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ҳажми;
- ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми;
- практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар ҳамда шу кабиларнинг давомийлиги.

Ўқув режасида, яна шунингдек, аниқ бир ўқув муассаси хусусиятларини акс эттирувчи, ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича факультатив ва мажбурий машғулотлар акс эттирилади.

Ўқув дастури – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтни муҳим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимлаш, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Дастурда ўқув материалининг таълимнинг ҳар бир йили ва ҳар бир синф, курс бўйича тақсимланиши тузилиши асослаб берилган. Дастурда кўрсатилган билим, малака ва кўникмаларни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилиши ўқитиш жараёни муваффақиятлилиги ва самаралилиги мезонларидан бири ҳисобланади.

Ўқув дастурлари намунавий, ишчи ва муаллифлик бўлиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури у ёки бу таълим соҳасига нисбатан давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастурлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ушбу фанни ўрганиш мақсадлари, ўқувчиларнинг билим ва малакаларига асосий талаблар, ўқитиш тавсия этиладиган шакл ва методлари ҳақидаги тушунтириш хати;

- ўрганилаётган материалнинг тематик мазмуни;
- курснинг алоҳида саволларини ўрганишга ўқитувчи сарфлайдиган тахминий соатлари ҳажми;
- дунёқарашни шакллантирувчи асосий саволлари рўйхати;
- фанлараро ва курслараро боғлиқликни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар;
- ўқув ускуналари ва кўргазмали қўлланмалар рўйхати;
- тавсия этиладиган адабиётлар.

Намунавий ўқув дастурлари Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади, тавсиянома хусусиятига эга бўлади. Намунавий дастур асосида мактаб, академик лицей педагогик кенгаши томонидан ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Намунавий дастурдан фарқли равишда

ишчи дастурда регионал компоненти таърифланади, ўқув жараёнини методик, информацион, техник таъминлаш имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражаси ҳисобга олинади.

Муаллифлик ўқув дастурлари давлат стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фанини қурилиши бошқача мантиқидан иборат бўлиши, у ёки бу назарияларни ўрганишга муаллифлик ёндашуви, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муаллифлик нуқтаи назарини акс эттириши лозим. Бундай дастурлар ушбу фан соҳасида педагог, психолог, методистларнинг ташқи рецензияларига эга бўлиши керак ва улар мавжуд бўлганида мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг Педагогик Кенгаши томонидан тасдиқланади. Муаллифлик ўқув дастурлари ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича (мажбурий ва факультатив) курслар ташкил этишда кенг фойдаланилади.

Ўқув фани таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манбадир.

Ўқув фанининг мазмуни ҳар бир педагог томонидан ихтиёрий белгиланмайди, балки ижтимоий ҳодиса сифатида таълимнинг тарихий ривожланиши давомида ишлаб чиқилади. Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқув фанларини илмий билимнинг умумий тузилишига мос равишда шакллантириш керак деб ҳисобловчи нуқтаи назар энг кенг тарқалган ва тан олинган ҳисобланади.

Таълим мазмуни ва ўқув дастурлари ўқув адабиётларида лойиҳалаштирилади. Бундай адабиётлар сирасига дарсликлар ва ўқув қўлланмалари киради.

Ўқув адабиётлари орасида дарслик алоҳида ўрин тутати. Дарслик муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни ва тузилишига кўра фан бўйича яратилган ўқув дастурига мос келади. Намунавий ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар мақсадга мувофиқ ҳолда Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан барча мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун тавсия этилади. ғоявий ва методик жиҳатдан мукамал бўлган дарслик таълим мазмунига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, ўқувчилар учун қизиқарли, иложи борида қисқа, тушунарли, кўргазмалилик нуқати назаридан эстетик хусусиятга эга бўлиши керак.

Дарслик бир вақтнинг ўзида ҳам барқарор, ҳам қулай таркибий тузилмага эга бўлиши керак. Дарслик барқарорлигига кўра мустақкам асосга эга, мобиллигига кўра эга асосий тузилмага даҳл этмаган ҳолда янги билимларни тезликда киритиш имкониятини намоён этади. Уларга қўйиладиган талаблар турли-туман ва қарама-қарши бўлиб, мукамал дарсликларнинг етишмовчилиги доимо ҳис этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда муқобил, параллел дарсликлар нашр этилади, шу сабабли ўқитувчилар ва ўқувчилар улар орасидан энг яхшилари танлаб олиш имкониятига эгалар.

Дарслик ўқувчиларнинг таълим жараёнида, онгли равишда ва фаол иштирок этишлари, ўқув материални тўла ўзлаштиришларини таъминлаши керак. Ана шу масалаларни ҳал этиш йўлида дарсликлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

мотивацион вазифа - бу вазифа ўқувчиларни ушбу фанни ўрганишга йўналтирадиган, уларда ишга позитив муносабати ва қизиқишини шакллантирувчи рағбат (сабаб)ларни ҳосил қилишдан иборат;

ахборот вазифаси ўқувчиларга ахборотларни етказиш, самарали усуллар ёрдамида уларнинг билимлари ҳажмини кенгайтиришга имкон беради;

назорат-тузатиш (машқ қилиш) вазифаси – таълим жараёни, унинг натижаларини текшириш, ўқувчиларда ўзини баҳолаш ва тузатиш лаёқати ҳамда зарур бўлган кўникма, малакаларни шакллантириш учун ўрганиш машқларини тавсия этишни назарда тутати.

мувофиқлаштириш вазифаси материал устида ишлаш жараёнида таълимнинг бошқа воситалари (хариталар, кўргазмали материаллар, диапозитив ва бошқалар)ни жалб этишни ифодалайди;

ривожлантирувчи –тарбияловчи вазифаси дарслик мазмунининг ўқувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиши, китоблар билан ишлаш жараёнида улардан меҳнатсеварлик, фаол фикрлаш, ижодий қобилият каби сифатларни шакллантиришдан иборат;

ўқитиш вазифаси дарслик билан ишлашда мустақил билим олиш учун зарур бўлган конспект ёзиш, умумлаштириш, асосийсини ажратиб кўрсатиш, мантиқий эслаб қолиш каби малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беришида кўзга ташланади.

Таълим мазмуни ўқув материали даражасида дарсликлар билан бир қаторда турли хил ўқув қўлланмалари: адабиёт ва тарих хрестоматиялари, справочниклар, математика, физика, химия бўйича масалалар тўпламлари, георафия, биология бўйича атласлар, тил бўйича машқлар тўпламлари ва бошқаларда очиб берилади. Ўқув қўлланмалари дарсликнинг баъзи томонларини кенгайтиради ва аниқ масалаларни ҳал этиш мақсадига эга бўлади (ахборот, машқ қилиш, текшириш).

Давлат таълим стандарти. Таълим мазмунининг ривожланишида кўзга ташланаётган замонавий тенденцияларидан бири уни стандартлаштириш (давлат миқёсида ягона қоидалар ва талаблар ўрнатилиши) ҳисобланади. Стандартлаштиришда қуйидаги икки омил муҳим аҳамиятга эга:

турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар билимлар ҳажмининг бир хиллик даражасини таъминловчи мамлакатда ягона педагогик муҳитни яратиш зарурлиги;

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти тизимига кириши натижасида халқаро таълим амалиётида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини ривожланиши тенденцияларининг ҳисобга олиниши.

Давлат таълим стандарти:

таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари керак бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат;

ўқув фани бўйича якуний таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат;

таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талабларни белгилайди.

Таълимни ташкил қилиш шакллари ва турлари (таянч конспект)

Таълим турлари:

архаик (ибтидоий);
кадимги (Шумер, Миср, Хитойда эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик);
авестий (Бақтрия, Суғдиёна, Хоразмда – эрамиздан авв. VII-VI асрлар);
юнон (Эллинс, рим-юнон, рим – эрамиздан авв. V-I асрлар);
ўрта аср (догматик, схоластик V-XVI асрлар);
янги (тушунтириш, тушунтириш-кўргазмали, дастурлаштирилган, масофали ўқитиш муаммоли-дастурлаштирилган, компьютерлаштирилган инновацион);
хорижий (тушунтириш, тушунтириш-кўргазмали, дастурлаштирилган, муаммоли-дастурлаштирилган, компьютерли ўқитиш, масофали, Internet ёрдамида ўқитиш ва шу кабилар).

Таълимни ташкил этиш шакллари. Айни вақтда таълимнинг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатилади: индивидуал, индивидуал-гурухли, синф-дарс, маъруза-семинар ҳамда синфдан ташқари, аудиториядан ташқари, мактаб ва мактабдан ташқари. Улар ўқувчиларни қамраб олиши, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиши, жамоавий ва индивидуал шакллариининг нисбатлари, мустақиллиги даражаси ва ўқиш жараёнига раҳбарлик қилиш хусусиятлари каби белгиларига кўра қуйидаги уч асосий турга ажратилади:

- 1) индивидуал;
- 2) синф-дарс;
- 3) маъруза-семинар.

Таълимни ташкил этишнинг индивидуал шакли. Қадим замонларда мавжуд бўлган ўқитишнинг энг қадимги шакли таълимнинг индивидуал шакли ҳисобланади. Ҳаётий тажрибаларни аجدодлардан-авлодларга узатиш ибтидоий жамиятда юзага келган. Ёзув пайдо бўлиши билан қавм бошлиғи турли белгилар ёрдамида ўзининг тажрибаларини ёшларга ўргатган. Ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита ва индивидуал алоқасига мисол сифатида репетиторликни кўрсатиш мумкин. Ўқишни ташкил этишнинг индивидуал шакли антик давр ва ўрта асрларда ягона усул бўлган, ундан баъзи мамлакатларда XVIII асргача кенг фойдаланилиб келинган.

Синф-дарс тизими. Синф-дарс тизими гарчи 350 йил аввал асосланган бўлсада, бугунги кунда ҳам кенг қўламда қўлланилиб келинмоқда.

Синф-дарс тизимининг мазмуни ўқув ишларини ташкил этиш ўзига хос шакли сифатида, қуйидагиларда иборат:

бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилар синфни ташкил этади. Бу синф мактабда ўқишнинг умумий даврига асосан доимий тартибини сақлаб қолади;

синф фаолияти ягона йиллик режа ва дастур асосида, доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади, бунинг натижасида болалар мактабга йилнинг бир вақти ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади.;

машғулотларнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;

дарс одатда бир фан ёки мавзуга бағишланган бўлади, шу боис ўқувчилар синфда битта материал устида ишлайдилар;

дарсда ўқувчиларнинг ишига ўқитувчи раҳбарлик қилади, у ўз фани бўйича ўқиш натижалари, ҳар бир ўқувчини алоҳида билимини баҳолайди ва йил охирида ўқувчини кейинги синфга ўтиши ҳақида қарор қабул қилади.

Таълимнинг маъруза-семинар тизими. Биринчи университетлар пайдо бўлиши билан таълимнинг маъруза-семинар тизими юзага кела бошлайди. У яратилган пайтдан бери маъруза, семинар, амалий ва лаборатория ишлари, консультация ва танлаган касби бўйича амалиёт ҳозиргача лекцион-

семинар тизим сифатида ўқишнинг асосий шаклларида бири бўлиб келмоқда. Лекцион-семинар тизими ўзининг соф кўринишида олий ва олий мактабдан кейинги таълим амалиётида қўлланилади. Ўзбекистонда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини тадбиқ этилиши билан лекцион-семинар тизимидан академик лицей ва касб-хунар коллежларида фойдаланила бошланди.

Дарс - таълимни ташкил этиш асосий шакли. Дарс бевосита ўқитувчи раҳбарлигида аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли саналади. Дарсда ҳар бир ўқувчи хусусиятларини ҳисобга олиш, барча ўқувчиларнинг машғулоти жараёнида ўрганилаётган фан асосларини эгаллаб олишлари, уларнинг идрок этиш қобилиятлари ва маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш ҳамда ривожлантириш учун қулай шароитларни яратилади. Дарс таълимнинг бошқа шаклларида фарқ қилувчи ўзига хос белгиларга эга, чунончи: ўқувчиларнинг доимий гуруҳи, ўқувчилар фаолиятига уларнинг ҳар бири хусусиятларини ҳисобга олиш билан раҳбарлик қилиш, ўрганилаётган фан асосларини бевосита дарсда эгаллаб олиш (бу белгилари дарснинг фақат мазмунини эмас, балки ўз хусусиятини ҳам акс эттиради).

Дарснинг турлари:

аралаш дарслар;
янги маълумотлар, аниқ ҳодисалар билан танишиш бўйича ёки умумлаштиришларни англаб етиш ва ўзлаштириш мақсадига эга дарслар;
билимларини мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари;
ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш асосий мақсадига эга дарслар;
малака ва кўникмаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарслари;
билимларни текшириш ва текшириш ишларини ўрганиш дарси;
ўз тузилиши бўйича оддий бўлган, яъни битта асосий дидактик мақсадга эга бўлган дарс турлари (ўрта ва катта синфларда қўллаш учун мос келади).

Аралаш дарснинг тузилиши:

- 1) уй вазифаларини текшириш ва ўқувчилар билан савол-жавоб;
- 2) янги материални ўрганиш;
- 3) ўзлаштиришини дастлабки текшириш, машқ мисоллари давомида янги билимларини мустаҳкамлаш;
- 4) ўқувчилар билимларини текшириш ва баҳолаш;
- 5) уйга вазифа бериш.

Янги материаллар билан танишиш дарсининг тузилиши

- 1) янги материални ўрганиш учун асос бўлган аввалги материални такрорлаш;
- 2) ўқитувчининг янги материални ва дарслик билан ишлашни тушунтириши;
- 3) билимларни тушунишларини текшириш ва дастлабки мустаҳкамлаш;
- 4) уйга вазифа бериш.

Билимларни мустаҳкамлаш дарсининг тузилиши

- 1) уй вазифасини текшириш;
- 2) оғзаки ва ёзма машқларни бажариш;
- 3) топшириқни бажаришни текшириш;
- 4) уйга вазифа бериш.

Кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарс. Кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарслари билимларни мустаҳкамлаш дарслари билан боғлиқдир. Бу жараён бир неча махсус дарслар жараёнида амалга оширилади. Бошқа дарсларда янги мавзуларни ўрганишда давом эттирилади. Шу билан бирга аввалига машқни бажариш ишлари болалар томонидан ўқитувчи ёрдамида ва улар топшириқни қандай тушунганларини даслаб жиддий текшириш билан бажарилса, кейинчалик эса қаерда қандай қоида қўлланилишини ўқувчиларнинг ўзлари

белгилайдилар. Улар турли вазиятларда малака ва кўникмаларини қўллаш, шу жумладан, ҳаётий амалиётида қўллашни ўзлаштириб олишлари керак.

Текшириш (назорат) дарслари. Текшириш (назорат) дарслари ўқитувчига ўқувчиларнинг маълум соҳадаги билим, малака ва кўникмалари шаклланганлик даражаси, ўқув материални эгаллашдаги камчиликларни аниқлаш, шунингдек, навбатдаги топшириқларнинг бажариш йўлларини белгилаб олишга ёрдам беради. Текшириш дарслари ўқувчидан ушбу мавзу бўйича унинг ҳамма билим, кўникма ва малакаларини қўллашнинг талаб этади. Текшириш оғзаки ҳамда ёзма шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Таълим воситалари

1. Таълим методлари таълим воситалари билан биргаликда қўлланилади. Дидактик воситалар деганда, ўқув ва кўргазмали қўлланмалар, намо-йишли қурилмалар, техник воситалар тушунилади. Таълим воситалари – бу янги билимларни ўзлаштириш учун ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган объект. Таълим воситалари катта аҳамиятга эга. Таълимнинг барча воситалари таълим мақсадларини муваффақиятли амалга оширади.

Таълим воситалари ўзида ўқув-тарбиявий мақсадга эришиш учун зарур бўлган моддий ёки маънавий қадриятларни акс эттиради. Одатда улар таълим методларига мос ҳолатда фойдаланилади. Бироқ агар методлар «қандай ўқитиш» саволига жавоб берса, воситалар эса, «унинг ёрдамида ниямани ўқитиш» саволига жавоб беради.

Анъанавий равишда қўланиладиган таълим воситаларига дарслик, расмлар, жадвалар, нутқ, ўқув-устахонаси жиҳозлари, лабораториялар, ахборот воситалари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш воситалари киради.

Дидактик воситалар методлар сингари таълимий, тарбиявий ва ривож-лантирувчи функцияларни бажаради. Бундан ташқари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ҳосил қилиш, бошқариш ва назорат қилиш вазифаларини бажаради.

Немис олимлари Р. Фуш ва К. Кроллар дидактик воситалар аудивизу-аллик тафсилотида мотивацион, ахборот, таълим жараёнини бошқариш, оптималлаштириш функцияларини бажаради, деб ҳисоблашади.

Фанни ўқитиш билан боғлиқ ҳолда таълим воситаси танланади. Ўқитувчи ўзининг ихтиёри бўйича кўргазмали материал, ўқув қўлланмадан фойдаланиши мумкин. Таълим воситасини қўллашнинг яна бир жиҳати албатта таълим жараёнининг таркибий қисми сифатида акс эттиришидир.

Таълим воситасини танлаб олиш таълим методини танлаб олиш билан боғлиқ. Агар таълимнинг фаол методи(китоб билан ишлаш, машқлар) фойда-ланилса, у ҳолда ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланилади. Айнан таълимнинг актив-техник воситалари ама-лий методларда фойдаланилади.

Таълимнинг пассив(суст) методлари(ўқувчилар эшитади, яъни ҳикоя, маъруза, тушунтириш, экскурсия) таълимнинг кўргазмали воситаларидан фойдаланилади. Таълимнинг кўргазмали воситалари педагогнинг ўзи томо-нидан тузилган бўлиши мумкин.

Воситаларнинг исталган туридан фойдаланишда ўлчов ва мутаносиб-ликка эътибор бериш керак. Масалан, кўргазмали воситаларнинг сони етарли бўлмаслиги билимларнинг сифатига таъсир кўрсатади, билишга қизиқишни пасайтиради, образли идрок этишни ривожлантирмайди. Улардан ҳаддан ташқари фойдаланиш ўқувчиларнинг ўрганилаётган фанга енгил-елпи қара-шига олиб келади. Мураккаб мавзуларни ўрганишда 4-5 демонстрация опти-мал ҳисобланади.

2. Таълим воситалари таснифи аниқ ва ягона бўлиши мумкин эмас. Таълим воситасининг аҳамиятли томони уларнинг биргаликда қўлланили-шидир ва ҳеч қачон бир-бирини инкор этмайди. Ўқитувчининг вазифаси – дарс жараёнини фаоллиштириш учун таълимнинг самарали воситасини танлаб олишдир.

Таълим воситаларини таснифлашда турли асосларга кўра ёндашиш мумкин:

- фаолият субъектига кўра;
- фаолият объектига кўра;
- ўқув ахборотига муносабатига кўра;
- ўқув жараёнидаги вазифасига кўра.

Фаолият субъекти бўйича таълим воситалари ўргатиш ва ўрганишга бўлинади.

1. Ўқитиш воситалари. Масалан, намоёйишли-тажриба қуроли. Бундай қуролилар ўқитувчи томонидан мавзунини тушунтириш ва мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

2. Ўрганиш воситалари. Масалан, лаборатория-практикум куроллари. Бундай воситалар ўқувчилар томонидан янги билимларни эгаллаш учун қўлланилади.

В.А. Сластениннинг фикрича, дидактик воситалар ўқитувчи ва ўқувчи учун хослигига қараб, иккига бўлинади. Биринчисига кўра, нарсалар ўқитувчи томонидан таълимнинг мақсадларини самарали реализациялаш учун қўлланилса, иккинчиси – бу ўқувчиларнинг индивидуал воситалари, дарсликлар, дафтарлар. Бундан ташқари дидактик воситалар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолият турига кўра спорт куроллари, ботаника ва география майдончаси, компьютерларга ҳам бўлинади.

Фаолият объектлари бўйича ҳам таълим воситалари иккига бўлинади:

1. Материал таълим воситалари. Бу ўқув қўлланмалари, дарсликлар, жадваллар, макетлар, моделлар, ўқув-техник воситалар, мебел, ўқув-лаборатория қурилмалари, кўргазмали воситалар бўлиши мумкин.

2. Идеал таълим воситалари – булар педагог ва ўқувчилар янги билимларни эгаллашда қўллайдиган воситалар: чизмалар, схемалар, диаграммалар, тасвирий, санъат, нутқ, хат ва бошқалар. Идеал воситалар – бу «фикрлар ҳақидаги фикрлар»: ўқитувчи уларни ўргатиш учун белгиланган шаклда кўрсатиши зарур. Масалан, материализация – абстракт символлар тарзида кўрсатиладиган восита(графиклар, жадваллар, чизмалар), вербализация – нутқ баёни тарзида кўрсатиладиган восита(таҳлил, муҳокама қилиш, далил келтириш).

Материал ва идеал восита бир-бирини тўлдиради. Материал восита қизиқиш ва диққатни уйғотиш, амалий ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, идеал воситалар – мантикий муҳокама. Материални тушунти-риш, нутқ маданияти, ёд олиш билан боғлиқ.

Ўқув ахборотиغا муносабатига кўра таълим воситалари янги материални ўрганиш воситалари, такрорлаш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш воситалари, билимларни назорат қилиш воситалари, ўқув жараёнини ташкил эти шва бошқариш воситалари ва ахборот воситаларига бўлинади.

Ўқув жараёнидаги вазифасига кўра таълим воситалари коммуникация (мулоқот) ва ўқув ишлари воситаларига тасниф этилади. Ўқув иши вазифа, муаммо, масалаларни ҳал этиш, турли машқларни бажариш жараёнидир. Таълим – коммуникация (мулоқот) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолияти саналадиган коммуникатив-фаолиятли жараён. Коммуникация – бу кодлаш (ўқитувчи нутқидаги атамаларда), узатиш (ёзилиш) ва ўқувчиларнинг ахборотни қабул қилиши (тушуниш ва дастлабки эслаб қолиш).

Дидактик воситалар ҳис қилиш, сезиш учун фойдаланишига кўра ҳам тасниф қилинади. Бундай боғлиқликка кўра дидактик воситалар визуал (кўриш) – ҳақиқий(оригинал) нарсалар ёки турли образли эквивалентлари, диаграммалар, карталар; аудиал(эшитиш) – радио, магнитофон, мусиқа асбоблари; аудиоизуал(кўриш-эшитиш) – овозли фильмлар, телевидение, компьютерлар, дидактик машиналар, электрон дарсликлар.

3. Замонавий таълимда таълимнинг техник воситаларидан кенг фойдаланилади.

ТТВ – бу ўзида ўқув-ахборотларини экранли-овозли акс эттирувчи асбоб ва мосламалардир. Уларга:

Ўқув кинофильмлари.
Диафильмлар.
Компьютерлар.
Магнитофон тасмалари.
Радиоэшиттириш.
Телекўрсатувлар киради.

ТТВларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

ахборот;
аралаш(комбинацион);
тренажёр;
билимларни назорат қилиш воситалари;
аудиовизуал воситалар.

ТТВнинг функциялари:

таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширади;
ўқув жараёнининг жадаллашувини таъминлайди;
ўқувчиларни идрок қилишга йўналтиради;
ўқувчиларда билимларни эгаллашга нисбатан катта қизиқиш ҳосил қилади;
дунёқарашни, ишончни, ўқувчиларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиришга ёрдам беради;
ўқув ишига нисбатан ўқувчиларда эмоционал муносабатни оширишни таъминлайди;
билимларни назорат, ўзини-ўзи назорат қилишни таъминлайди.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш

Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти. Ташхиснинг мо-ҳияти ҳақида гапиришдан олдин ташхисни умумий ёндашув ҳамда ташхис-лашни амалий педагогик фаолият жараёни сифатида фарқлаб олайлик. **Таш-хис** – бу дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш демак. Ташхиссиз дидактик жараёни сама-рали бошқариш, мавжуд шароит учун оптимал натижаларга эришиш мумкин эмас.

Таълим олганликни ташхислаш орқали эришилган натижалар ва таъ-лим олганлик ажратиб олинади. Шунингдек, таълим олганлик ташхислаш вақтида белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси сифатида ҳам қара-лади. Дидактик ташхислашнинг **мақсади** ўқув жараёнида кечадиган барча жиҳатларни унинг маҳсули билан боғлиқ ҳолда ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ташхис таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини анъанавий текширишга нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ маъно касб этади. Таълимни баҳолаш ёки текшириш фақат нати-жаларни қайд этади, бироқ уларнинг келиб чиқишини изоҳламайди. Ташхис натижаларни уларга эришиш йўллари ва воситалари, усуллари билан алоқа-дорликда баҳолайди, таълим маҳсулининг шаклланиш жараёнлари ва бос-қичларни аниқлайди. Ташхислаш назорат, текшириш, баҳолаш, статистик маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, динамика, тенденцияларни аниқлаш, воқеаларнинг кейинги ривожини тахминлашни ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, баҳолаш ташхислашнинг зарурий таркибий қисмлари саналади. Улар педаго-гик технологиянинг анча қадимий усуллари-дир. Назорат ва баҳолаш мактаб амалиёти ривожининг доимий ҳамроҳи бўлиб келган. Шунга қарамай, бугун ҳам баҳолашнинг мазмуни, технологиялари ҳақида қизғин мунозаралар да-вом этмоқда. Аввал бўлгани каби педагоглар баҳо нимани қайд этиши ло-зимлигини аниқлашга уринмоқдалар. Улар баҳо нимани кўрсатиши лозимли-ги: таълим олувчи ўзлаштиришнинг қатъий белгиловчиси – сифат кўрсатки-чи бўлиши керакми, ё аксинча, у ёки бу таълим тизимининг устунлиги ва камчиликларининг кўрсаткичи бўлиши керакми деган масалада баҳслашиб келмоқда.

Таълимни баҳолашда зиддиятли қарашларнинг туғилишини буюк педагог Я.А.Коменский ҳам таъкидлаб ўтган эди. У педагогларни ўзлари эга бўлган баҳолаш ҳуқуқидан ақл билан фойдаланишга чақирган. Таълим олув-чиларга нисбатан назоратнинг объектив бўлишига эришиш дидактик тизим-ларнинг асосида ётади.

Олимларнинг таъкидлашича, демократлашган таълим тизимида юзаки (формал) назорат бўлмаслиги лозим, Дидактик назорат ўқитишнинг ўзига хос методи сифатида аниқ ифодаланган таълим берувчи, ривожлантирувчи йўналганликга эга бўлиши, ўз-ўзини назорат қилиш билан бирлашиши, энг аввало, таълим олувчининг ўзи учун зарур ва фойдали бўлиши лозим.

Таълим тизимини демократлаштириш билим, кўникма ва малакаларни назорат ва баҳолашдан эмас, балки баҳо ёрдамида ўқишга ундашнинг эскирган шакллари-дан воз кечишни талаб қилади. Ўқувчиларнинг ўқув меҳ-натини рағбатлантиришнинг янги усуллари-ни излаш, таълим ва тарбия соҳа-сида куч тўплаб бораётган шахсий фойда тамойили янги-ча ёндашувларни белгилаб беради. Ташхислаш тизимида баҳо рағбатлантириш воситаси сифа-тида бир қатор афзалликларга эга бўлади. Биринчи навбатда, баҳоловчи фикрлар (баллар) қўлланиши мумкин бўлган ташхислаш натижалари шахснинг ўз даражасини белгилашга кўмаклашади, бу эса рақобатли таълим шароитларини яратишда муҳим омил саналади. Таълим (шунингдек, назорат)нинг ихтиёрийлиги тамойили билан бойитилган баҳо ўтмишда кўплаб ўқувчилар учун мажбурий таълимнинг зарурий воситасидан шахсий рейтинг – инсоннинг жамиятдаги мавқеи кўрсаткичини тадрижий аниқлаш усулига айланади.

2. Таълим жараёнида назорат ва ҳисобга олиш, уларнинг вазифала-ри.

Таълим жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири - назорат ва ҳи-собга олишдир. Бу тушунчалар ўзига хос моҳият ва хусусиятларга эга. Ўқи-тувчи назорат ва ҳисобга олишни тўғри ташкил этса, таълим жараёнининг са-марадорлиги ортади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ўқув материаллари-ни ўзлаштириш даражасини аниқлаб бориши лозим.

Назорат (таълим жараёнида) таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёнини англатади. Аниқлаш ва ўлчаш эса **текшириш** деб аталади.

Текшириш – назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидак-тик вазифаси ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида акс алоқани таъминлаш, педа-гог томонидан ўқув материални ўзлаштириш ҳақида объектив ахборот оли-ниши ҳамда билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш-дир. Текширишнинг мақсади нафақат ўқувчининг билим даражаси, сифати, балки унинг ўқув меҳнати ҳажмини ҳам аниқлашдан иборат.

Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини текшириш қўйида кўрсатил-ган мантикий кетма-кетликда олиб борилиши керак:

Текшириш тизимидаги **биринчи бўгин** таълим олувчиларнинг билим даражасини **олдиндан аниқлаш** ҳисобланади. Одатда, у ўқув йили бошида ўқувчилар томонидан аввалги ўқув йилида ўзлаштирилган билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бу каби текшириш, шунингдек, ўқув йилининг ўртасида янги бўлим (курс)ни ўрганишга киришилганда ҳам ўтказилиши мумкин ва ўринли бўлади.

Билимларни текширишнинг **иккинчи бўгини** ҳар бир мавзунини ўзлаш-тириш жараёнидаги **жорий текширишдир**. Жорий текшириш таълим олув-чилар томонидан ўқув дастурида белгиланган айрим алоҳида элементларни ўзлаштириш даражасини ташхислаш имконини беради. Мазкур текшириш-нинг асосий вазифаси ўргатишдир. Бундай текширишнинг шакл ва метод-лари турлича бўлиб, улар ўқув материали мазмуни, мураккаблиги, ўқувчи-ларнинг ёши ва тайёргарлиги, таълим босқичи ва мақсадлари, муайян педа-гогик шароитларга боғлиқ бўлади.

Такрорий текшириш билим, кўникма ва малакаларни текширишнинг **учинчи бўгини** саналиб, жорий текшириш каби мавзули бўлиши мумкин. Янги мавзунини ўрганиш билан бирга ўқувчилар аввал ўрганилганларни так-рорлайдилар. Такрорий текшириш билимларни мустаҳкамлашга кўмаклаша-ди, бироқ ўқув ишлари босқичини тавсифлаш, билимларни ўзлаштириш мус-таҳкамлиги даражасини ташхислаш имконини бермайди. Ушбу текшириш ташхиснинг бошқа турлари ва методлари билан бирга қўлланилсагина қутил-ган самарани беради.

Тизимнинг **тўртинчи бўгини** ўқувчиларнинг билим, кўникма ва мала-каларини яхлит бўлим ёки курснинг алоҳида мавзуси бўйича **даврий тек-шириш** ҳисобланади. Мазкур текширишнинг мақсади – курснинг турли қисмларида ўрганилган ўқув материалининг структуравий элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўзлаштириш сифатини ташхислаш. Даврий текширишнинг асосий вазифаси – тизимлаштириш ва умумлаштириш.

Текширишни ташкил этишда **бешинчи бўгин** таълим олувчиларнинг, таълим жараёнининг барча босқичларида эгалланган билим, кўникма ва ма-лакаларини **якуний текшириш ва ҳисобга олишдир**. Ўзлаштиришнинг яку-ний ҳисоби ҳар бир чорак ва ўқув йили охирида ўтказилади. У олинган баҳо-ларни қўшиб, ўртача арифметик баллни механик тарзда чиқаришдангина иборат бўлмаслиги лозим. Бу, аввало, мазкур босқичда белгиланган мақсадга мувофиқ тарзда амалдаги таълим олганлик даражаси (сифати)ни ташхис-лашдир.

Текширишдан ташқари назорат ўз ичига баҳолашни (жараён сифа-тида) ва баҳони (натижа сифатида) ҳам олади. **Баҳолаш** деб билим, кўникма ва малакаларни ўқув дастурида кўрсатилган эталон (кўрстак, қолип, ўлча-гич)лар билан солиштиришни

айтамыз. **Баҳо** деб баҳолашнинг балл шаклида кўрсатилган сон жиҳатдан ўлчамига айтилади. Ўзлаштириш табеллари, синф, гуруҳ журналлари, рейтинг дафтарчалари ва шу кабиларда баҳолар шартли белгилар, код сигналлари, хотиралаш белгилари ва ҳоказолар баҳо кўринишида қайд этилади. Ўқувчининг ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун назорат якунлари (натижалари) асос бўлади. Бунда ўқувчилар ишининг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Миқдор кўрсаткичлари кўпроқ баллар ёки фоизларда, сифат кўрсаткичлари эса аъло, яхши, қони-қарли ва ҳоказо баҳоловчи фикрлар ёрдамида қайд этилади. Ҳар бир баҳо-ловчи фикрга олдиндан келишилган (белгиланган) балл, кўрсаткич (масалан, ўрин – 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо) тайинланади. Бунда баҳо ўлчаш ва ҳисоблашлар натижасида олинadиган сон эмас, балки баҳоловчи фикрга юкланган маъно эканини унутмаслик муҳим. Баҳоларни сон сифатида қўллашга берилиб кетишнинг олдини олиш учун бир қатор мамлакатларда баҳолар ҳарфли (А, В, С, Д ва ҳоказо) ифодага эга.

Баҳони амалда эгалланган билим, кўникма ва малакалар билан давлат таълим стандартига кўра ўзлаштирилиши белгиланган билим, кўникма ва малакалар умумий ҳажми ўртасидаги нисбат сифатида тушуниш (таъриф-лаш)дан таълим даражасининг миқдорий мазмуни келиб чиқади. Ўзлашти-риш (таълим самарадорлиги) кўрсаткичи $B=A/T*100\%$ нисбат асосида ҳи-собланади. Бунда:

В – ўзлаштириш (таълим самарадорлиги) баҳоси;

А – амалда ўзлаштирилган билим ва малакаларнинг ҳажми;

Т – ўзлаштириш учун таклиф этилган билим ва малакаларнинг тўлиқ ҳажми.

Кўриниб турибдики, ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо) бу ўринда 100% – ахборотни тўлиқ ўзлаштириш ва 0% – унинг умуман мавжуд эмаслиги ўрта-сида бўлади. Маълумки, баҳолаш функцияси таълим даражасини қайд этиш билангина чекланмайди. Баҳо – педагог ихтиёридаги ўқишни, ижобий моти-вацияни рағбатлантиришнинг ва шахсга таъсир кўрсатишнинг ягона восита-си. Айнан холис (объектив) баҳолаш таъсирида, ўқувчиларда адекват ўз-ўзи-ни баҳолаш, шахсий муваффақиятларга танқидий муносабат юзага келади. Шу боис баҳонинг аҳамияти, вазифаларининг хилма-хиллиги ўқувчилар ўқув фаолиятининг барча жиҳатларини акс эттирадиган ва уларни аниқлашни таъминлайдиган кўрсаткичларни излаб топишни талаб этади.

Ўқитувчи ўқитиш билан бир вақтда ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзунини қандай қилиб идрок этишини, эсда сақлашга ҳаракат қилишини ва уни амалда қўллаш малакаларини эгаллашини ҳисобга олиб бориши керак. **Ҳисобга олиш** – бу ўқитишнинг муайян бир даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириб хулосалаш.

Ҳисобга олиш натижасида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўзларининг кей-инги бажарадиган ишларининг шаклини ва мазмунини белгилайди. Ўзлаш-тиришни ҳисобга олиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини рағбатлантириб, маълум бир ҳаракатларни бажариш учун унинг иродасини тарбиялайди. Шу-нингдек, ўзлаштиришни ҳисобга олиш ўқитувчининг фаолиятни ҳам ташкил этади. Ўқитиш методлари ва шакллариининг табора такомиллашуви натижа-сида баҳо ўқитувчининг педагогик маҳорати кўрсаткичига айланмоқда ва ўқитувчининг ўз малакасини ошириб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқ-да.

Тўғри ташкил этилган ҳисобга олиш натижасида ўқитувчи ўқувчи-ларнинг ўзлаштиришини аниқ баҳолай олади, уларнинг ўз билимларини та-комиллаштиришга интилишини юзага келтиради, ақлий ва ахлоқий ривож-ланишига таъсир этади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйида-гиларга эътиборни қаратиш лозим:

1) ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

2) ҳар бир якунланган мавзу бўйича ўқувчиларнинг фаолияти тўғриси-да тўлиқ хулоса чиқариш;

3) ўртача арифметик маълумотларга таянибгина ўқувчиларнинг ўзлаш-тириш даражасини баҳоламаслик;

4) ўқувчиларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот (тав-сиф) бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларга асосланиб таҳлил этиш.

Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат, ўқи-тиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Назорат қилиш вазифаси ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малака-лари даражасини аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Бу ўқув материалларини ўрганишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини аниқлаштиради ҳам-да ўқитувчининг ўқув методларини ва усулларини тўғри танлаганини назорат қилади. Назорат қилиш вазифаси ўқув материалларини ўрганишнинг мақбул йўллари топиш билан боғлиқдир.

Ўқитиш вазифаси ўқувчиларнинг билимини текширишда аниқ кўри-нади. Янги мавзунини мустаҳкамлаш жараёнида ёки уй вазифаларини текши-ришда ўқувчиларнинг ўтилган мавзунини такрорлашга, улар учун тушунарсиз бўлган маълумотларни билиб олишларига имкон туғилади. Чунки гуруҳдаги бошқа ўқувчилар жавоб бераётган ўқувчининг фикрларини диққат билан тинглашади ва аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаб, кўшимча маълумотлар билан бойитишади. Ўртоқларининг жавобларига кўшимча қилишга ёки ечилмай қолган саволларга жавоб беришга шайланиш орқали ўрганилган мавзунини аниқлаштиришга ҳаракат қилади.

Назоратнинг **тарбиялаш вазифаси** шундан иборатки, ўқувчилар тек-ширишга тайёр бўлиш учун дарсларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш вақт-ларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, интизомга ўрганадилар.

Шунингдек, текшириш ва баҳолаш ўқувчининг ўз билимлари ва қоби-лиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради. Ўзидаги камчилик-ларни кўра олишга ва уни тугатиш йўллари излашга кўмаклашади. Лекин ўқувчининг билимини баҳолашда ўқитувчи ноҳақликка йўл қўйса, ўқувчи би-лан ўқитувчи ўртасида зиддият келиб чиқади. Уй вазифаларининг эса ҳаддан зиёд кўп бўлиши ҳам ўқувчиларнинг юзаки дарс тайёрлашига олиб келади.

Энг асосийси, ўзлаштиришни ҳисобга олиш, шахснинг ижобий фази-латларини шакллантириш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёндашиш, жавоб беришга тайёрланишда мустақил бўлиш ҳамда билиш фаолиятини чуқурлаштиришга қаратилмоғи лозим.

Агар назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантиришга, ҳис-туйғулари ва ахло-қий сифатларини тарбиялашга имкон туғилади. Бу эса ўз-ўзидан назоратнинг **ривожлантирувчи вазифаси** саналади.

Таълим олганликни назорат қилиш ва ташхислаш тамойиллари.

Педагогикада ўқувчиларнинг таълим олганлигини ташхислаш ва назорат қилиш тамойилларининг тизими ишлаб чиқилган. Улардан энг муҳимлари холислик (объективлик), тизимлилик (системалилик), кўргазмалилик (ошко-ралик) саналади. **Холислик (объективлик)** ташхис тестлари (топшириқлари, саволлари), ташхис жараёни мазмунининг илмий асосланганлиги, педагог-нинг барча таълим олувчиларга дўстона муносабати ҳамда билим, малака-ларни баҳолашнинг аниқ кўринишда белгиланган мезонларидан иборат. Амалда ташхиснинг холислиги қўйилган баҳолар назорат методлари ва воси-таларидан, ташхис ўтказган ўқитувчидан қатъий назар ҳамма вақт мос кели-шини аниқлатади.

Тизимлилик (системалилик) тамойилининг талаби шундан иборатки, ташхислаш назоратини таълим жараёнининг барча босқичларида — билим-ларни бошланғич идрок этишдан то амалда қўллашгача бўлган босқичларида олиб бориш керак. Тизимлилик барча таълим олувчилар ўқув муассасида бўл-ган биринчи кундан

бошлаб охиригача мунтазам ташҳисга жалб этилишини англатади. Таълим олувчининг билими ва эгаллаши лозим бўлган барча жи-ҳатларни ишончли текшириш учун таълим назоратини тез-тез ўтказиш керак. Тизимлилиқ тамойили ташҳис ўтказишга бир бутун ёндашувни талаб этади-ки, бунда назорат, текшириш, баҳолашнинг турли шакллари, методлари, во-ситалари узвий ўзаро боғлиқликда ва бирликда қўлланилади, бир мақсадга хизмат қилади. Бу каби ёндашув ташҳиснинг айрим методлари ва воситала-рини мутлоқлаштиришга йўл қўймайди.

Кўргазмалилик (ошкоралик) тамойили аввало барча таълим олувчи-ларни айнан бир ҳил мезонлар бўйича очиқ синовдан ўтказишни англатади. Ташҳис жараёнида белгиланадиган ҳар бир ўқувчи рейтинги кўргазмали, қиё-сий характерга эга. Ошкоралик тамойили, шунингдек, баҳоларни эълон қи-лиш ва мотивациялашни талаб этади. Баҳо мўлжал (ориентир) бўлиб, таълим олувчилар унга мувофиқ ўзларига қўйиладиган талаблар ва педагогнинг хо-лислиги ҳақида фикр юритади. Тамойилни амалга оширишнинг зарур шарти ташҳислаш натижаларини эълон қилиш, уларни манфаатдор шахслар ишти-рокида муҳокама ва таҳлил қилиш, нўқсонларни тугатишнинг истикболли режаларини тузиш ҳисобланади.

3. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш турлари, шакл ва методлари. Ҳозирги давр педагогик амалиётида ўқувчилар ўқув фаолиятини назорат қилишнинг қўйидаги **турларидан** фойдаланилади:

жорий назорат;
оралиқ назорат;
якуний назорат.

Жорий назорат ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ҳар бир ўқув ишини мунтазам назорат қилишни ҳамда уларнинг ўрганлилан мавзуларни ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини текширишни ўз ичига олади. Билим даражасини текшириш фаннинг ҳар бир мавзуси бўйи-ча кундалиқ баллар қўйиб боришни назарда тутади. Жорий назорат ўқитув-чини ҳар бир ўқувчининг ўқув фаолияти бўйича тезкор маълумотлар билан таъминлайди, ўқитиш жараёнини бошқаришда яхши натижа беради, ўзлаш-тирмаган ўқувчиларни ўз вақтида аниқлайди, ўзлаштирмасликни бартараф этиш бўйича чоралар белгилайди.

Оралиқ назорат - бу ўқувчилар томонидан мазкур фаннинг муайян боб ёки бўлимларининг ўзлаштирилганини текшириш. Оралиқ назоратни ўқитувчи дарс жадвали асосида дарсда ўқув материалининг ўзига хос хусу-сиятини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Оралиқ назорат ўтказишдан олдин ўқувчилар огоҳлантирилади. Ҳар бир оралиқ текшириш алоҳида-алоҳида шкала асосида баҳоланади.

Якуний назорат – чораклик, ярим йиллик, йиллик ва давлат аттеста-цияси синовлари сингари турларга бўлинади. Якуний назорат оғзаки, ёзма, тест ҳамда амалий топшириқларни бажариш методлари асосида ўтказилади.

Назоратнинг шакли ўқув ишини ташкил этиш шаклига боғлиқ бўлади. Ўқитувчи уни мавзудан келиб чиқиб танлайди. Назоратнинг асосий **беш шакли** мавжуд:

- **назоратнинг оммавий (фронтал) шаклида** ўқитувчи ўқувчиларга материалнинг маълум бир ҳажми бўйича савол беради, ўқувчилар унга қисқа жавоб қайтаради. Мазкур сўраш кўпчилик ўқувчини назорат қилишни таъ-минлайди ва бутун гуруҳни фаоллаштиради. Аммо бу назоратни ўқувчилар-нинг билим даражасини ҳар томонлама аниқлаш учун қўллаб бўлмайди.

- **назоратнинг гуруҳли шаклида** ўқувчиларнинг маълум бир қисми назорат қилинади. Ўқитувчи томонидан ўқувчилар гуруҳига вазифа берила-ди ва уни шу гуруҳ бажаради. Лекин масалани ҳал қилишда бошқа ўқувчи-лар ҳам қатнашиши мумкин. Гуруҳ ишлаётган пайтда қолган ўқувчилар бўш қолмайди, улар ўртоқларининг бажарган ишларини баҳолаш учун ўз усти-ларида ишлаб ўтиради.

- **назоратнинг индивидуал шаклидан** ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма ва малакаси билан мукаммал танишиш учун фойдаланилади. Назоратнинг бу шаклида одатда ўқувчилар жавоб бериш учун синф тахтаси олдида чақирилади.

- **назоратнинг комбинацияланган (бириктирилган) шакли** индивидуал назоратни оммавий ва гуруҳли шакллар билан бирлаштиришни тақозо этади. Бу назоратни ҳажми катта мавзуларни барча ўқувчилардан сўраш ке-рак бўлган вақтда фойдаланади. Ҳар бир ўқувчига алоҳида топшириқ берилади ва бир вақтда бирнеча ўқувчини текшириш мумкин бўлади.

- **ўз-ўзини назорат қилиш шакли** таълим жараёнида ички акс ало-қанинг бўлишини таъминлайди. Назоратнинг бу шакли психологик мезон-ларга асосланади. Унинг самарадорлиги ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш **методлари** қўйида-гилар: **оғзаки текшириш, ёзма текшириш, амалий топшириқларни бажаришга асосланган текшириш, уй вазифаларини текшириш.**

Оғзаки текшириш. Бу метод билимларни назорат қилиш ва баҳолаш-нинг анча кенг тарқалган анъанавий усуллари билан биридик.

Оғзаки текширишнинг моҳияти шунда кўринадики, ўқитувчи ўқувчи-ларга ўрганилган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, саволлар беради ва уларни жавоб беришга ундайди. Ана шу тарзда уларнинг ўзлаштириш дара-жасини аниқлайди. Оғзаки текшириш ўқувчиларнинг билимларини текши-ришни савол-жавоб усули асосида амалга оширилади. Ушбу усул айрим ҳол-ларда суҳбат усули деб ҳам аталади. Оғзаки текширишда ўқитувчи ўргани-лаётган мавзун алоҳида қисмларга ажратади ва уларни ҳар биридан ўқувчиларга саволлар беради. Бироқ ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ҳамда уларнинг чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлишлари учун улардан шу ёки олдинги мавзун бутунлай эсга туширишни талаб қилиш мумкин.

Ёзма текшириш – ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали усуллари билан бири бўлиб, улар-нинг ижодий қобилиятларини баҳолаш имконини беради. Мазкур усулнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи алоҳида мавзу ёки ўқув дастурининг маълум бўлимини ўтиб бўлганидан сўнг оз вақтнинг ичида барча ўқувчиларни тек-шириши мумкин. Ёзма текшириш назорат иши, иншо, баён, диктант ва б. ёр-дамида олиб борилади. Аммо ўқитуви ва ўқувчи ўртасида бевосита алоқа-нинг йўқлиги сабаби, унинг фикрлашини кузатиш имкони бўлмайди.

Амалий топшириқларни бажаришга асосланган текшириш. Бажарилаётган амалий ҳаракатлар (спорт, меҳнат ҳаракатлари)нинг тўғрили-гини кузатиш ёки олинган натижаларга таянишдан иборат бўлиши мумкин. Амалий текшириш табиий-математик циклдаги фанлардан ўқувчиларнинг ўз-лаштиришини ҳисобга олишда кенг фойдаланилади. Бу усул ёрдамида ўқув-чиларнинг олган билимларини амалиётда қўллай олиш малакаси аниқла-нади.

Уй вазифаларини текшириш. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш учун уларнинг уйга берилган вазифаларни бажаришини текши-риш катта аҳамиятга эга. Уй вазифаларини текшириш ўқитувчига ўқувчи-ларнинг ўқув ишига бўлган муносабатини, ўрганилган материални қанчалик эгаллаганлигини, уй вазифаларини бажаришдаги мустақиллик даражасини аниқлашга имкон беради.

Маълумки, бугун таълим тизимида рейтинг назоратидан кенг фойда-ланилмоқда.

Рейтинг деганда баҳолаш, тартибга келтириш, класси-фи-кациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг назорати ўқувчининг маълум бир фандан рейтингини аниқлайди.

Шкалалаш – аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида модел-лаштириш..

Рейтинг назоратида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш-нинг юқорида келтирилган методлари билан бирга тест усулидан ҳам сама-рали фойдаланилмоқда. Тест сўровидан нафақат ўқувчиларнинг билим, кў-никма ва малакалари даражасини

аниқлаш, балки 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида абитуриентларни олий ўқув юртларига танлов асо-сида қабул қилиш жараёнида ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Тест — аниқ мақсад асосида, муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синон воситаси.

Педагогик амалиётда тестнинг бир қатор афзалликлари кўзга таш-ланади. Улар қуйидагилардир:

- 1) назорат учун вақтнинг кам сарфланиши;
- 2) назарий ва амалий билим даражасини объектив шароитда аниқлаш имконининг мавжудлиги;
- 3) бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўқувчилар билан назоратни ташкил этиш мумкинлиги;
- 4) билим натижаларининг ўқитувчи томонидан қисқа муддатда тек-ширилиши;
- 5) барча ўқувчиларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб, улар учун бир хил шароитнинг яратилиши.

Таълим тизими узлуксиз равишда ислохотларни амалга оширишни талаб этадиган соҳадир.

Таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўқувчи-ларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш ҳам янгича мазмун касб этди. Давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқил-ганлиги, янги ўқув дастурининг амалиётга жорий этилганлиги, эркин ва мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашга нисбатан юқори талабнинг қўйилаётганлиги, таълим амалиётига педагогик технологиялар олиб кири-лаётганлиги, ўқувчиларни касбга муваффақиятли йўллаш мақсадида психо-логик ва педагогик диагностика барча турдаги таълим муассасаларида кенг кўламда амалга оширилаётганлиги каби ҳолатлар кўзга ташланаётган бир вақтда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини энг самарали шакл, метод ва воситалар ёрдамида назорат қилиш ҳамда баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тизимининг эскирган-лиги ва замон талабларига жавоб бера олмагани учун уни рейтинг тизими асосида баҳолаш услуги билан алмаштириш давр тақозасига айланди. Шу ўринда «қандай сабабларга кўра беш балли баҳолаш мезони ўзини оқламади?» деган саволга жавоб бериш ўринлидир:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълимни демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожлантиришни назарда тутди. Беш балли баҳолаш тизими қат-тиққўлликни, ўқитувчининг мустабидлиги ҳамда унинг таълим жараёнида яқка ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилиб келган.

Демак, ушбу жараёнда талаб ва амалдаги ҳолат бир-бирига мувофиқ келмайди.

Иккинчидан, баҳолаш мезони ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ихтилоф-ларни келтириб чиқаришга эмас, аксинча, ўзаро фаол ҳамкорлик, бир-бирини тушуна олишлари учун хизмат қилиши лозим.

Учинчидан, баҳолаш мезони фақатгина ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражасини назорат қилиш учун-гина эмас, балки таълимни ташхис этишнинг фаол қўмакчисига айланиши зарур.

Баҳолашнинг беш балли тизими бирдан бешгача фарқланувчи даст-лабки баҳолар қўйиш тартибини билдириб, моҳияти эса баҳоларнинг ўртаси-дан келиб чиққан ҳолда чораклик (йиллик) ўзлаштириш натижаларини аниқ-лаш тартибидан иборат.

Масалан, ўқувчи бирор ўқув фанидан учта назорат ишини 3, 4 ва 5 га бажарган, жорий назорат бўйича ҳам шундай натижаларни қайд этган бўлса, унга чорак учун «4» баҳо қўйилади. Бу эса жорий, оралик ва якуний назорат пайтида яхши тайёргарлик кўрган ўқувчининг ижобий баҳоланиши ўрнига, чорак ёки йил охирида муайян мавзудан «5» баҳога берилган жавобларининг мутлақо инobatга олмаслигига сабаб бўлади..

Рейтинг тизимида ўзлаштириш натижаси назоратнинг кўрсатилган барча шакллардан ўтиш жараёнида тўпланган балларни қўшиш йўли билан аниқланади. Ҳар бир назорат тури учун 10 баллдан тақсимланганда (ўқув фани учун 100 балл ҳисобида) унга 7, 5, 8, 7 балл қўйилса, ўқувчининг чорак ёки ярим йиллик учун тўплаган бали 27 баллни ташкил этади, бу эса 55 фоиздан кам, шунинг учун у етарлича рейтинг балини тўпламагунча ва бар-ча назорат шаклидан ўтмаганча аттестация қилинмайди. Демак, рейтинг ти-зими олинган баҳо билан эгалланган билим ўртасида тафовут келиб чиқишининг олдини олади.

Рейтинг тизими яна бир қатор афзалликларга эга, чунончи:

таълим жараёнида баҳолаш тизими имкониятларини кенгайтириш;

ўқувчи билимини энг адолатли мезонлар ёрдамида аниқлаш;

таълимни стандартлаштириш жараёни учун зарур имкониятларни очиб бериш;

таълим стандартларида кўзда тутилган ўқув дастурига кирган мажбурий ихтиёрий мавзуларнинг тўлалигича ўзлаштирилиши;

ўқувчиларда ўз устида мустақил ишлаш интилиш, эркин фикр юритиш, билимларни эгаллашга нисбатан изчил ёндашув юзага келади;

ўқувчиларда ёмон баҳо олишга бўлган кўркув йўқолиб, унинг ўрнига билимларни ихтиёрий ўзлаштириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўлида мустақил ишлаш имконияти яратилади. Бошқача айтганда, кўркув ўрнига интилиш, режалаштириш, ҳаракат қилишга эҳтиёж туғилади, ўрганишга нисбатан кизиқиш ортади.

4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ме-зонлари.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезон-лари ҳамма вақт баҳсталаб мавзу бўлиб келган. Чунки у турли адабиётларда турлича ёритилган. Бирок мавжуд қарашларни умумлаштириб айтиш мум-кинки, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, синф (гуруҳ)даги ўқув-чиларнинг ўзлаштириш даражасига таянган ҳолда белгиланади. Шунингдек, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг оғзаки жавоб беришлари, кўникма ва малакаларига алоҳида-алоҳида ёндашилади. Масалан, химия дарсидан баҳолаш мезонларига ўқувчиларнинг оғзаки жавоблари, амалий топшириқларни бажара олишлари ва амалда мавжуд билимларини намоёниш эта олишлари инобатга олинади. Бунини «4» баҳо мисолида аниқлаштирамиз. *Оғзаки жавоб беришда «4» баҳо қўйилади, агар:* а) ўрганилаётган мавзу юза-сидан тўғри жавоблар берса; б) материал мантикий кетма-кетлик-да аниқ баён этилса; в) ўқитувчи талаби билан тузатилган икки-учта унчалик аҳамият-га эга бўлмаган хатоларга ёки баъзи тўлиқ бўлмаган жавобларга йўл қўйса.

Ёзма топшириқни бажаришда «4» баҳо қўйилади, агар: а) масалани ечишда ва изоҳлашда муҳим хато бўлмаса; б) топшириқни бажариш ва изоҳ-лашда муҳим аҳамиятга эга бўлмаган бир-икки хатога йўл қўйилса ёки битта изоҳнинг моҳияти очиб берилмаган бўлса.

Амалий билимларни намоёниш этишда «4» баҳо қўйилади, агар: а) иш-ни тўлиқ, муҳим хатоларсиз бажарса, натижа чиқара олса; б) ишни бажариш-да, тажрибани тугаллашда икки-уч муҳим бўлмаган хатоларга йўл қўйса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса чиқариш мумкин:

«5» баҳо қўйилади, агар: а) ўқувчи дастурдаги материални тўлиқ ўз-лаштириб олган бўлса; б) ўрганилган мавзу бўйича асосий фикрларни очиб бера олса; в) эгалланган билимларни амалда эркин қўллай олса; г) ўрганилган мавзунини баён қилишда, ёзма ишларда хатоларга қўл қўймасдан, маълумотлар-ни тушунтириб бера олса.

«4» баҳо қўйилади, агар: а) ўқувчи ўрганилган мавзунинг моҳиятини билса; б) ўқитувчининг саволларига қийналмасдан жавоб бера олса; в) эгал-ланган билимларни

амалиётда қўллай олса; г) оғзаки жавоб беришда жиддий хатоларга йўл қўймасдан, ўқитувчининг қўшимча саволлари билан хатолари-ни тўғрилай олса ҳамда ёзма ишда унча жиддий бўлмаган хатога йўл қўйса қўйилади.

«3» баҳо қўйилади, агар: а) ўқувчи ўрганилган мавзуни ўзлаштирган, лекин мустақил тушунтириб беришда ўқитувчининг аниқлаштирувчи савол-ларига эҳтиёж сезса; б) саволларнинг мантикий тузуилишини ўзгартириб берганда, жавоб беришга қийналса; в) ёзма ишда хатолари бор бўлса.

«2» баҳо қўйилади, агар: а) ўқувчи ўрганилган мавзу ҳақида тушун-чага эга, бироқ мавзуни ўзлаштирмаган, б) ёзма ишда қўпол хатоларга йўл қўйса қўйилади.

Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари.

Тарбия жараёнининг моҳияти ва аҳамияти. Инсон шахси кўп сонли омиллар таъсири натижасида шаклланади ва ривожланади: объектив ва субъектив, табиий ва ижтимоий, ички ва ташқи, одамларнинг онги ва шуурига боғлиқ бўлган ва бўлмаган. Шу сабабли инсоннинг ўзи ҳам ташқи таъсирни шунчаки акс эттирувчи сушт мавжудот эмас. У ўзининг шахсий шаклланиши ва ривожланиши субъектидир.

Тарбия педагогикадаги асосий тушунчалардан бири саналади. Жамият ва педагогиканинг тарихий ривожидан мазкур категорияни тушуниришга турлича ёндашувлар юзага келди. Энг аввало, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кенг ва тор маънодаги тарбия фарқланади. Кенг маънода тарбия шахсга жамиятнинг таъсир этиши, ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади. Мазкур ҳолатда тарбия ижтимоийлаштириш билан уйғунлашади.

Тор маънодаги тарбия деганда, педагогик жараён шароитида таълим мақсадини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади. Ушбу ҳолатда педагогларнинг тарбиявий фаолияти тарбиявий иш деб аталади.

Тарбия мазмуни деганда, қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқликда таълим олувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, малака, эътиқод, шахс сифати ва характери, хулқ-атвор тизими тушунилади.

Тарбиянинг мақсади – ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш.

Тарбиянинг умумий вазифалари:

жамият аъзоларининг мақсадга йўналтирилган ривожланиши ҳамда уларнинг қатор эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиш;

жамият ривожидан учун зарур бўлган ижтимоий маданиятга мос етарлича ҳажмдаги “инсон капитали”ни тайёрлаш;

маданиятларни узатиб туриш орқали ижтимоий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш;

маълум жинс ёши ва ижтимоий-касбий гуруҳларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий муносабатлар доирасида жамият аъзоларининг ҳаракатини тартибга солиш.

2. Тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари. Тарбия жараёни ўқитувчи ва таълим олувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир.

Тарбия жараёни **ўзига хос хусусиятларга** эга:

мақсадга йўналтирилганлиги;

кўп қиррали жараён;

узоқ муддат давом этиши;

узлуксизлиги;

яхлитлиги;

вариативлиги;

натижаларнинг олдиндан аниқланмаслиги;

икки томонламалилик;

Тарбия қонуниятлари – бу бир томондан, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг хусусиятлари, иккинчи томондан, шахснинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барқарор алоқалар.

Тарбия жараёнининг қуйидаги **қонуниятлари** мавжуд:

ижтимоий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларига боғлиқлиги;

тарбиянинг шахснинг ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги;

фаолият ва муносабатни эътироф этиш шахснинг ижтимоий қимматли

фазилатларини шакллантиришнинг негизи ва асосий манбаи;

тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсири, ўзаро муносабатлари

ҳамда фаол фаолияти ўртасидаги боғланиш;
тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг интенсивлиги;
тарбияланувчининг “ички олами”га таъсир этишнинг интенсивлиги (Г.И. Щукина);

тарбияланувчиларда вербал ва сенсомотор жараёнларнинг ривожланиш даражаси ва педагогик таъсирни ҳисобга олиш (Г.И. Щукина).

Тарбия тамойиллари – бу тарбиявий ишнинг йўналишига, мазмунига, методлари ва ташкил этилишига, тарбия жараёнининг иштирокчилари орасидаги муносабатларга қўйиладиган асосий талаблар ифодаланадиган дастлабки қоидалардир.

Тарбия жараёни қуйидаги **тамойиллар** асосида бошқарилади:

мақсадга қаратилганлиги ва ғоявий йўналганлиги;
тарбиянинг инсонпарварлашуви;
тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан боғлиқлиги;
тарбияга яхлит(комплекс) ёндашув;
жамоада тарбиялаш ва жамоага суяниб иш қўриш;
шахсга талабчанлик билан ҳурматни бирга қўшиб олиб бориш;
ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари ва оиланинг талаб ҳамда тарбиявий таъсирларининг бирлиги;
тарбияланувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
тарбия жараёнининг тизимлиги ва узлуксизлиги.

3. Тарбия турлари. Тарбия турлари турли соҳаларга кўра тасниф этилади. Кўпроқ умумлашган тасниф ўзида ақлий, меҳнат, жисмоний тарбияни қамраб олади. Таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларнинг турли йўналишлари билан боғлиқликда фуқаролик, сиёсий, байналмилал, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий тарбияга бўлинади. Институционал белгиларига бўйича оила, таълим муассасаси, таълим муассасасидан ташқари, диний, болалар, ёшлар ташкилотларидаги тарбия, махсус таълим муассасаларидаги тарбияга бўлинади.

Тарбия ва тарбияланувчилар орасидаги муносабатлар услубига кўра авторитар, демократик, либерал, эркин тарбия; турли фалсафий концепциялар билан боғлиқликда прагматик, аксиологик, жамоавий, индивидуал тарбия фарқланади.

Ақлий тарбия таълим олувчининг интеллекти, билиш имкониятларини, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Унинг асосий вазифаси – таълим олувчиларни фан асослари бўйича билимлар тизими билан қуроллантириш. Уларни ўзлаштириш натижасида дунёқараш асослари шаклланиши зарур.

Ақлий тарбиянинг **вазифалари** қуйидагилар:

белгиланган ҳажмдаги илмий билимларни эгаллаш;
дунёқарашни шакллантириш;
ақл кучи, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш;
билишга оид қизиқишларини ривожлантириш;
шахс салоҳияти имкониятларини ривожлантириш;
билиш фаолиятини шакллантириш;
доимий равишда ўз билимларини тўлдириш, умумтаълимий тайёргарлик даражасини ошириш эҳтиёжларини ривожлантириш;
таълим олувчиларни билиш фаолияти методлари билан қуроллантириш;
фикрлаш қобилияти, ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия - деярли барча тарбиявий тизимларнинг ажралмас таркибий қисми.

Жисмоний тарбиянинг **вазифалари**:

саломатликни, тўғри жисмоний ривожланишни мустаҳкамлаш;
ақлий ва жисмоний ишчанлик қобилиятини ошириш;
табiiй ҳаракатлантирувчи сифатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

янги ҳаракат турларини ўргатиш;
гигиеник малакаларни ривожлантириш;
ахлоқий сифатларни тарбиялаш;
доимий ва тизимли тарзда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш
эҳтиёжларини шакллантириш;
соғлом, тетик бўлишга, ўзига ва атрофдагиларга қувонч улашишга иштиёқни
ривожлантириш;

Меҳнат тарбияси – ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришининг муҳим тамойили.

Меҳнат тарбия жараёнида шахс ривожининг бош омили, дунёни ижодий ўзлаштириш, турли соҳалардаги меҳнат тажрибаларини эгаллаш усули, умумий таълимнинг ажралмас қисми сифатида юзага чиқади.

Меҳнат тарбиясининг **асосий вазифаси** – ўқувчиларни меҳнат жараёнлари, воситалари, предметлари ҳақидаги билимлар, ишлаб чиқариш меҳнатини амалга ошириш учун зарур бўлган умуммеҳнат ва махсус кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.

Бундан ташқари меҳнат тарбияси қуйидаги **вазифаларни** ҳал қилади:

меҳнатга самимий муносабатни;
меҳнатга қизиқишни, чин дилдан бажарилган вазифадан завқланиш ҳиссини
ва меҳнатга оид билимларни амалиётда қўллашни;
меҳнатдаги интизомлиликни тарбиялаш.

Ахлоқий тарбия – шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири. Ахлоқий тарбиянинг **вазифалари** жамиятнинг шахсга ахлоқий талабларида акс этади. Бу вазифалар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

ахлоқий онгни, мустаҳкам ахлоқий эътиқодни;
ахлоқий ҳис-туйғуни;
ахлоқий хулқ-атвор малака ва одатларни;
ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

Эстетик тарбия – тарбияланувчиларда эстетик идеаллар, эҳтиёж ва қизиқишни ривожлантирувчи тарбия занжири ва тарбиявий тизимларнинг таянч таркибий қисмларидан бири.

Эстетик тарбиянинг **вазифалари**:

эстетик билимларни шакллантириш;
эстетик маданиятни шакллантириш;
ўтмишдан қолган эстетик ва маданий меросни эгаллаш;
борлиққа эстетик муносабатни шакллантириш;
эстетик ҳис-туйғуни ривожлантириш;
таълим олувчиларни ҳаётда, табиятда, меҳнатда гўзалликларни яратишга иштирок эттириш;
ҳаётий фаолиятни гўзаллик қонуниятлари асосига қуришга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш;
ҳамма нарсда: фикрда, ишда, ташқи кўринишда гўзал бўлишни шакллантириш.

Иқтисодий тарбиянинг асосий мақсади – шахсда бозор иқтисодиёти шароитларига ҳамда мақсадга мувофиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошира олиш қобилиятини шакллантириш. Бу мақсад яхлит **вазифаларни** ҳал қилиш йўллариини излаб топишга имкон беради:

таълим олувчиларда иқтисодий билимларни эгаллаш ва иқтисодий фаолиятга эҳтиёжни шакллантириш;
уларнинг асосий иқтисодий тушунчалар, категориялар, қонунлар ва жараёнларни ўзлаштириш;
уддабуронлик, масъулиятлилик, мустақиллик, тадбиркорликни ривожлантириш;

ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган малакаларни эгаллаш;
бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг тасодифий қийинчиликларга
имкон қадар психологик тайёргарлигини шакллантириш.

Экологик тарбия таълим олувчиларнинг табиат ва инсоннинг ўзаро ҳаракатининг
илмий асосларини эгаллаганликлари билан боғлиқ. Унинг **мақсади** – атроф-муҳит ҳолати
учун шахснинг ахлоқий масъулиятини тарбиялаш, барча фаолият турларида улар ҳақида
домий ғамхўрлик заруриятини англашга йўналтирилган илмий билимлар, қарашлар,
эътиқодлар тизимини шакллантириш.

Экологик тарбиянинг **вазифалари** қуйидагиларда акс этади:

табиат ҳақидаги асосий тушунчалар ва илмий далилларни ўзлаштириш;
жамият ва ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий қуввати манбаи сифатида
табиатнинг кўп қиррали аҳамиятини тушуниб етиш;

амалий билимлар ҳамда атроф-муҳитнинг ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш
кўникмаларини эгаллаш;

табиат билан мулоқот эҳтиёжларини, табиатдаги хулқ-атвор меъёрларига
онгли амал қилишни ривожлантириш;

табиий ва ўзлаштирилган атроф-муҳитни яхшилаш бўйича фаолиятни
фаоллаштириш.

Ҳуқуқий тарбиянинг **мақсади** – ҳуқуқий онгни ва ёш фуқаронинг хулқ-атворини
шакллантириш.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий **вазифалари**:

таълим олувчиларнинг зарур ҳуқуқий билимларни эгаллаши;
таълим олувчиларни асосий фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларига амал
қилишга ўргатиш;

имкон қадар ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.

Жамоа тарбия объекти ва субъекти сифатида

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ) бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ демакдир. Туркийзабон халқларда, жумладан ўзбекларда жамоа азалдан ижтимоий бирликни англатиб келган. Одамларнинг жамоа бўлиб яшаши заруриятини Сукрот, Платон, Аристотель, Марказий Осиё мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар илмий асослаб берганлар. Айниқса, буюк файласуф олим Абу Наср Форобий ўзининг асарларида жамоа бўлиб яшашга табиий мойиллик инсон турмуш тарзининг мазмунини ташкил этишини уқтиради. Форобий бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён этган: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи шундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир-бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди». Жамоа одамлар мақсад-манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарурлиги, меҳнат ва маиший ҳаётини фаолиятлари йўналганлиги заминида ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларини тақозо этишдан вужудга келади. Одамларнинг фаолият турларига мутаносиб тарзда меҳнат, таълим-тарбия, маиший ҳаёт, бадий ижод, ҳарбий, жисмоний тарбия, спорт, оила каби доираларда жамоалар вужудга келиши ва самарали амал қилиши мумкин.

Замонавий талқинда «жамоа» тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда бир неча кишиларнинг муайян мақсад йўлида бирлашувидан иборат ташкилий гуруҳи тушунилади (масалан ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, ўқув юрти жамоаси, хўжалик жамоси ва ҳоказо). Иккинчидан, жамоа деганда юқори даражада уюштирилган гуруҳ тушунилади. Чунончи, ўқувчилар жамоаси юқори даражада уюштирилган бирлашма ҳисобланади.

2. Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш - тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи рол ўйнаши тўғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш давларидаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг алоҳида шакли юзага келади, бу эса шахснинг жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳар қандай гуруҳни ҳам жамоа деб ҳисоблаб бўлмайди. Жамоа бир қатор белгиларга эгадирки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай гуруҳдан ажратиб туради.

1. Ижтимоий аҳамиятга эга ягона мақсаднинг мавжудлиги. Жамоанинг мақсади албатта ижтимоий мақсадлар билан мос келиши, жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, Давлат конституциси ва қонунларига, жамият мафкурасига қарама-қарши бўлмаслиги зарур.

2. Умумий биргаликдаги фаолият. Кишилар аниқ мақсадга биргаликда тез эришиш учун жамоага бирлашадилар. Бунинг учун жамоанинг ҳар бир аъзоси биргаликдаги фаолиятда фаол иштирок этиши зарур, фаолият Умумий ташкил этилиши керак. Жамоа аъзолари биргаликдаги фаолият натижалари учун юқори шахсий жавобгарликни ҳис қилишлари билан ажралиб туришади.

3. Мажбурий масъулиятли муносабатнинг йўлга қўйилиши. Жамоа аъзолар орасида фақатгина ягона мақсад ва фаолият эмас, уларнинг ҳам-қайғуларининг алоқадор бирлиги акс этувчи махсус муносабатлар юзага келади.

4. **Сайланган умумий раҳбарий органга эгаллик.** Жамоада демократик муносабатлар ўрнатилади. Жамоани бошқариш органлари жамоанинг обрўли аъзоларини тўғридан-тўғри, очик сайлаб олиш асосида шакллантирилади.

Мазкур айtilган белгиларидан ташқари жамоа бошқа муҳим ўзига хос-ликлари билан ҳам фарқланади. Бу жамоа ички муҳитида акс этувчи ўзига хослик, психологик иқлим, жамоа аъзолари орасидаги муносабатларда кўринади.

Мактаб жамоаси таркибида энг барқарор бўгин - бу муайян синфлар негизида шаклланган жамоалар саналади. Синф жамоаси таркибида ўқувчилар томонидан амалга оширилувчи асосий фаолият ўқиш фаолияти саналади. Айнан синф жамоасида шахслараро алоқа ва муносабатлар таркиб топади. Шунингдек, синфлар жамоалари негизида мактаб жамоаси шаклланади.

Юқоридаги жамоанинг ўзига хос белгиларидан келиб чиқиб, шундай хулоса чиқариш мумкин. **Ўқувчилар жамоаси** – бу ижтимоий аҳамиятга эга ягона мақсадни кўзда тутувчи, биргаликдаги фаолиятни ташкил этувчи, умумий сайлаб қўйилган органига эга бўлган, мустаҳкамлик, умумий жавобгарлик билан ажралиб турувчи, барча аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглиги шароитида мажбурий алоқадорликка эга бўлган ўқувчилар гуруҳидир.

3. Жамоани шакллантириш муайян қонуниятларга бўйсунадиган узоқ муддатли мураккаб жараёндир.

Жамоанинг вужудга келиш учун **тўрт босқич** зарур. Жамоанинг шаклланиш босқичларида дастлаб ўқитувчи бутун гуруҳга талаб қўяди ҳамда мазкур жараёнда жамоа фаолларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратади. Навбатдаги босқичда муайян даражада шаклланган жамоа фаоллари (активи) жамоа аъзолари олдига маълум талабларни қўяди. Учинчи босқичда эса жамоа умумий ҳолда жамоанинг ҳар аъзосидан муайян тарздаги фаолиятни олиб боришни талаб қилади. Сўнгги (тўртинчи) босқичда эса жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз олдига мустақил равишда жамоа манфаатларини ифода этувчи талабни қўйиш лаёқатига эга бўлади.

Тарбиянинг умумий методлари.

Тарбия методлари ҳақида тушунча. Мақсад, мазмун, шакл категориялари тарбия жараёнининг моҳияти (у нимага қаратилган, нимани тўлдиради, нимага йўналтирилган, қандай шаклда тугалланади)ни очиб беради. Бироқ, тарбия моҳиятини ёритишда қандай қилиб тарбиялаш саволи билан алоқадор яна бир муҳим категория ҳам мавжуд. Бу тарбия методи тушунчасидир.

Тарбия методи (юнонча «методос» – йўл) тарбия мақсадига эришишнинг йўли. Мактаб амалиётига татбиқ этилганда, методлар – бу тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

Тарбиянинг мутлақо янги методларини яратишга биронта тарбиячининг кучи етмайди. Методларни такомиллаштириш муаммоси доимо мавжуд, ҳар бир тарбиячи ўзининг имкониятига кўра уни ҳал қилади, тарбия жараёнининг аниқ шарт-шароитларига мос равишда ўзининг хусусий қарашларини ифода этиш асосида умумий методикани бойитади. Тарбия методларини бундай хусусий такомиллаштириш **тарбия усуллари** деб аталади. Тарбия усуллари – умумий методнинг бир қисми, алоҳида ҳаракати, янада аниқлашуви. Образли айтганда, усуллар – бу қўйилган мақсадга тезроқ эришиш учун тарбиячи ўзининг тарбияланувчилари билан йўл очадиган ўрганилмаган сўқмоқ. Агар уни бошқа тарбиячилар ҳам фойдалана бошласа, у ҳолда аста-секин усуллар кенг устунли йўллар – методларга айланиши мумкин. Тарбия метод ва усулларини билиш, уларни тўғри қўллай олишни эгаллаш – бу педагогик маҳорат даражасини белгиловчи муҳим тавсифлардан бири. Тарбия метод ва усулларининг алоқадорлиги ана шунда.

Амалиётда **тарбия воситалари** тушунчаси ҳам ажратилади. Усуллара деганда таъсир кўрсатишлар бирлиги, восита деганда, усуллар йиғиндиси тушунилади. Восита – бу усул ҳам эмас, метод ҳам эмас. Масалан, меҳнат – тарбия воситаси, бироқ уни кўрсатиб бериш, меҳнатни баҳолаш, ишдаги хатони кўрсатиш – бу усуллар. Сўз (кенг маънода) – тарбия воситаси, бироқ реплика такқослаш – усуллар. Бу билан боғлиқликда баъзан тарбия методлари қўйилган мақсадни муваффақиятли амалга ошириш учун фойдаланиладиган усул ва воситалар тизими сифатида аниқланади. Худди шунингдек методнинг тузилишида усуллар ва восита албатта мавжуд бўлади.

2. Методнинг ижобий ва салбийси бўлмайди, тарбия жараёнида маълум йўлни юқори даражадаги самарали ва самарасиз дея баҳолаш мумкин эмас. Методнинг самарадорлигини у қўлланилаётган шароит нуктаи назаридан баҳолаш мумкин.

Тарбия методларини мақсадга мувофиқ танлаш бир қатор омилларга боғлиқ.

1. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Мақсад нафақат методларни оқлайди, балки уларни аниқлаб беради. Мақсад қандай бўлса, унга эришиш методлари унга мувофиқ бўлиши зарур.

2. Тарбия мазмуни. Унутмаслик керакки, айнан битта вазифа турли хил фикрлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун методларни умуман мазмун билан эмас, балки аниқ фикр билан боғлаш ғоят муҳимдир.

3. Тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. У ёки шунга ўхшаш вазифалар тарбияланувчиларнинг ёши билан боғлиқликда ҳал қилинади. Ёш бу оддийгина қанча яшаганлиги сон кўрсаткичи эмас. Унда эгалланган ижтимоий тажриба, психологик ва ахлоқий сифатларнинг ривожланганлик даражаси ўз аксини топади. Айтайлик, масъулият туйғусини бошланғич таълим, ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларда ҳам шакллантириш мумкин. Бироқ ҳар бир босқичда мазкур сифатни шакллантириш борасида турли методлар қўлланилади.

4. Жамоанинг шаклланганлик даражаси. Ўзини ўзи бошқаришнинг жамоа шаклининг ривожланиши билан боғлиқликда педагогик таъсир кўрсатиш методлари ҳам

ўзгармасдан қолмайди. Бизга маълумки бошқарувнинг мослашувчанлиги тарбиячининг тарбияланувчилар билан мувафакқиятли ҳамкорлигининг зарурий шарт.

5. Тарбияланувчиларнинг индивидуал ўзига хосликлари. Умумий методлар, умумий дастурларнинг ўзи тарбиявий ўзаро таъсир этишнинг асоси бўла олмайди. Уларни индивидуал ва шахсий тузатиш зарур. Инсонпарвар педагог ҳар бир шахс ўзига хослигини ривожланишига, ўзига хослигини сақлашга, ўзининг «Мен»ини амалга оширишига имкон берадиган методларни қўллашга ҳаракат қилади.

6. Тарбиявий шарт-шароитлар. Унга моддий, психофизиологик, санитар-гигиеникдан ташқари синфда юзага келадиган муносабатлар: жамоадаги иқлим, педагогик раҳбарлик усули ва бошқалар тегишлидир. Маълумки, мавҳум шарт-шароитлар бўлмайди, улар ҳамиша аниқ. Уларни бирлашуви аниқ ҳолатларда кўринади. Тарбия амалаг ошадиган шароит педагогик вазиятлар номини олди.

7. Тарбия воситалари. Тарбия методлари тарбия жараёнининг таркибий қисмлари сифатида юзага чиқадиган тарбия воситаларидан ташкил топади. Методлар улар билан мустаҳкам боғланган ва биргаликда қўлланиладиган бошқа тарбия воситалари ҳам мавжуд. Масалан, методларни самарали қўлланилиши учун зарурий ёрдам берувчи кўргазмали қўлланмалар, тасвирий санъат асарлари ва мусиқа санъати, оммавий ахборот воситалари.

8. Педагогик малакани эгаллаганлик даражаси. Тарбиячи одатда фақат ўзи биладиган ва қўллашни эгаллаган методларни танлаб олади. Кўплаб методлар мураккаб бўлганлиги боис, ўқитувчида кўп куч ишлатишни талаб этади. Бундай масъулиятдан бўйин товлайдиган педагоглар уларсиз фаолиятни ташкил этишга ҳаракат қилади. Натижада турли образли, хилма-хил мақсад, вазифа, шароитлардан келиб чиқиб методлардан фойдаланишга қараганда самараси паст бўлади.

9. Тарбия вақти. Қачонки, вақт кам, мақсад эса катта бўлса, «кучли ҳаракатлантирувчи» методлар қўлланилади, қулай шароитларда эса, тарбиянинг «аяйдиган» методларидан фойдаланилади. Тарбияни «кучли ҳаракатлантирувчи» ва «аяйдиган» методларга бўлиниши шартли: биринчиси танбеҳ бериш ва мажбур қилиш билан, иккинчиси насиҳат қилиш ва доимий ўргатиш билан боғлиқ.

10. Қўлладиган натижа. Методни танлаётганда, тарбиячида мувафакқиятга эришишига ишонч бўлиши керак. Бунинг учун қўлланилаётган метод қандай натижага олиб келишини олдиндан кўра билиш керак.

3. Замонавий педагогикада баъзилари амалий вазифаларни ҳал этишга, баъзилари фақат назарий вазифаларни ўзида акс эттирадиган ўнлаб тарбия таснифлари мавжуд.

Методлар ўзига хос характериға кўра ишонтириш, машқ, рағбатлантириш ва танбеҳ беришга бўлинади (Н.И. Болдырев, Н.К. Гончаров, Ф.Ф. королев ва бошқалар). Мазкур ҳолатда методнинг Умумий характерли белгиси уўзида йўналганликни, ўзига хосликни, қўлланишга яроқлилиқни акс эттиради. Бу таснифга методларнинг кўпроқ умумлашганлиги билан ажралиб турувчи тарбиянинг умумий методлари мустаҳкам туташиб кетади. У ўзида ишонтирш, фаолиятни ташкил этиш, ўқувчиларнинг хулқ-атворини рағбатлантириш методларини қамраб олади. И.С. Марьенконинг таснифида тарбия методлари гуруҳлар қуйидагича номланади: тушунтиришли-репродуктив, муаммоли вазиятли, ўргатиш ва машқ методлари, рағбатлантириш, тўскинлик қилувчи, бошқариш, ўзини-ўзи тарбиялаш.

Тарбияланувчиларга таъсир этиши натижаларига кўра методларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ахлоқий меъёрлар, мотивларни ҳосил қилишга, тасаввур, тушунча, ғояларни шакллантиришга таъсир этувчи.

2. Хулқ-атворнинг у ёки бу турини аниқлайдиган одатларни ҳосил қилишга таъсир этувчи.

Ҳозирги вақтда ўзида тарбия методларидаги ягона мақсад, мазмун ва тартиблиликни ақс эттирувчи кўпроқ объектив ва қулай методлар қулланилади.(Г.И. Щукина). Ана шундай тавсиф билан боғлиқликда тарбия методлари уч гуруҳга бўлинади:

Шахс онгини шакллантирувчи методлар.

Фаолиятни ташкил этиш ва ҳулқ-атвор тажрибаларини шакллантириш методлари.

Ҳулқ-атворни ва фаолиятни рағбатлантириш методлари.

Илмий дунёқарашни шакллантириш. Ўқувчиларнинг ақлий тарбияси.

Дунёқараш табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир. Мазкур тизим доирасида ижтимоий-ғоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва экологик билимлар негизида шаклланган эътиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади. Энг муҳими инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётий йўналишини, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Шунингдек, дунёқараш «дунёни тушунтириш», «дунёни ҳис қилиш», «ифодани идрок қилиш» каби тушунчалар билан яқин маънодош эканлигини айтиш жоиз. Дунёқараш тушунчаси мафкура тушунчаси билан алоқадор. Мафкура бизнинг назаримизда меҳнатсеварликка, миллий онг, миллий ғоя, миллий ғурурни тарбиялашга, ўзни-ўзи англашга, миллатимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлига қандай ёндашишимизни билишга, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, расм-русмларимизни қайта тиклашга ва янада ривожлантиришга қаратилган. Бизнинг миллий истиқлол мафкурामиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда аниқ мақсад ва йўналишларга таянади. Унинг ёрдамида халқимиз инсон ҳуқуқини ҳимоя қилади, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиради, келажаги буюк давлат куриш йўлида ўзида куч топади. Энг муҳими истиқлол мафкурामиз, миллий ғоямиз инсонни ҳалол ва пок ҳаёт кечириш, бева-бечоралар, қаровсиз қолган болаларга нисбатан диққат ва эътиборда бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга асосланади. Дунёқараш инсониятни ўтмиш мероси, ҳозирги ҳаёт ва бундаги шароитлар, тизимларнинг англаб олинганлиги, қадриятдир. Дунёқараш кишиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, ахлоқ-одоби, маданиятини янада ўзида мужассамлаштирган тасаввурлар, билимлар йиғиндисидир.

Муайян дунёқарашга эга бўлиш шахсда атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, субъектларга нисбатан маълум муносабатнинг қарор топиши, шунингдек, шахс томонидан зиммасидаги ижтимоий бурчларини тўлақонли англаш ва уларни бажаришга нисбатан масъулият туйғусига эга бўлиши учун замин яратади.

Шахсда дунёқараш *изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ таъкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши* натижасида шаклланади. Ёш авлод дунёқарашининг шаклланишида таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим ўрин тутади.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндошувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар моҳияти у эга бўлган дунёқараш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёқарашнинг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган дунёқараш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради.

Дунёқараш ўз моҳиятига кўра, илмий (муайян фалсафий тизимга эга) ва оддий (муайян фалсафий тизимга эга бўлмаган) дунёқараш тарзида фаркланади. **Илмий дунёқараш** асосида узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлик касб этган ғоялар ётади.

Шахс дунёқарашини шакллантириш узоқ муддатли, динамик хусусиятга эга мураккаб жараён саналади.

Эътиқод дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган

кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч бўлиб, унинг шаклланиши бир неча босқичда кечади. Биринчи босқичда улар беқарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини касб этади. Иккинчи босқичда маънавий-ахлоқий қарашларнинг барқарор тамойилларига айланади. Мавжуд талаб, жамият томонидан тан олинган ахлоқий қоидалардан четга чиқиш қийин, зиддиятли вазиятларда онгли ҳаракатни ташкил этиш, иродавий сифатларга таянган ҳолда иш кўриш тақозо этилади. Учинчи босқичда, эътиқод барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади. Ўқувчи томонидан ўзлаштирилган илмий билимлар ҳаётий муносабатлар жараёнида кенг қўлланилганда, уларнинг асл моҳияти чуқур ҳис қилинган ва англашгандагина эътиқодга айланади.

2. Агар унинг қарашлари тизими онг бирлигига таянса, инсон дунё ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил қилади. Бундан келиб чиқадики, дунёқарашни шакллантириш шахснинг интеллектига, иродасига, ҳис-туйғусига, унинг амалий фаолиятига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ.

Дунёқарашнинг **интеллектуал таркибий қисми** борлиқни бевосита ҳиссий акс эттиришдан, абстракт тушунчали фикрлашгача бўлган ҳаракатни талаб этади.

Ўқувчиларнинг ижобий эмоционал ҳолати таълим муассасасида ижобий ижтимоий-психологик муҳитни яратишга – адабиётлар ва санъатни ишлаб чиқишга, олимларнинг ҳаёти ва фаолияти, ижтимоий фаолиятига, ўзининг шахсий тажрибасига эътибор қаратишни уйғотади.

Ўқувчиларнинг **амалий фаолият** доираси етарлича кенг бўлиши мумкин. Ўқув-меҳнат ва ижтимоий фаолият ўқувчиларни кенг доирадаги ижтимоий муносабатларга жалб қилади, мулоқот тажрибаси, ҳар томонлама ахборотлар билан қуроллантиради.

Таълим-тарбияни ташкил этиш жараёнида **фанлараро алоқадорлик**, ижтимоий ва табиий омилларнинг ўзаро мувофиқ келишига эришиш омиллари, атроф-муҳит ҳамда ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс камолотини таъминлашга эришиш имкониятларидан унумли фойдаланишга интилиш мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасаларида ўқув предметлари сифатида тавсия этилган фанлар асосларининг ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилиши уларда кенг дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Педагогнинг **ижтимоий ва касбий позицияси** илмий дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида акс этади. Дунёқарашни шакллантиришнинг муваффақияти кўпинча, ўқувчиларнинг ўқитувчига ишончига асосланади.

3. Ақлий тарбия таълим олувчининг интеллекти, билиш имко-ниятларини, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Унинг асосий вазифаси – таълим олувчиларнинг фан асослари бўйича билимлар тизими билан қуроллантириш. Уларни ўзлаштириш натижасида дунёқараш асослари шаклланиши зарур.

Ақлий тарбиянинг **вазифалари** қуйидагилар:

- белгиланган ҳажмдаги илмий билимларни эгаллаш;
- дунёқарашни шакллантириш;
- ақл кучи, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш;
- билишга оид қизиқишларини ривожлантириш;
- шахс салоҳияти имкониятларини ривожлантириш;
- билиш фаолиятини шакллантириш;
- доимий равишда ўз билимларини тўлдириш, умумтаълимий тайёргарлик даражасини ошириш эҳтиёжларини ривожлантириш;
- таълим олувчиларни билиш фаолияти методлари билан қуроллантириш;
- фикрлаш қобилияти, ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш.

Агар инсон одамлар орасида ижтимоий муҳитда яшар экан, унинг ақлий тараққиёти, интеллекти ҳақида гапиришга тўғри келади. Бу эса унинг жисмоний тараққиёти учун ҳам муҳим.

Ақлий ривожланиш деганда ҳаётӣ таъсир этиш ва оқибатларнинг барча миқдорӣ имкониятлари натижасида келиб чиқадиган ақл кучи ва фикрлашнинг ривожланиш жараёнини тушуниш мумкин.

Ақлий ривожланишнинг нима эканлигини аниқлаш учун “фикрлаш” ва “ақл кучи” тушунчаларига тўхталиш лозим бўлади.

Амалий тажрибамимизда фикр сўзини жуда кўп учратамиз. Оддий қилиб айтганда, объектив оламдаги воқеа-ҳодисаларни онгимизга таъсир этиши на-тижасида ҳосил бўлган туйғу **фикр** деб аталади. Унинг туб моҳияти шунда-ки, фикримиз орқали биз кўзимиз бевосита илғамаётган, кўз ўнгимизда бўл-маган, бўлган тақдирда ҳам ўша нарсанинг ички хусусиятига алоқадор бўл-ган «сирли» жиҳаталарини кўриш имконига эга бўламиз.¹

Фикрлаш эса, шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бево-сита ва умумлашган ҳолда акс эттриш билан характерланади. Бошқача айтганда, у ақлий фаолият маҳсули. Энг қизиғи фикрлаш меросий тушунча, у барча инчонларга хос. Фалсафӣй, педагогик, психологӣйк адабиётларда фикрлашнинг 20 дан ортиқ турлари ажратиб кўрсатилади:

- мантиқӣй;
- абстракт(мавҳум);
- умумлашган;
- назарӣй;
- техник;
- репродуктив;
- ижодӣй(продуктив);
- тизимли;
- категориал;
- индуктив;
- дедуктив;
- алгоритмик;
- танқидӣй;
- мустақил ва бошқалар.

Мантиқӣй фикрлаш:

билимларга мантиқӣй ишлов бериш усулларини эгаллаш, яъни олдин ўрганилган ва янги билимлар орасида умумлашган алоқадорликни ўрнатиш;

тушунчаларга тавсиф бера олиш;

муҳокама, исботлаш, рад этиш, хулоса чиқариш, фараз, башорат қилиш усулларини эгаллаш билан характерланади.

Умумлашган фикрлаш ҳодисаларни муайян гуруҳларида кўп учрайдиган ҳаракат усуллари ёки умумӣй тамойилларни топа олиш билан характерланади.

Назарӣй фикрлаш:

юқори даражада умумлашган билимларни эгаллашга лаёқатлилиқ;

у ёки бу соҳадаги билимларнинг ривожланиш тамойиллари ва илмӣй асосларини тушуниш билан характерланади.

Техник фикрлаш техника билан ишлашга инсоннинг психологик тайёргарлигини, ишлаб чиқариш жараёнларининг умумӣй тамойиллари ва илмӣй асосларини тушунишни талаб этади.

¹ Каримова В ва Ё Мустақил фикрлаш – Т.: 2001 6-бет

Репродуктив фикрлаш маълум турдаги вазифаларни ҳал этиш ёки аниқ шароитлардаги ҳаракатларни бажариш учун злаштирилган билимларни фаоллаштириш билан боғлиқ.

Ижодий фикрлаш олдин унга таниш бўлмаган янги вазифаларни инсоннинг мустақил ҳал этиши.

Тизимли фикрлаш инсоннинг фанларнинг ўзаро боғлиқлигини кўра олиши, умумий, жамият ва табиат ривожланиш қонуниятларини билиши асосида юзага келади.

Категориал фикрлаш – тушунчаларни бир синф ва гуруҳлаш асосида пайдо бўлади. Масалан, “ит-от-мушук”, уларнинг қаторида йўлбарсни қўйиш мумкин эмас, чунки бу ерда фақат уй ҳайвонлари бирлаштириляпти.

Индуктив фикрлаш – хусусий фикрдан умумий фикрни пайдо бўлиши орқали юзага чиқади. Фактлардан умумлашма ҳосил бўлади.

Дедуктив фикрлаш – умумий фикрдан хусусий фикрлаш асосида келиб чиқади. Масалан, қоидадан мисолларни келтириб чиқариш.

Алгоритмли фикрлаш – аниқ тушунчалар асосида ҳукм тарзида ҳулоса чиқариш.

Танқидий фикрлаш – ахборотларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва ҳулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёнидир.

Мустақил фикрлаш – бу инсоннинг муаммони, уни ҳал қилиш йўллари ўзи кўра олиши ва унга мустақил жавоб топа олиш қобилия-тидир.

XX асрнинг сўнги чорагида психологик ва педагогик адабиётларда таълим жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи педагогик ёндашув ва тамойилларни амалга ошириш кўплаб таърифланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, **“ақлий ривожланиш”** тушунчаси кенг қўлланилади, лекин қандай белгиларига кўра инсон ақли, унинг ақлий ривожланиш даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин деган саволга бир мазмунли жавоб берилмайди. Барча психологлар ақлий ривожланишда таълим асосий, ҳал қилувчилик ролини ўйнашини эътироф этади. Бу инсоннинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Маълумки, инсоннинг психик ривожланиши у яшаётган ижтимоий-тарихий шарт-шароитларда аниқланади. Ўз ҳаётининг биринчи куниданок бола катталар таъсири остида ижтимоий тажрибани ўзлаштира бошлайди. Бу тажрибаларни ўзлаштириш жараёнида боланинг ақлий ривожланиши, унинг инсоний қобилиятларининг шаклланиши содир бўлади.

Олимлар орасидаги баъзи хилма-хиллик ақлий ривожланишда билимларнинг роли қандайлиги ҳақидаги масалани келтириб чиқаради. Масалан, А.Н. Леонтьев билимлар билан ақлий ривожланиш, худди шундай ривожланиш ўртасида аниқ тенг ишорасини қўяди. Унинг фикрича, инсоният тажрибасини “ўзлаштириш” бутунлай бола яшаётган ва ривожланаётган ижтимоий шароитларда қўлга киритилганлиги билан характерланади. Бошқа олимлар(Е.Н. Кабанов-Меллер, В.А. Крутецкий) билимларни аҳамиятини пасайтирмайди, бироқ уни мутлақлаштирмайди ҳам. Улар билим ақлий ривожланиш шарти сифатида акс этади, лекин унинг тузилишига кирмайди, деб ҳисоблашади. Бу муаллифларнинг фикрича, ақлий ривожланиш фақатгина билимни ўзинигина эмас, инсоннинг мазкур билимни Янги шароитларда қўлга киритиш, қўллай олиш, узатиш имкониятидан келиб чиқади.

З.И. Калмыков қўйидаги таърифни таклиф этади: **ақлий ривожланиш** – инсон психикасининг индивидуал ўзига хосликларидан, у яшаётган ижтимоий-тарихий шароитлар билан боғлиқликда ҳаётий тажрибаларни ошиб бориши ва унинг ёши билан алоқадорликдаги интеллектуал фаолиятидан келиб чиқадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларининг мураккаб динамик тизими. Инсоният тажрибасини қанчалик ўзлаштирганлик ақлий ривожланишда ҳал қилувчи омил сифатида акс этади. **Амалий билимлар заҳираси** ақлий ривожланишнинг тузилишига кирувчи таркибий қисмлардан бири сифатида қаралиши керак.

Амалий билимлар заҳираси билан бир қаторда ақлий ривожланишнинг тузилишида таълим олганлик ўз аксини топади. **Таълим олганлик** – бу ақл сифатини шакллантирувчи шахс интеллектуал хусусиятларининг тизими.

Ақлнинг теранлиги инсон янги материални эгаллашда мавҳумлаштира олиши мумкин бўлган белгиларнинг муҳимлиги босқичи ва уларни умумлашганлиги даражасида намоён бўлади.

Ақлнинг сустлиги қарама-қаршиликда: бир қолипликка, фикрлашдаги одатийликка мойилликда, бир ҳаракатдар тизимидан бошқасига ўтишдаги қийинчиликда намоён бўлади.

Фикрнинг мослашувчанлиги мақсадга мувофиқ ўзгарувчанликни талаб этади.

Ақлнинг барқарорлиги инсонга вазифаларни фикрий ҳал этиш, уларнинг бутун белгиларини хотирада эслаб қолишга имкон беради. Бу сифат таснифлашга оид бирор вазифани ҳал этишда аниқ кўринади.

Фикрий фаолиятнинг анланганлиги – унинг маҳсули сифатида сўзда ифода этиш имкониятида акс этадиган ақлнинг сифати.

Ақлнинг мустақиллиги – янги билимларни, вазифаларни ҳал этишнинг янги йўллари фаол излашда намоён бўлади.

Фикрнинг тежамкорлиги – кам вақт сарфлаб етарлича билимларни эгаллай олишда акс этади.

Мехнат тарбияси. Иқтисодий тарбия

Мехнат тарбияси ўқувчиларга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Меҳнат тарбиясини шундай ташкил этиш керакки, инсон меҳнат жараёни ва унинг натижасидан қаноатланишини таркиб топтиришга кўмаклашсин. Меҳнат тарбиясининг провард мақсади шахс характерининг асосий хислати сифатида унинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини шакллантиришдир.

Ўқувчиларнинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда меҳнат тарбияси муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат мазмуни билан белгиланади.

Ўзбекистонда, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришнинг асосий тамойиллари жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг асоси саналади.

Ҳозирги даврда техника ва технологиялар ривожланишини юксак босқичга кўтариш учун ишлаб чиқаришни кенг кўламда компьютерлаштириш, истеъмол маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқишни йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Буларнинг барчаси юксак интеллектуал ва жисмоний камолотга эга бўлиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий-техникавий ва иқтисодий асосларидан тўлақонли хабардор бўлиш, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўладиган ёшларни тарбиялашни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасаларида меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишга нисбатан улкан талабларни қўяди.

Меҳнат тарбиясининг мақсади ўқувчиларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиришдир. Мазкур мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

ёш авлодда меҳнат қилиш истагини қарор топтириш ва уларни замонавий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият юритишга тайёрлаш;

ўқувчиларда умумжамиyat манфаати йўлида меҳнат қилиш эҳтиёжини ҳосил қилиш;

уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг мавжуд билимларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришлари учун зарур шарт-шароитни яратиш;

уларда меҳнат кўникма ва малакаларини таркиб топтириш;

ўқувчилар фаолиятида юқори маданият, мақсадга интилиш, ташкилотчилик, меҳнат интизоми, тадбиркорлик, тежамкорлик, ишни сифатли бажариш, моддий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ҳаётий фаолият йўналишини белгилаш малакаларини шакллантириш;

ўқувчиларда давлат иқтисодий сиёсати мазмунига таянган ҳолда улар яшаб турган ҳудудлар ишлаб чиқариш хусусиятларига мувофиқ касбларни эгаллашга бўлган қизиқишни ошириш;

ўқувчиларни касбга йўллаш, уларни меҳнат фаолиятининг барча турлари, шунингдек, улар яшаётган ҳудудда эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар билан таништириш.

Мазкур вазифалар тизимида ўқувчиларни меҳнатга психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Меҳнат тарбияси мазмунида юқоридаги вазифалар билан биргаликда қатор хўжалик-иқтисодий омиллар аниқланади: вилоят ва туманлардаги ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, таълим муассасаларининг имкониятлари, уларнинг моддий базаси, ўқитувчи кадрлар, таълим муассасасидаги анъаналар.

Меҳнат тарбияси ўқувчиларнинг ақлий, *маънавий-ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбияси* билан ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизимда амалга оширилади. Чунончи:

Ақлий тарбия ўқувчилар меҳнат тарбияси, уларни касбга тайёрлашнинг асоси саналади. Зеро, меҳнат – назарий ва амалий билимларни эгаллашга ёрдам беради, билим эса ўз навбатида шахсни меҳнатга тайёрлашни такомиллаштиради. Меҳнат тарбиясининг самарадорлиги ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш вазифаси билан белгиланади.

Меҳнат тарбияси ахлоқий тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Чунки меҳнат фаолияти ёрдамида ўқувчида меҳнатсеварлик, интизомлилик, иродалилик, ташаббускорлик, мустақил ҳаракат қилиш каби ахлоқий хислатлар ҳам шаклланади.

Меҳнат тарбияси эстетик тарбия билан мустаҳкам алоқада олиб борилади. Меҳнат тарбияси мазмунига эстетик элементларни сингдириш асосида уни амалга ошириш ўқувчилар меҳнат тарбиясида катта аҳамият касб этади. Меҳнатда гўзаллик ва ўз меҳнатидан завқланиш унинг янада самарали кечишига ёрдам беради.

«Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» риволасида миллий истиклол мафкурасининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳақида фикр юритилар экан: «Миллий истиклол мафкураси ўз моҳиятига кўра, ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаёт кечиришга чорлайди. Ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, шахсий манфаатларини халқ ва ватан манфаати билан ўзаро уйғунлаштириб яшашга ундайди. ... Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги – бутун жамиятнинг фаровонлигидир, ғоясини илгари суради», - деб таъкидланиши ҳам бежиз эмс.

Юқоридагиларга асосланиб, ўқувчилар меҳнат тарбиясида қуйидаги мезонларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Булар:

- ўқувчилар томонидан меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тушунилиши;
- уларнинг ихтиёрий равишда меҳнат қилишлари;
- уларда меҳнат қилмай ҳаёт кечирувчиларга нисбатан нафрат уйғотиш;
- ўқувчиларда меҳнат ва меҳнат аҳлига ҳурмат туйғуларини қарор топтириш;
- уларда меҳнатда жавобгарликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш;
- уларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлишларига эришиш;
- меҳнатда ижодкорликни қўллаб-қувватлаш;
- ўқувчиларда жамият ва умумхалқ мулкани кўз қорачиғидай асраш туйғуларини шакллантириш;
- меҳнатда дўстлик, ўртоқлик ва ҳамкорликка эришиш;
- ўқувчиларнинг меҳнатни гўзаллик манбаи сифатида тушунишларига эришиш ва бошқалар.

Юқоридаги мезонлар асосида ўқувчиларни бўлғуси касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини барча таълим-тарбия ишларини мустаҳкам алоқада, ҳозирги замон талабларига мос ҳолда олиб бориш тақозо этилади.

Меҳнат тарбиясини ташкил этишнинг шарт-шароитлари, шакл ва методлари.

Меҳнат тарбиясини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари:

Болалар меҳнатининг ўқув-тарбиявий вазифалар билан боғлиқлиги.

Ижтимоий аҳамиятли меҳнатни ўқувчиларнинг қизиқишлари билан бирга қўшиб олиб борилиши.

Меҳнат фаолиятининг ҳамма боплиги ва қўлдан кела олиши.

Меҳнат фаолиятининг мажбурийлиги ва виждонийлиги.

Меҳнат фаолиятини ташкил этишда жамоавий ва индивидуал шакллари билан бирга қўшиб олиб бориш.

Меҳнат тарбияси билан *меҳнат таълими* бир-бири билан ўзаро боғланган. Меҳнат фаолияти маълум билимга эга бўлишни талаб этади. Зеро, билим ва кўникмалар ўқувчини меҳнат фаолиятига тайёрлайди.

Таълим жараёнида олган билимларини амалиётда синаб кўрадилар, Умумий меҳнат жараёнида ўқувчиларнинг комбинатлар, жамоа ҳамда фермер хўжаликлари, корхона, завод ва фабрикаларда техник ва технологик билимлари мустаҳкамланади, шунингдек, улар ташкилотчилик малакаларига ҳам эга бўладилар.

Синфдан ташқари ишлар жараёнида меҳнат тарбияси айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Синфдан ташқари машғулотларнинг турли шакллари ўқувчининг техник ижодкорлигини ривожлантиради, у ёки бу билим соҳасида билимга бўлган қизиқишини шакллантиради. Тўғаракларда ўқувчининг қизиқиш ва қобилиятлари намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг тўғараклардаги фаолияти маълум педагогик талабларга риоя қилганда самарали бўлади. Чунончи:

тўғарак фаолияти ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим, яъни, ўқувчилар тайёрлаган буюмлар кишилар учун амалий қийматга эга бўлиши зарур;

техник ижодкорлик ўқув муассасасидаги ўқув-меҳнат жараёни билан узвий алоҳада бўлиши керак (мактаб, коллеж, олий таълим ва бошқалар);

ижтимоий-фойдали, унумли меҳнат жараёнида ўқувчининг техник ижодкорлигини ташкил этишда фаолиятни ижтимоий буюртмадан ижодкорликка айлантириш керак бўлади.

Тўғарак фаолияти жараёнида ўқувчилар ўз коллежлари учун ўқув-кўрсатмали куроллар: жадваллар, расмлар, диаграммалар, коллекциялар, оддий моделлар, юқори синфларда – стендлар, ҳаракатдаги моделларни яратиш мумкин.

Табиатшунослик, ботаника, зоологиядан амалий машғулотларда ўқувчилар **ўқув-тажриба участкаларида** ишлайдилар, жонли бурчаклар ташкил этадилар, ўқув масканини кўкаламзорлаштирадилар.

Меҳнат тарбияси оилада табақалаштирилган ҳолда олиб борилади: болалар ўз-ўзига хизмат қиладилар, уй ҳайвонларини парваришлайдилар, рўзғор техникаларини таъмирлаш билан шуғулланадилар. Оила бюджети ва уни юритиш билан боғлиқ топшириқларни бажарадилар, Оилада болалар ва катталар меҳнатини ҳамкорликда ташкил этишнинг имкониятлари чексиз.

Сўнгги йилларда ўқувчилар меҳнат тарбиясига жамоатчилик катта эътибор бермоқда. Йирик фермер хўжаликлари, қўшма корхоналарнинг жамоалари мактабларни оталиққа олмоқда, уларнинг моддий базасини яратиш, ўқувчиларнинг билим олишлари, ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил этишда ёрдам бермоқдалар.

Меҳнат фаолиятининг асосий турлари қуйидагилардир:

Ўқув меҳнати ўқувчиларнинг илмий билимлар ҳамда турли фанлар асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган фаолияти туридир.

Ижтимоий-фойдали меҳнат шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамда унинг муайян ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳамда ижтимоий меҳнат характеридаги фаолияти туридир.

Ҳозирги даврда таълим муассасаларида **ўз-ўзига хизмат** кенг йўлга қўйилмоқда. Ўз-ўзига хизмат ўқувчиларнинг ижтимоий ва ўқув эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилувчи меҳнат фаолияти туридир.

Ўқувчиларнинг навбатчилиги ўз-ўзига хизмат қилишни таркиб топтиришнинг муҳим шаклидир.

Ишлаб чиқариш меҳнати турлари хилма-хилдир. Масалан, ўқувчиларнинг меҳнат ҳафталиги, чорвага ем-хашак тайёрлаш ва ширкат хўжаликларида фаолият юритиш ва бошқалар. Унумли меҳнат – ўқувчилар меҳнатининг энг оммавий шакли саналади.

Ўқувчилар ҳозирги даврда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида иштирок этадилар, Доривор ўсимликлар, уруғларни йиғиш, мактаб биноларини таъминлашда қатнашмоқдалар, фермер, ширкат ва жамоа хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этишда иштирок этмоқдалар.

Айни вақтда, жуда кўплаб мактабларда ёрдамчи хўжалик мавжуд. Корхона ва хўжаликлар таълим муассасасига мажмуавий ёндашув асосида меҳнат тарбиясини ташкил этишга кўмаклашмоқдалар. Ўқувчилар ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий ривожланиши билан танишадилар, Бу жараён уларни турли касбларни эгаллаш шартлари ва шароитлари билан таништиришга ёрдам беради.

Меҳнат тарбияси ўқувчиларни меҳнатга психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлашни назарда тутди. Зеро, мавжуд шароитда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шахс камолотига нисбатан жуда катта талабларни қўймоқда. Хусусан, меҳнатга муҳим ижтимоий бурч сифатида қараш, маълум фаолиятни бажаришда масъулиятни ҳис этиш, меҳнатга ва унинг натижаси, шунингдек, меҳнат жамоасига ҳурмат, меҳнат фаолиятини ташкил этишда ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиш, ўз ақлий ва жисмоний қобилиятини тўлиқ намоён этишга бўлган ички эҳтиёж, меҳнатни илмий ташкил этиш йўлида амалий ҳаракатни олиб бориш шулар жумласидандир.

Меҳнатга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш эса тарбиявий ишлар тизимида амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

ўқувчилар томонидан меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти, меҳнатни ташкил этиш ҳаётий зарурият эканлигининг англаб етилишига эришиш;

уларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга нисбатан рағбат уйғотиш;

ўқувчиларда меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ҳоказолар.

Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мулкка эгалик, хусусий мулкни яратиш йўлида қонун доирасида олиб борилаётган амалий фаолиятни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий ҳаракатлар меҳнат тарбиясига янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Меҳнат тарбиясининг янги технологиялар асосида ўқув дастурлари, таълим методларининг вариативлиги тамойили ётади. Дастурлар касб-ҳунар коллежлари ихтисослашган турли касблар бўйича яратилади. Уларда касбий таълимни ўзлаштиришга нисбатан қўйилган давлат талаблари ўз ифодасини топади.

Таълим жараёнида эгалланган билим, кўникма ва малакалар меҳнат тарбиясида педагогик фаолиятнинг якуний натижаси эмас, балки инсон қобилиятининг ривожланиши, яъни, меҳнатга бўлган лаёқатини ривожлантиришнинг самарали воситасидир. Бу эса меҳнат тарбиясида анъанавий методларни эмас, балки билим олишнинг фаол методларидан фойдаланиб, ўқувчиларда тадқиқотчилик ҳамда ихтирочилик малакаларини ривожлантириш методларини қўллашни назарда тутди.

Бундан ташқари муаммоли, изланувчан тадқиқот методлари, конструкторлаш, лойиҳалаш, техник моделлаштириш, меҳнатни ташкил этиш жараёнида унинг энг яхши вариантларини излаб топиш, ижодий топшириқларни тўғри танлай олиш, шунингдек, танловлар, ёшларнинг ижодий кўргазмаларни ташкил этиш ҳам энг самарали методлардан саналади.

Меҳнат таълими ва тарбиясининг ташкилий-методик шакллари ўқитувчи томонидан танланади. Бу шундай шакл ва методлар бўлиши керакки, у ўқувчига меҳнати муваффақиятидан қувонч бахш этсин, ўз меҳнатида ўзи фахрлансин.

Меҳнат тарбиясининг технологиялари ўқувчининг назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятини яратиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат таълими мазмунини ҳам такомиллаштиради. У комплекс характер касб этиб, ўқувчиларда ўқув техника ва технологиялари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши, амалий масалаларни ҳал этиш малакасини шакллантириши, сифат натижаларини таъминлаши лозим. Айниқса, ўқув топшириқларини ҳал этишга ижодий ёндашиш, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий, ижтимоий кўрсаткичларини юқорига кўтаришга интилиш ҳосил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат тарбиясида синфдан ташқари тарбиявий ишлар режасида меҳнат тарбияси йўналишидаги тадбирларнинг ўрин олишини таъминлаш муҳим педагогик вазифалардан биридир. Меҳнат тарбияси турли анъанавий ва ноанъанавий шаклларда ташкил этилади (2 - чизма).

Демак, ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Ўқувчиларнинг меҳнат таълими жараёнида уларнинг меҳнатга қизиқишларини ошириш, касбий ёки меҳнат фаолиятига тайёр бўлишни таъминлаш.

Ўқувчилар кучини тўғри тақсимлаш, фаолият турлари ва уни ижро этишда ўрин алмаштириш воситасида уларда раҳбарлик ва ижрочилик малакаларини ҳосил қилиш.

Ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига рағбатлантиришнинг самарали метод ва воситаларидан фойдаланишга эътиборни қаратиш.

Меҳнат фаолиятининг туридан қатъий назар меҳнат маданиятини шакллантириш, касбий фаолиятни режалаштириш, вақтдан оқилона фойдаланиш, ўз жойини тартибли сақлаш ҳамда меҳнат қуролларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Меҳнат тарбиясининг иқтисодий тарбия билан алоқадорлиги. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўқувчиларга иқтисодий билим бериш ҳамда, уларда меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантириш масаласига жиддий эътибор берилган бошланди. Ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда ишчанлик, тартиблилик, эҳтиёткорлик хислатларини шакллантириш тарбиявий ишларнинг таркибий қисмларидан саналади.

Ҳозирги даврда, кадрлар тайёрлаш масаласи энг муҳим вазифа сифатида қўйилиб, таълим сифатини ошириш билан бирга ўқувчиларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мавжуд шароитда муҳим ва зарур.

Иқтисодий таълим ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда хўжалик юритиш фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик фаолият жараёни.

Бинобарин, иқтисодий тарбия ёш авлодда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш, уларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш тўғрисида фикрлашга ўргатади.

Экологик тарбия

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида экологик хавфнинг юзага келиши, унинг инсониятга, Ер шарининг фауна ва флорасига кўрасатаётган салбий таъсири ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтади: “... дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармокда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатни ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмокда”.

Тарихий тараққиёт жараёнида инсоният табиатни ўз манфаатларига бўйсиндиришга уринди. Оқибатда атмосфера, литосфера, гидросфера, биосфера, яқин космик фазода кескин ўзгаришлар юз берди, яъни ер, сув, ҳавонинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши, парник эффекти, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб, иқлимнинг ўзгариши каби ҳолатлар юзага келди.

Экологик хавфнинг кескинлашуви аҳоли саломатлигига ҳам катта таъсир кўрсатмокда. Статистик маълумотларга кўра Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи аҳолининг 67-72 %и у ёки бу турдаги касаллик билан оғриган. Улар орасида камқонлик касаллиги-43 %, юрак-қон томир касалликлари-21,1 %, буйрак касаллиги билан 13 % киши касалланган. Бу ҳол экологик хавфни бартараф этиш муҳим муаммо эканлигини кўрсатади.

Худуддаги экологик ҳолатни тўғри баҳолай олган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов истиқлолнинг илк кунларидаёқ аҳоли эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни барқарорлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни самарали амалга оширишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири дея эътироф этди.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашуви, ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаблашуви инсоннинг табиатга нисбатан илмий-амалий фаолиятини қатъий равишда тартибга солишни талаб этмокда. Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари мазмунида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XI боб, 50-модда) да: “Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб кўрсатилган. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айланиши лозим.

Мустақиллик йилларида экологик муносабатларни йўлга қўйиш борасида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди, уларда аҳоли томонидан экологик хавфни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992 йил 9 декабр), “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги (1993 йил 7 май), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993 йил 6 май), “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги (1992 йил 3 июл), “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги (1998 йил 28 август), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (2000 йил 25 май) қонунлар шулар жумласидандир.

Экология-юнонча сўз бўлиб “ойкос”-уй, “логос”-фан маъносини англатади. Инсон яшайдиган уй билан атроф-муҳит орасидаги муносабатни ўрганувчи фанга экология дейилади. Бу терминни 1866 йилда немис биолог Э.Геккель фанга киритган.

Г.Одум, Ю.Одум, Г.Ф.Морозов, В.Н.Сукачевлар ўз тадқиқотлари орқали экологияга оид ғояларни янада такомиллаштирганлар.

Экологиянинг умуминсоний фан бўлиб шаклланишида академик Вернадский ғоялари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. В.И.Вернадский биосфера терминини фанга киритиб, уни ноосферага ўтишини исботлаб берди. Ноосферанинг луғавий маъноси “фикрловчи қобик” демакдир. Ноосфера биосферанинг қонуний ривожланиши натижасида келиб чиқадиган босқич бўлиб, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро онгли

алоқа муносабатларини ўз ичига олади. Эрнест Геккель “Тирик организмлар морфологияси” илмий асарида “Экологияга организмларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фандир” деб таъриф берган. Улар бизга атроф-муҳитда ўз ўрнимизни аниқлаш, табиий бойликлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга ёрдам беради. Инсон томонидан табиий бойликлардан фойдаланишда табиат қонунларини билмаслик натижасида қайта тиклаб бўлмайдиган оқибатлар келиб чиқади. Бунга мисол қилиб Орол тақдирини кўрсатиш мумкин. Орол фожиаси инсон томонидан Сирдарё ва Амударё сувларидан нотўғри фойдаланиш ҳамда унинг хавфини анча кеч тушуниб етилганлиги натижасида келиб чиқди. Экология фани табиат билан тирик организмларнинг узвий боғланишларини идора этар экан, у шубҳасиз, табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосини ташкил этади.

Тарихий тараққиёт жараёнини таҳлили шуни кўрсатадики, ўтмишда табиат ўзича, инсон-жамият ўзича ривожланган.

Авваллари жамиятнинг бошланғич даврида инсон табиатга қарам бўлиб, унинг таъсиридан ҳимояланган. Табиатда содир бўладиган ҳар бир ҳодиса, инсон учун ғайри табиий, кўрқинчли бўлган. Аммо инсон ундан ўзи учун зарур нарсаларни олган. Бу олиш жамиятнинг илк даврида анча осонлик билан кечган, аҳоли сонининг кўпайиши, унинг талабларини ошиши, у яшайдиган жойда моддий неъматларнинг камайиши натижасида, инсон ўзи учун табиатдан оладиган нарсалар мураккаблашди.

Узоқ ўтмишда, бу жараён инсониятдан, яшашнинг соғлом воситаларини ишлаб чиқишнинг муҳим шарти сифатида инсон мақсади ва қизиқишлари ундан ахлоқий эмоционал (ҳис-туйғуларни ифодаладиган) омилни кучли даражада жалб этишни талаб қилади. Зеро, тарихий тараққиёт жараёнида инсон табиат, атроф-муҳитсиз яшаш мумкин эмаслигини англаб этади. Инсон табиат билан узвий алоқада бўлиб, у ўзининг табиат фарзанди эканлигини тушуна бошлайди.

Табиат тарихи инсоният тарихини яратади. Бу ҳолатда табиат-жамият эҳтиёжларини қондириш учун ўз фаолиятини табиий заҳираларни жалб этувчи инсоний муносабатлар объектига айлантиради. Бу ҳолат инсоннинг табиатга нисбатан муносабатлари ҳақида гапириш ҳамда экологик йўналишни қамраб олишни таъкидлаш имконини беради. Бундай баҳо ва мувофиқлаштириш объектини табиатнинг ўзигина эмас, балки айнан инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабатлари ташкил этади.

Инсонда табиатга нисбатан масъулиятли ёндошувнинг шаклланиши экологик маданият компонентининг асосий мазмуни ва предметини ташкил этади.

XX аср охири, XXI асрнинг бошларида фан-техника тараққиёти ҳамда аҳоли сонининг ошиши шу кабилар экологик тангликни келтириб чиқарди. Жойларда аҳолининг табиатга нисбатан муносабати ўзгара бошлади. Бу ҳол эса табиат, атроф-муҳит ҳимоясининг умумжаҳон миқёсида эътироф этилишини талаб қила бошлади. Натижада экологияга оид тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди.

Экологик муаммоларга бағишланган тадқиқотлар таҳлилидан қуйидагини айтиш мумкин: табиат ва инсон алоқадорлигига оид анъанавий талқинлар янгича изоҳ ва ёндашувлар билан тўлдирилиб, такомиллаштирилиб борилаяпти. Ана шу нуқтаи назардан инсоннинг ўзига хос мавқеи, унинг моҳияти, яхшилик ва ёмонлик муаммолари тадқиқ этилмоқда. Дастлаб бу ғоя “Авесто” асарида ўз аксини топган. Худди шунингдек экологик муаммолар “Қуръони карим”, “Ҳадис”ларда янада жонлантирилди.

Асрлар давомида халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимларида ер, сув, атрофдаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга риоя қилинган. Уларни ифлос қилиш катта гуноҳ ҳисобланган. Зардуштийлик дини дастлаб ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳларида вужудга келган бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли учун энг зарур табиат неъматлари сув ва ер бўлган. Чунки, деҳқончилик учун ер биринчи омил бўлган. Ўша давр одамлари ерсиз оч қолиши мумкинлигини англаб етганлар ва асраш, тоза сақлаш мақсадида уни қаттиқ муҳофаза қилишганлар. Бу эса ўз навбатида ерни муқаддаслаштирилишига олиб келган. Деҳқончилик учун иккинчи зарур

омил бу сувдир. Дехқончилик ҳеч қачон сувсиз бўлмаган. Шунинг учун сувни ифлос қилиш энг олий гуноҳлардан ҳисобланган. “Авесто”да келтирилишича, “тоғнинг бир жилғасини қуритган, сувнинг бир томчисини булғатган кимса тангри қаҳрига учраб, дўзахга киради” деб таъкидланади. Сувни ҳаётнинг энг олий неъматини сифатида қадрлаш натижасида кучли диний тизим шаклланган. Зардуштийлик таълимотига кўра, одам ўлгач, унинг жони танасида 3 кун бўлади, тўртинчи куни гўзал қиз киёфасида танасидан чиқиб кетади. Сўнгра, марҳум жасадини тоғу-тошларга олиб чиқиб, гўштини қарға-қузғунларга едириб уни суякларини махсус ассуарий (суякдон)ларга солиб дафн қилинган. Бу биринчидан ерни улуғлаш сифати бўлса, иккинчидан ҳавони ёмон ҳидлардан асраш сифатига тўғри келади.

Экологик тарбия Қуръони карим, Ҳадисларда ҳам ўз аксини топган:

“Сувга туфлама”, “Қудукка тош ташлама”, “Сувга мағзава оқизма”, “Сув-ҳаёт манбаи”, “Сув бериш савоб”, “Сувни исроф қилма”, “Сувга ифлос нарса ташлама”, “Сувли эл-бой эл, сувсиз эл-ҳолига вой эл”, “Сув ичаман десанг, ариқ қази”, “Сув олтиндан азиз”, “Сув-зар, сувчи-заргар”, “Сув келди-нур келди”, “Элнинг ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан”, “Ариқдан сув узилмаса, ватандан нон аримас”, “Сувсиз ер мазор, сувли ер гулзор”, “Сувсиз ерга қуш қўнмас, ўтсиз ерга юрт қўнмас”, “Нонни ерга ташлама, увол бўлади”, “Қушларга озор берма-қарғайди” каби ҳикматларда ёрқин ифодаланган.

Ўтмишда яшаб ўтган халқларнинг маросимий фаолияти инсониятнинг табиат билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган жараёндир. Бу жараён фақат ёпиқ ижтимоий тизимдагина эмас, яхлитлигича бутун инсоният орасида ҳам содир бўлади. Бунда у инсоний қадриятлар даражасида ривожланади ҳамда жаҳон маданияти таркибига сингиб кетади.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий каби алломалар ўзларининг асарларида табиатни асраш ва унинг бойликларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уни сақлаш ва кўпайтириш зарурлигини уқтирганлар.

Буюк алломалар дунёни илмий билишга, бунинг натижасида эса табиатдаги барча жонзотлар орасида мавжуд бўлган ўзаро алоқадорликни экологик нуқтаи назардан илмий асослаб беришга ҳаракат қилганлар.

“Инсон-табиат” муносабатидаги қонуниятлар асосида танланган тамойилларнинг аниқ ва таъсирчанлиги, илмий асосланганлиги билан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби олимларнинг кашфиётлари инсон аҳлини ҳайратга солади. Улар кўплаб халқларнинг тажрибаларини ўрганиб экологик нуқтаи назардан талқин қилганлар.

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида инсонни ўраб турган атроф-муҳит, табиатдаги ўсимликлар дунёси, касалларни даволаш учун дори-дармон вазифасини ўтаган. Бу ҳол ҳозирги вақтда ҳам тиббиётда кенг қўлланилади.

Ўтмишдаги алломалар касалларни даволашда ҳаво, сув, тупроқ, иқлим, озиқ-овқат, яшаш жойи муҳимлигини кўрсатиш билан бирга, уларнинг инсон саломатлигига таъсири муҳимлигига алоҳида эътибор берганлар. Абу Али ибн Сино буг, тутун ва бошқа нарсалар билан ифлосланган ҳавонинг инсон саломатлигига салбий таъсирини таҳлил қилган. Сувни тозалашга оид тавсиялар берган. Касалликларнинг пайдо бўлиши ва уни даволашда ҳаётини шароит ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини асослаб берган. “Тиб қонунлари”нинг махсус боби инсон саломатлигини сақлашга бағишланган. Асарда шу нарса жуда очик кўринадики, давлатнинг мавжудлиги, жамият соғлигини сақлаб қолиш маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир.

Абу Али ибн Сино: “Инсонга тоза ҳаво берсанг, у минг йил яшайди” деган. Бу экологиянинг асосини ташкил этади.

Улуғ аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, “Адибон халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Геодезия” каби асарларида турли халқларнинг экологик қарашлари,

анъана, урф-одатлари, уларнинг табиат билан алоқадор байрамлари тавсиф ва таҳлил килинган.

Абу Райҳон Беруний ўзи ишлаб чиққан ҳамда ирқий, мазҳабий камситишлардан ҳоли бўлган илмий-қийсий метод асосида қадимги мисрликлар, юнонлар, римликлар, форслар, манихейлар, исломгача бўлган араблар, индусларнинг урф-одатларини тавсифлайди, уларнинг табиатга муносабатларидаги ахлоқий қадриятларини таъкидлайди.

Абу Наср Форобий фикрича, идеал (ҳар жиҳатдан яхши, бекаму-кўст, соз) эзгу (хайрли, савобли, яхши) шаҳар бошлиғида бўлиши зарур бўлган шахс 12 хислат орасида дастлаб оддий инсоний вазифаларни адо этиш учун мутлақо соғлом тана, бўлиши зарурлигини қайд этади.

Абу Наср Форобий инсоннинг биологик тузилишини, физиологик, ақлий, ижтимоий-сиёсий томондан таҳлил қилади.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Экологик тарбия (грекча «οἶκος» -турар жой, макон, «logos» -фан) ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Ўқувларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш, меҳр-муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусавфоллигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади.

Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёндир.

Назарий экологик билимлар (экологик онг) ҳамда атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. **Экологик онг** табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади. **Экологик фаолият** эса экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи демакдир.

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида қуйидаги **вазифалар** ҳал этилиши зарур:

Ўқувчиларнинг таълим жараёнида ўзлаштирган экологик билимларини янада ошириш.

Уларнинг табиат ва атроф-муҳит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиш.

Ўқувчиларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириш.

Ўқувчиларда экологик фаолият кўникма ва малакаларни тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

XX аср охири, XXI аср бошига келиб табиий заҳиралар- тупроқ, сув, ҳаво, ер ости қазилма бойликлари, ўрмон, ҳайвонот оламида фойдаланиш авж олди. Натижада уларнинг тугаши, ифлосланишига оид хавф-хатар вужудга келди.

Инсон билан табиат ўртасидаги табиий мувозанатга путур етди. Бу ҳол эса табиат, атроф-муҳитни қўриқлаш ғоясини келтириб чиқарди. Бундан экологик тарбиянинг “Табиатни севинг ардоқланг” деган *биринчи меъёри* вужудга келди. Табиат заҳираларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, уни тиклаш, уларни қайта ишлаб чиқиш ва таркибини яхшилаш, ўсимликлар дунёсини асраш, уларни кўпайтириш асосий муаммо бўлиб қолди. Бу эса табиат заҳираларидан эҳтиёткорона фойдаланиш ва

уларни кўпайтириш ғоясининг юзага келишига асос бўлди. Бундан экологик тарбиялашнинг: “Табиатни тиклаш” деган *иккинчи меъёри* вужудга келди.

Атроф муҳит ифлосланишининг чегаралари йўл қўйилиши мумкин бўлган экологик меъёрлардан ошиб кетди. Бу эса инсон саломатлигига салбий таъсир эта бошлади. Атроф-муҳитнинг гигиеник ва санитария меъёрларига мувофиқлиги ҳозирги замоннинг энг муҳим миллий қадриятига айланди. ҳар бир инсон тоза ичимлик суви, ҳаво, тупроқ, сокинлик, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга. Бу эса экологик тарбиянинг *учинчи меъёрининг* келиб чиқишига олиб келди. Меъёрнинг моҳияти “Табиатни ифлос қилмас”ликка ундайди.

Табиат билан мулоқот инсондаги журъат, мардлик, ҳиссий туйғу, севги, гўзалликни шакллантиради. Бунда эса инсонларнинг ўсимлик, жониворларга ёрдам беришдек ахлоқий фазилатларни шакллантиради. Бунинг натижасида “Табиатни ҳимоя қилиш”дек ғоя пайдо бўлади. Бу эса *экологик тарбияни тўртинчи меъёрини* келтириб чиқарди.

Табиат ўта мураккаб компонентлар (сув, ҳаво, тупроқ) тизимидан иборат бўлиб, куёш нури таъсирида унда занжирли экологик реакция пайдо бўлади. Инсон фаолияти туфайли бу экологик занжир реакциясига путур етади.

Табиат билан инсон орасидаги муносабатлар: ижобий, салбий, бефарқ бўлиши мумкин. Бунда инсоннинг ҳаракати вайрон қилувчи, ҳалокатга элтувчи натижага эга бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга кўра навбатдаги, *бешинчи меъёр* “Табиат, атроф муҳитга нисбатан фаолиятнинг яқин ва келажакдаги натижаларини эътиборга ол”. “Табиат, атроф-муҳитга нисбатан маданиятли бўл” ғояси келиб чиқади. Бу *олтинчи экологик меъёрни* ташкил этади.

Инсониятнинг табиатга таъсир чегараси экологик меъёр даражасидан ошса, табиатнинг ҳолати бузилиб ҳосил бўлган экологик занжир-тизимли ҳолат инсон фаолиятига салбий таъсир этади. Бунинг оқибатида “Ақл сфераси” деган ғоя келиб чиқади. Бу *еттинчи* экологик маданият меъёрининг энг юқори чўққисини ташкил этади. Ана шу ақл сфераси бутун инсониятнинг экологик онгли ва маданиятини ифодалайди. Бу экологик маданиятини глобаллашувини ҳосил этади. Экологик маданиятнинг шаклланиши ана шу нуқтада ҳал бўлади. Агар шунга эришилмаса биосферада катастрофик ҳолат юз беради.

Инсониятнинг табиатга таъсири ана шу экологик меъёр чегарасида бўлиши керак.

Оила ва жамиятда ташкил этилаётган экологик тарбиянинг экскурсия, баҳс-мунозара, ижодий танловлар, учрашув, ижтимоий-фойдали меҳнат (шанбалик, ҳашар, кўкаламзорлаштириш) каби шакл ҳамда суҳбат, ҳикоя, амалий фаолиятни ташкил этиш, рағбатлантириш ва жазолаш каби методлар ёрдамида ташкил этиш ўқувчиларда экологик маданиятни қарор топишини таъминлайди.

Ўқувчи тарбиясида иштирок этаётган субъектларнинг шахсий намуналари, ўқув манбалари, бадий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, Интернет) материаллари ва уларнинг ғоялари ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим воситалари саналади.

Оила тарбияси асослари

Оила никоҳга ёки аъзоларининг ижтимоий турмуш тарзи, ўзаро ахлоқий жавобгарлик ва ўзароёрдамга асосланган қон-қариндошларнинг кичик гуруҳи. Оила янги авлодни вояга етказувчи ижтимоий институт сифатида акс этади. Оила жамият ва одамга нисбатан муносабатига кўра муҳим функцияларни бажаради.

Жамиятга муносабати бўйича оиланинг вазифаларга қуйидагиларда акс этади:

Аҳолининг табиий кўпайиши. Авлодларнинг алмашинуви учун дав-лат томонидан белгиланган доирада болалар сони мувофиқ бўлиши зарур.

Тарбиявий вазифаси – билим, кўникма ва малакалар, меъёрлар, қад-риятлар, маънавий бойликларни узатиш.

Ишлаб чиқарувчи-хўжалик. Социологларнинг кўрсатишича, оила-нинг оила ишларидан тўлиқ ажралишлари учун қўшимча 40-45 млн одам талаб этилади.

Бўш вақтни ташкил этиш.

Одамга муносабати бўйича оиланинг вазифалари қуйидагича:

Эр-хотинлик вазифаси. Эр-хотинлар – энг яқин кишилар, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради, бир-биридан руҳий мадад олади.

Ота-оналик вазифаси.

Турмушни йўлга қўйиш.

Инсоният ҳаётининг дастлабки босқичларида турли уруғлар муно-сабатлари доирасида оила мавжуд бўлмаган. Жинслар орасидаги муносабат-лар полигамия, яъни жинсий жуфтликларни эркин танлаш ва алмаштириш тамойиллари, бундан ташқари болаларни бутун уруғ аъзолари билан бирга-ликда тарбиялашлари асосига қурилган. Ижтимоий муносабатларнинг тако-миллашуви ва моддий бойликларни тўпланиши натижасида биргаликдаги хўжаликни бошқариш ва ўз болаларини тарбияловчи эр-хотин иттифоқи тар-зида моногом оилалар шаклланди. Энг қадимги даврлардаёқ шаклланган ва ҳозиргача мавжуд бўлган оила шакли – бу катта эркак етакчилигида бир неча авлодни бирлаштирган патриархал оиладир. Патриархал оилаларда муноса-батлар улар аъзоларининг иктисодий ва психологик ўзаро алоқадорлигига таянган ва авторитар характер касб этган. Аҳоли ҳаётининг фаровонлашуви натижасида фақат эр-хотин ва уларни вояга етмаган фарзандларини бирлаш-тирувчи нуклеар оила вужудга келди.

Ҳозирги вақтда оила хилма-хил кўринишларда намоён бўлади: пат-риархал-авторитар ва нуклеар-демократик ҳамда аралаш. Никоҳий ҳолат бў-йича оилаларни тўлиқ ва бола билан фақат ота-оналарнинг биридан ташкил топувчи нотўлиққа ажратилади. Болалар сонига кўра оилалар кўп болали, кам болали, бир болали, боласизга бўлинади.

Ю.П. Азаров ўзаро муносабатлар характери бўйича оилаларни учта турга бўлади: идеал, ўрта, салбий (негатив) ёки жанжалли серзарда.

М.И. Буянов социологларнинг тадқиқотларига таяниб оиланинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади: ўзаро мос (уйғун), тарқоқ, ажрашиб кетган, тўлиқсиз.

Ҳозирги вақтда замонавий оилалар ўзига хос характери ва ривож-ланиш тенденциясига эга. Уларни англаб етиш ҳамда бундай ўзига хослик-ларни ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўз фаолияти давомида ҳисобга олиши оиланинг тарбияловчи имкониятларини самарали амалга оширишга ёрдам беради. Замонавий оилалар ривожининг ана шундай ўзига хосликларидан бири шаҳар ва қишлоқ оилаларининг ижтимоий ҳаёт тарзидаги фарқда акс этади.

Ота-она қанчалик юқори маълумотга эга бўлса, уларнинг болалари таълим муассасасида шунчалик мувафакқиятли ўқишади. Замонавий ота-оналар - бу ишли одамлар ва болаларнинг тарбиясини бутунлай бобо ва бувиларга топширишади. Баъзан катта авлод ва ёш ота-оналар оилада бола-ларни тарбиялашларида турли методлар ҳам кўзга ташланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий жиҳатдан турлича таъмин-ланганлик оилада болаларни тарбиялашда жиддий таъсир кўрсатади. Қоидага мувофиқ оилада болаларга оилавий маблағнинг 25 %идан 50 %игача сарфла-нади.

Оиладагилар сонини камайтириш, туғилишнинг олдини олиш – ҳозирги оилаларнинг ўзига хос хусиятларидан бири. Шаҳар ва қишлоқ оилаларида бир хил тарзда бир-икки бола тарбияланмоқда. Туғилишни ка-майтиришнинг сабаблари кўп томонлама ва мураккаб: ота-оналарнинг ишда бандлиги, мактабгача таълим муассасаларининг етарли таъминланмаган-лиги; бола тарбиялашда моддий таъминотнинг ўсиши; ноқулай турар жой; оиланинг хўжалик шароити; ота-оналарнинг «ўзи учун яшаш» сингари эго-истик қарашлари. Туғилишнинг камайиши янги педагогик муаммо – кам болали оилаларда болаларни тарбиялаш методларини ишлаб чиқиш ва ўрганишни келтириб чиқаради.

Замонавий оилалар ажралишлар сонининг кўзга кўринарли кўпай-ганлиги билан характерланади. 90 %гача ажралишлар турмуш қурганлиги-нинг биринчи йилида уларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги натижасида келиб чиқади.

Ўқитувчиларнинг ота-оанлар билан олиб борадиган ишлари шакл ва методларини тавсифлашдан олдин уларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти ва оила билан алоқаларни йўлга қўйиш усуллари-нинг баъзи психологик-педа-гогик таъсирларига тўхталиб ўтиш лозим.

Биринчи қоида. Мактаб ва гуруҳ раҳбарларининг оила ва жамоат-чилик билан олиб борадиган ишлари асосида ота-оналарнинг обрўсини оши-риш ва мутаҳкамлашга йўналтирилган ҳаракат ва тадбирлар туриши керак.

Иккинчи қоида. Ота-оналарнинг тарбияловчи имкониятларига ишо-ниш, уларнинг педагогик маданияти даражаси ва тарбиялашдаги фаоллиги-ни ошириш.

Учинчи қоида. Педагогик такт, оила ҳаётига ноҳўя аралашшга йўл қўйилмаслиги.

Тўртинчи қоида. Оилавий муаммоларни ҳал қилишда оптимистик руҳдаги, кўтаринки кайфият, боланинг ижобий сифатларига, оила тарбия-сининг кучли томонларига таяниш, шахснинг муваффақиятли ривожлан-тиришга йўналтириш.

Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган ишлари шакл-ларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: жамоавий ва индивидуал. Жамоавий иш шакллари-га педагогик лекториялар, илмий-амалий конференциялар, ота-она-лар мажлиси киради.

Педагогик лекториялар ота-оналарнинг эътиборини тарбиянинг за-монавий муаммоларига эътибор қаратишлари мақсадида ўтказилади. Бу шакл ота-оналарни тарбия назариясига асосланган тизимли билимлар билан қурол-лантиришни кўзда тутади.

Синфлар бўйича педагогик мажбурий таълимни ота-оналар билан 1-2 синфданок бошлаган маъқул. Албатта 1-машғулоти таълим муассасаси бошқарувчилари: директор, илмий мудир, маънавий ва маърифий ишлар бўй-йича диретор ўринбосари ўтказгани яхши. Педагогик мажбурий таълим па-раллел гуруҳлар билан биргаликда олиб борилиши мумкин.

Таълим муассасаларида анънавий тарзда тарбия муаммолари бўйича ота-оналарнинг йиллик илмий-амалий конференцияси шаклланган. Оила тарбиясидаги кўпроқ етилиб турган муаммо аниқланади. Йил давомида таъ-лим муассасаси ва оилада уни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилади. Шун-дагина конференция ҳақиқий йиллик бўлиши мумкин.

Очиқ эшиклар куни ёки таълим муассасасида ота-оналар куни катта тайёргарлик кўришни талаб этади, одатда уни таътил ва вақтида, чоракнинг бошланишига тўғриланади.

Гуруҳ ота-оналари мажлиси – анънавий, ҳаммага яхши маълум иш шакли.

Индивидуал иш шакллари ота-оналар билан ишлашда ҳал қилувчи ролни бажаради. Индивидуал ишларнинг баъзи шакллари-га оилага ташриф буюриш, педагогик топширик кабилар киради. Уларга педагогик консульта-циялар ҳам киради. Консультацияни асосида ота-оналарнинг саволларига жавоб бериш туради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР

ТОШКЕНТ – 2011

“Педагогика назарияси” фанидан хорижий манбалар

- Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. – М.: Академия, 2003. – 176 с.
- Колесникова И.А. Педагогическая реальность в зеркале межпарадигмальной рефлексии. – СПб., 1999. – 182 с.
- Краевский В.В. Воспитание или образование?// Педагогика. – М., 2001.- № 3. – С.74-78.
- Краевский В.В. Общие основы педагогики. – М.: Академия, 2003. – 256 с.
- Кукушин В.С. Теория и методика воспитательной работы. – Ростов-на-Дону: Март, 2002. – 320 с.
- Кукушкин В.С., Столяренко Л.Д. Этнопедагогика и этнопсихология. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2000. – 443 с.
- Лихачёв Б.Т. Педагогика. Курс лекций. – М.: Юрай-Издат, 2003. – 607 с.
- Мудрик А.В. Социальная педагогика. – М.: Академия, 2003. – 200 с.
- Мудрик А.В. Основы социальной педагогики. – М.: АCADEMA, 2006. – 205 с.
- Педагогика/ Под ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Пед.общество России, 1998. – 640 с.
- Педагогика. Большая современная энциклопедия. – Минск: Современное слово, 2005. – 720 с.
- Педагогические технологии/ Под ред. В.С.Кукушина. – М.-Ростов-на-Дону: Март, 2006. – 336 с.
- Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2006. – 540 с.
- Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2005. Кн.1. – 574 с.
- Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2005. Кн.2. – 256 с.
- Подласый И.П. Продуктивная педагогика. – М.: Народное образование, 2003. – 496 с.
- Поляков С.Д. Технологии воспитания. – М.: ВЛАДОС, 2002. – 144 с.
- Сластёнин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. – М.: Школьная пресса. – 510 с.
- Сластёнин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2 ч. – М.: ВЛАДОС, 2003.– Ч.1. – 288 с.
- Сластёнин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2 ч.– М.: ВЛАДОС, 2003. – Ч.2. – 256 с.
- Сластёнин В.А., Чижакова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Академия, 2003. – 192 с.

- Социально-педагогическая концепция личности. – Т.: Фан, 1995. – 282 с.
- Социальная педагогика/ Под ред. М.А.Галазузовой. – М.: ВЛАДОС, 2003. – 416 с.
- Степанов Е.Н., Лузина Л.М. Педагогу о современных подходах и концепциях воспитания. – М.: Сфера, 2003. – 160 с.
- Столяренко А.М. Общая педагогика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – 479 с.
- Столяренко Л.Д. Педагогика. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – 448 с.
- Тройнев В.А., Тройнев И.В. Интенсивные педагогические технологии в гуманитарном образовании (методология и практика). – М.: Дашков и К°, 2006. – 282 с.
- Харламов И.Ф. Педагогика в вопросах и ответах. – М.: Гардарики, 2001. – 256 с.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН КУРС ИШИ
МАВЗУЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2011

“Педагогика назарияси” фанидан курс иши мавзулари

Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори (Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари асосида).

Демократик жамиятда ўқитувчи шахси, ўнга қўйиладиган талаблар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва уни амалга ошириш босқичлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари.

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқлари ва асарларида таълим-тарбия масалалари.

Ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрли шахсни шакллантириш – демократик жамиятда тарбиянинг бош мақсади.

Шарқ мутафаккирлари тарбия мақсади сифатида баркамол авлодни шакллантириш ҳақида.

Шахснинг ижтимоийлашуви, таълими ва тарбияси

Шахс ривожланишини даврлаштириш масаласи: мазмун ва моҳияти

Педагогика фанининг аксиологик асослари.

Ягона педагогик жараённинг мазмуни ва моҳияти.

Дидактика – таълим назарияси сифатида.

Педагогикада таълим жараёни қонуниятларининг ўрганилиши.

Таълим тамойиллари таснифига турлича ёндашувлар: таҳлил ва мулоҳазалар

Билиш – таълим жараёнининг методологик асоси.

Билишга қизиқиш ва унинг таълим жараёнида тутган ўрни.

ДТС – таълим мазмунини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжат.

Умумий ўрта таълим мактабининг ўқув режаси ва унинг мазмуни.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув режаси ва мазмуни

Ўқув дастурлари ва дарсликларнинг тузилиши, вазифалари, моҳияти

Ҳозирги вақтда таълим мазмунини белгиловчи асосий ғоялар таснифи.

Таълим методлари тушунчасининг моҳиятига турлича ёндашувлар таҳлили.

Таълим методлари таснифи ва уларнинг аҳамияти.

Билиш фаолияти типи(характери) бўйича таълим методлари ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш йўллари.

Муаммоли таълим методларининг фикрлаш жараёнини шакллантиришдаги аҳамияти.

Таълим методларини танлаб олишда ўқитувчи шахси ва фаолияти.

Таълимнинг оғзаки методларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Таълимнинг кўрсатмалилик методларидан фойдаланишнинг ҳозирги вақтдаги имкониятлари.

Таълимнинг амалий методлари: улардан фойдаланишнинг ҳозирги вақтдаги аҳволи.

Таълимнинг тарихий турларининг ривожланиш тенденциялари.

Таълим тизими ривожланишининг тарихий тараққиёти.

Таълимни ташкил этиш шаклларига ёндашувлар таҳлили.

Дарс – мактабда таълимни ташкил этишнинг асосий шакли.

Академик лицей, касб-хунар коллежларида таълимни ташкил этиш шакллари.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш ва ўқувчи шахсининг ривожланиши.

Таълим жараёнида ўқувчиларни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш муаммолари.

Ўқитувчининг иқтидорли ўқувчилар билан олиб борадиган ишлари шакл ва методлари.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилик касби ва унга қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши ва унинг босқичлари.

Ўқитувчи фаолиятини илмий ташкил этиш.

Таълим олганликни ташхис этиш: мазмун ва моҳияти.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш турлари, шакл ва методлари.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш мезонлари ва рейтинг тизими.

Таълимни ташкил этишининг ёрдамчи шакллари ва улардан фойдаланишнинг имкониятлари.

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.

Тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш йўллари.

Болалар жамоаси тарбия объекти ва субъекти сифатида.

Болалар жамоасининг шаклланишида анъана ва қадриятларнинг ўрни.

Интеллектуал салоҳиятни ошириш – Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг асоси.

Ўқувчиларнинг ақлий тарбиясини шакллантиришнинг шакл ва методлари.

Фуқаролик тарбиясининг мазмун ва моҳияти

Ватанпарварликни шакллантириш – фуқаролик тарбиясининг асоси.

Ўқувчиларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш

Ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш: шакл, метод ва воситалари.

Тарбиянинг умумий методлари: мазмун ва моҳияти.

Шахс онгини шакллантириш методлари ва улардан фойдаланиш тажрибасидан.

Фаолиятни ташкил этиш ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш методларининг амалиётда қўлланилиши.

Хулқ-атвор нормаларини рағбатлантириш ва мотивациялаш методларидан фойдаланишнинг ўзига хосликлари.

Ўқувчилар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўллари.

Ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг педагогик асослари.

Шарқ мутафаккирларининг меҳнат тарбияси ҳақидаги қарашларнинг аҳамияти.

Меҳнат тарбияси: мазмун ва моҳияти.

Меҳнат тарбиясини беришнинг шакл, метод ва воситалари.

Ахлоқий тарбиянинг мазмун ва моҳияти.

Ўқувчиларда ахлоқий маданиятни шакллантириш йўллари.

Эстетик маданиятни шакллантириш воситалари.

Эстетик тарбия: мазмун ва моҳияти.

Ўқувчиларда эстетик маданиятни шакллантириш йўллари.

Экологик тарбия бериш долзарб муаммо сифатида.

Экологик таҳдидлар ва унинг олдини олиш йўллари (Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” асари асосида).

Ўқувчиларда атроф-муҳитга онгли мунособатни шакллантириш йўллари.

Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.

Жисмоний тарбия воситалари ва улардан фойдаланиш.

Ўқувчиларда жисмоний маданиятни шакллантириш йўллари.

Оила ижтимоий институт сифатида.

Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳозирги вақтда оилаларда болаларни тарбиялаш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.

Таълим муассасасининг оилалар билан олиб борадиган ишлари шакл ва методлари.

Тарбиявий тизимлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари.

Чет элда ва республикадаги тарбиявий тизимлар.

Синф раҳбари, унинг вазифалари, ўқувчилар билан олиб борадиган ишлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни: мазмун ва моҳияти.

Таълим тизими ва турлари.

Таълим муассасаси менежменти.

Таълимни бошқариш соҳасида давлат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари(Таълим муассасаси Низоми, Устави, Педагогика Кенгаши, Методика Кенгаши, Методика бирлашмаси Низоми)

Ёш ўқитувчилар билан ишлаш.

Педагогик технологияларнинг ривожланиш босқичлари.

Муаммоли таълим технологиялари.

Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар.

Ривожлантирувчи таълим технологиялари.

Ахборот технологиялари ва улардан фойдаланиш йўллари.

Интернет ва унинг маълумотларидан фойдаланиш.
Виртуал кутубхона.
Масофали таълим ва унинг таълим жараёнидаги ўрни.
Коррекцион педагогика асосий вазифалари, тамойиллари, методлари.
Аномал болалар ва уларнинг тавсифи.
Ўзбекистон Республикасида аномал болаларнинг ижтимоий ҳолати.
Таълим самарадорлигини оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш
йўллари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРНИНГ
БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ БАҲОЛАШ
МЕЗОНЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2011

“Педагогика назарияси” фанидан талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари

Талабанинг “Педагогика назарияси” фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда қуйидаги мезонларга асосланилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: 1) педагогиканинг фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши; педагогика фанининг асосий категориялари; Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари; шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари; яхлит педагогик жараён ва унинг тузилиши, педагогик жараённинг қонуниятлари ва тамойиллари; дидактиканинг объекти, предмети, асосий категориялари; таълим жараёни ҳамда унинг қонуният ва тамойиллари; таълим мазмуни ва уни танлаб олиш мезонлари; таълимнинг шакл, метод ва воситалари, таълим олганликни ташхис этиш; тарбия жараёни, унинг қонуният ва тамойиллари; тарбия мазмуни; тарбиянинг умумий методлари; тарбия турлари; таълим муассасаси менежменти; коррекцион педагогиканинг умумий асосларига доир аниқ билимларга эга бўлиши; 2) педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш; таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш; таълим-тарбиянинг метод, шакл ва воситаларини амалда мустақил қўллай олиш; ўқувчиларининг БКМларини назорат қилиш кўникмаларини эгаллаган бўлиши; 3) педагогик тафаккур юритиш; мустақил мушоҳада юритиш; ижодий фикр юрита олиш малакалари эга бўлиши лозим.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: 1) педагогиканинг фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши; педагогика фанининг асосий категориялари; Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари; шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари; яхлит педагогик жараён ва унинг тузилиши; дидактиканинг объекти, предмети, асосий категориялари; таълим жараёни ва унинг ўзига хосликлари; таълим мазмуни ва уни танлаб олиш мезонлари; таълимнинг шакл, метод ва воситалари, таълим олганликни ташхис этиш; тарбия жараёни, унинг мазмуни; тарбиянинг умумий методлари; тарбия турлари; таълим муассасаси менежменти; коррекцион педагогиканинг умумий асосларига доир билимларга эга бўлиши; 2) педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш; таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш; таълим-тарбиянинг метод, шакл ва воситаларини қўллай олиш; ўқувчиларининг БКМларини назорат қилиш кўникмаларига эга бўлиши; 3) педагогик тафаккур юритиш; мустақил мушоҳада юритиш; ижодий фикр юрита олиш малакалари эга бўлиши лозим.

в) 56-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: 1) педагогиканинг фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши; педагогика фанининг асосий категориялари; Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари; шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари; яхлит педагогик жараён ва унинг тузилиши; дидактиканинг объекти, предмети, асосий категориялари; таълим мазмуни ва уни танлаб

олиш мезонлари; таълимнинг шакл, метод ва воситалари; таълим олганликни ташхис этиш; тарбия жараёни; тарбиянинг умумий методлари; тарбия турлари; таълим муассасаси менежменти; коррекцион педагогиканинг умумий асосларига доир умумий билимларга эга бўлиши; 2) педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш; таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш; таълим-тарбиянинг метод, шакл ва воситаларини қўллай олиш; ўқувчиларининг БКМларини назорат қилиш кўникмаларини эгаллаши лозим.

г) фаннинг мазмунини ДТСда белгилиланган минимал БКМлар даражасида ўзлаштирмаган талабаларга 55 ва ундан паст балл қўйилади.

Рейтинг жадвали.

Максимал балл – 100 б.

ЖН (жорий назорат) – мах. 40 б.

ОН (оралиқ назорат) – мах. 30 б.

ЯН (якуний назорат) – мах. 30 б.

Саралаш балл – 55 б.

86-100 балл – “5” баҳо.

71-85 балл – “4” баҳо.

55-70 балл – “3” баҳо.

Назорат тури	Назорат шакллари	Хар бир назорат учун белгиланган максимал балл	Назорат сони	Назорат шакллари бўйича белгиланган максимал балл
Жорий назорат	1. Семинар маш-гулотлари	15	2	30
	2. Мустақил иш	10	1	10
Жами:		40	1	40
Оралиқ назорат	1. Тест	15	1	15
	2. Коллоквиум	15	1	15
Жами:		30	1	30
Якуний назорат	1. Ёзма иш	30	1	30
Жами:		100	5	100